

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Бехзод ТУРНИЁЗОВ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ТЕНГ
КОМПОНЕНТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК
ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ**

САМАРҚАНД – 2008

Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Монография.- Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2008, 84 бет.

Монографияда тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси таъйинлари талқин этилган. Мазкур ишдан филология соҳасида таҳсил олаётган талабалар, магистрантлар, шунингдек, лингвист мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Монография СамДЧТИ илмий кенгашининг №10 сонли мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: доц. Хайруллаев Х.

Тақризчилар: доц. Раҳимов А.
ф.ф.н. Туробов А.

КИРИШ

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги давригача тилнинг ички системаси муаммолари атрофлича ўрганилди. Бундай улкан ютуқларни умумий тилшунослик доирасида ҳам, хусусий тилшуносликларда ҳам бемалол кузатиш мумкин. Бу давр ичида тил бирликларининг формал – структур таҳлили, семантик ва функционал таҳлиллари бобида салмоқли илмий натижаларга эришилдики, бундай муваффақиятлар барчамизникидир.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил илмининг ҳар бир соҳасида фундаментал тадқиқот ишлари бажарилганини кўрамиз. Бунда тилшунос олимларимиздан Ф. Камол, У. Турсунов, Ф. Абдуллаев, А. Ғуломов, А. Рустамов, Ғ. Абдурахмонов, М. Асқарова, А. Ҳожиёв, Х. Дониёров, Ш. Раҳматуллаев, А. Абдуазизов, А. Нурмонов, Ҳ. Неъматов, Н. Маҳмудов, ва бошқаларнинг улушлари самарали бўлди.

Бироқ барча фанлар сингари тилшунослик фани ҳам ҳар доим тараққиётдадир. Шу боис тадқиқотларимиз кун тартибига янги-янги муаммолар қўйилавериши ўзига хос қонуниятдир. Шундай бўлмас экан, фанда ўсиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди.

Айтиш лозимки, тилшунослигимизда ҳозирги давргача «тил ва нутқ» дихотомиясининг биринчи компоненти атрофлича ўрганилди. Унинг иккинчи мучаси, яъни нутқ билан боғлиқ бўлган муаммолар тадқиқи тилшуносларимиз назаридан четда қолиб келди ёки мазкур масалага етарли эътибор берилмади.

Албатта, нутқ муаммолари тилнинг реал қўлланилиши масалалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда инсон омили муҳим мавқега эгадир. Чунки тил амалда инсон томонидан қўлланилади, унинг том маънодаги эгаси инсондир. Демак, тилнинг мураккаб системани тақозо этиши ҳам инсон тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

Тилга оид масалалар талқинига ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, тилшуносларимиз олдида ҳал этилиши лозим бўлган ғоят муҳим муаммолар турганлигини кўрамиз. Бундай муаммоларнинг айримлари, жумладан, нутқ лингвистикаси масаласи ҳозирги пайтда жаҳон тилшунослиги тадқиқотлари кун тартибига қўйилиб, долзарблик касб эта бошлади. Бошқача айтганда, нутқ лингвистикаси масалалари талқини бобида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқот бугунги тилшунослигимизнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Бироқ бу орқали тилнинг ички системаси ва унинг қонуниятлари билан боғлиқ бўлган масалалар изоҳталаб эмас, улар узил-кесил ҳал этилган, бугунги кунда тилнинг нутқда қўлланилиши билангина алоқадор муаммолар кун тартибига қўйилмоғи лозим демоқчи эмасмиз, албатта. Чунки тил системаси қонуниятлари билан бевосита боғлиқ бўлган баъзи масалалар борки, улар муаммоли эди ва тилшунослик фани

тараққийетининг ҳозирги даврида ҳам муаммолилигича қолмоқда. Бундай масалалардан бири тил бирликларининг иерархик (поғонали) муносабати талқинидир.

Мазкур масалага юзаки қаралганда бу соҳада барча муаммолар тўлиқ ўрганилганга ўхшайди. Дарҳақиқат, фонема билан морфема, морфема билан сўз, сўз билан гап сатҳлари орасида аҳамият касб этувчи иерархик муносабатларнинг илмий талқини бобида бирор изоҳталаб масала кўзга ташланмайди. Лекин гап билан матн ўртасида амал қилувчи иерархик муносабат доирасида ҳали илмий талқинга муҳтож бўлган муаммолар мавжудлигини кўрамиз. Улардан бири гапнинг лингвистик мақоми билан бевосита алоқадордир. Сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқот ишларида уни қатъий равишда нутқ бирлиги тарзида талқин этилмоқда. Нутқ лингвистикаси масалалари эса эндигина кун тартибига қўйилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, гапнинг амалдаги синтактик таҳлили асоссиз, деган хулосага олиб келади.

Бундай муаммолардан яна бири «қўшма гап» тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Бизнингча, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши мақсадга номувофиқдир, зеро, мазкур термин истёъмолда бўлар экан, тил бирликларининг иерархик муносабатларини тақозо этувчи система қонуниятига путур етказилиши табиийдир. Бошқача айтганда, гап матн таркибида функционал фаоллик ололади, «қўшма гап» тушунчаси эса гап иккинчи бир гапнинг ичида функционал фаоллик олади, деган ғализ хулосага келишимиз учун имкон яратади. Ваҳоланки гап, гап ичида эмас, балки матн сатҳида функционал фаоллик олади. Шу боис тил бирликларининг иерархик муносабати масаласига жиддий эътибор бериш ва бу ҳақдаги назарияни қайта кўриб чиқиш лозим кўринади.

Мазкур масала талқини, ўз навбатида, тил бирликларининг нутқда қўлланилиши билан алоқадор бўлган, умуман олганда, нутқ лингвистикаси билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга ойдинлик киритишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Иккинчи томондан эса, масаланинг бундай қўйилиши ҳозирги тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири бўлган матн лингвистикасининг илмий асосланиши, унинг талқини усуллари ҳамда вазифаларининг белгиланиши бобида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши билан бир қаторда, тилшуносликда «мураккаб бутунлик» тушунчасидан ҳам фойдаланилиб келинмоқда. Масалан, ҳозирги рус тилшунослигида «сложное целое» термини ҳам қўлланилади. Бизнингча, мазкур терминнинг ишлатилиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир, зотан, мураккаб синтактик бутунлик тушунчаси матн мазмунига бирмунча яқинроқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўз тадқиқотимизда «қўшма гап» термини ўрнига «мураккаб синтактик қурилма» терминидан фойдаландик. Мазкур терминни қўллашимиздан асосий мақсадимиз, албатта, тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам функционал фаоллашувида иерархик муносабат қонуниятига амал қилишдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, анъанавий тилшуносликда қўшма гап ва унинг турларини ўрганиш борасида фундаментал тадқиқот ишлари бажарилган бўлишига қарамай, тилшуносларимиз назаридан четда қолган баъзи масалалар ҳам мавжуд кўринади. Буни қўшма гап турларининг белгиланишида, муайян бир тур ичида шу турга кирувчи гапларнинг таснифида, боғловчи воситаларнинг функционал салмоғини аниқлашда ва шу каби қатор масалалар талқинида кузатиш мумкин. Бундай масалалар жумласига яна мураккаб синтактик қурилма шаклланишида туб ва таянч структураларнинг мавқеи, устпредикативлик масаласи, мураккаб синтактик қурилма нафақат тил системасининг, балки нутқ системасининг ҳам фаоллик кўрсатиши объекти эканлиги кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, мураккаб синтактик қурилмалар компонентларининг функционал талқини, семантик таҳлили, шунингдек, мураккаб синтактик қурилмаларнинг психолингвистик назария асосида ўрганилиши каби қатор масалалар ҳам ҳозирги тилшуносликда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунга қадар боғланган ҳамда боғловчисиз қўшма гапларга қараганда эргаш гапли қўшма гаплар анча мукаммал ўрганилганлигини кўрамиз. Бундай ҳолат ўзбек тилшунослигида ҳам кузатилади. Шу боис тадқиқотимиз мавзуси сифатида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси танланди. Синтактик деривация назариясига мурожаат этишимизнинг асосий сабаби, мазкур назария тил унсурларининг нутққа кўчирилиши муаммоси билан чамбарчас боғлиқ эканлигидадир. Тилнинг нутққа кўчирилиши, албатта, ҳозирги тилшунослигимизнинг ўта долзарб масалаларидан биридир, зотан, бу жараён тилнинг барча сатҳлари унсурларининг кесишиш нуқтасини ва уларга сўзловчи муносабатини тақозо этади.

БИРИНЧИ БОБ

ҲОЗИРГИ ТИЛШУНОСЛИКДА ҚЎШМА ГАП ТАЛҚИНИ ВА СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯ НАЗАРИЯСИ

Тилшунослик фанида қўшма гап мавзуси азалдан муаммоли бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам уни муаммолардан холи деб бўлмайди. Бунинг асосий боиси шундаки, қўшма гап фикр ифодаси синтактик шаклининг энг юқори ва мураккаб поғоналаридан бирини ташкил этади.

Жаҳон тилшунослигида қўшма гап талқинига бағишланган илмий-монографик тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, бу соҳада ҳали ечилмаган жумбоқлар анчагина кўринади. Улар жумласига қўшма гап таркибий қисмларининг номланиши, уларнинг туб структурага муносабати, таркибий қисмларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи грамматик ва экстралингвистик омилларнинг функционал салмоғини аниқлаш, қўшма гапнинг устпредикатив белгиси, унинг синтактик деривациясига тааллуқли муаммоларни ва, умуман, «қўшма гап» терминининг қўлланилиши билан боғлиқ кўплаб мунозарали масалаларни киритиш мумкин.

Қўшма гап компонентларининг муносабати турларини ўрганиш XX асрнинг йигирманчи йилларида тилшунослик фанида асосий мавзулардан бири бўлди ва бу соҳада тилшунослар ўртасида илмий баҳс ва мунозаралар бошланди. Бундай мунозараларнинг бошланишига, масалан, рус тилшунослигида, М.Н.Петерсоннинг «Очерк синтаксиса русского языка» номли асарида қўшма гап ҳақида билдирилган мулоҳазалари сабаб бўлди¹. М.Н.Петерсон қўшма гап таркибий қисмларининг тобе ва тенг боғланиши хусусида тилшунослар томонидан айтилаётган фикрларнинг ғоят чалкаш ва чуқур илмий асосга эга эмаслигини таъкидлайди ва қуйидагиларни ёзади: «Мавжуд критериялар бош гапни тобе гапдан, шунингдек, эргаш боғланишни тенг боғланишдан фарқлаш учун асос бўлолмайди. Демак, эргаш ва тенг боғланиш тушунчаларида лингвистик маъно йўқ»².

М.Н.Петерсон нафақат компонентлари тенг боғланишли, балки таркибий қисмлари эргаш боғланишли қўшма гапнинг ҳам мавжудлигини инкор этади. Унинг фикрига кўра, қўшма гапга тааллуқли синтактик тадқиқотларда тенг ва эргаш боғланишлар хусусида эмас, балки сўз бирикмаларининг ўзаро муносабати ҳақида мулоҳаза юритиш лозим³. Бу ўринда, албатта, сўз бирикмаси кенг маънода тушунилади ва гапнинг ҳам сўзларнинг ўзаро бирикувидан ташкил топиши назарда тутилади.

1. Қаранг: Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка. –М., 1923. –С.32.

2. Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

3. Қаранг: Ўша асар, 35-б.

Масаланинг бундай қўйилиши, албатта, тилшунослардан жавоб кутарди. Мазкур танқидий мулоҳазага биринчилардан бўлиб А.М.Пешковский изох беради ва тенг ҳамда эргаш боғланиш тушунчаларининг замирида лингвистик маъно борлигини атрофлича ёритиб беришга ҳаракат қилади. Олим тенг боғланиш асосида шаклланивчи боғланган қўшма гаплар тобе боғланиш асосида шаклланивчи эргаш гапли қўшма гаплардан биринчи галда боғловчи воситалар орқали фарқланишини ва мазкур воситаларнинг қўшма гап структурасидаги синтактик ўринлари ҳам ўзига хослигини алоҳида таъкидлайди. Бунда тенг боғловчи боғланган қўшма гапнинг ҳар икки таркибий қисмида такроран қўлланиши ёхуд таркибий қисмлар оралиғида келишидан қатъи назар, бирор таркибий қисмнинг мучаси саналмаслигини, эргаштирувчи боғловчи эса эргаш гапнинг нафақат ритмик нуқтаи назардан, балки унинг органик тузилиши жиҳатидан ҳам ажралмас қисми эканлигини тўғри эслатади¹.

Ўзбек тилшунослигида ҳам синтактик муаммолар талқинига таъсири кучли бўлган А.М.Пешковскийнинг «Русский синтаксис в научном освещении» номли асарининг ҳам катта бир қисми боғланган, боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гаплар таҳлилига бағишланади. Бу асарда рус тилшунослигида боғланган ҳамда эргаш гапли қўшма гапларнинг лингвистик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинганини кўрамиз. А.М.Пешковскийнинг энг муҳим хулосаларидан яна бири шунда кўринадикки, у қўшма гап хусусида сўз юритганида оҳангни тил унсури ҳисобланувчи боғловчи билан ҳеч қачон тенглаштириб бўлмаслигини, оҳанг бунда ёрдамчи восита эканлигини тўғри таъкидлайди².

А.М.Пешковский қўшма гап тушунчасининг баъзи ғализ томонлари борлигини эслатади ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «У бир неча гапни бир гап деб атагани учун турли англашилмовчиликларга сабаб бўлмоқда»³.

А.М.Пешковский боғланган ва эргашган қўшма гапларни тенг ва эргаш боғланишли сўз бирикмаларига ўхшатади, зотан, мазкур бирикмаларнинг ҳам биринчисининг компонентлари муносабатлари тенг ҳуқуқлилиқка, иккинчисиники эса эргаш боғланишга асосланади⁴. Бундан

1. Қаранг: Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение и подчинение предложений? // Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник (кн. 11-12). –М., 1926.

2. Қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М., 1956. –С.460-470.

3. Ўша асар , 455-бет.

4. Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение и подчинение предложений? // Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник/ книга 11-12/. –М., 1926.

ташқари, олим ўз тадқиқотларида боғловчисиз қўшма гаплар табиати хусусида ҳам сўз юритади ва уларни қўшма гапнинг алоҳида бир тури сифатида тавсифлайди¹.

А.М.Пешковский, гарчи ўз тадқиқотларида қўшма гап тушунчасини асослаб беришга уринган бўлса ҳам, аслида «қўшма гап» терминига қарши эди. Унинг фикрига кўра, тил бирликлари ўз-ўзи билан қоришиб янги поғонани ҳосил қила олмайди. Масалан, морфема таркибига иккинчи морфема, сўз таркибига иккинчи сўз сиғмайди. Демак, гап таркибига ҳам иккинчи гап сиғмайди².

Дарҳақиқат, тил системасининг асосий бирликлари муносабатига эътибор берганимизда ҳам, фонеманинг фаоллашуви морфема сатҳида, морфема актуализацияси сўз доирасида, сўзнинг реал қўлланиши эса гап қолипида иерархик (поғонали) тарзда воқеланишини кўрамиз. Бу, ўз навбатида, А.М.Пешковскийнинг «қўшма гап» термини хусусидаги эътирози асосли эканини кўрсатади. Чунки ҳар бир тил бирлигининг қўлланиши (фаоллашуви) ўзидан катта бирлик оғушида амалга ошади. Демак, гапнинг фаоллашуви гап сатҳида эмас, балки микро- ёхуд макроматн таркибида содир бўлади. Ана шу нуқтаи назардан «қўшма гап» терминининг нечоғлик тўғри ёки нотўғри эканлигини чуқур илмий мушоҳада юритиб ўйлаб кўришга тўғри келади.

Немис тилшуноси, ёш грамматикачилар мактабининг йирик вакилларида бири Х.Паул боғланган қўшма гапни паратактик қурилма деб атайди ва бундай қурилма компонентлари бири иккинчисини аниқламаслигини, балки ҳар иккаласи ҳам бир-бирини аниқлашини таъкидлайди³. Бунда, албатта, у қўшма гап паратактик характерда бўлганда компонентларининг ўзаро тенглик асосида бирикувини назарда тутди.

Ҳозиргача мавжуд лингвистик адабиётларда қўшма гаплар грамматик шакли ва компонентларининг муносабатига қараб боғловчисиз, боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларга бўлиб ўрганилаётганини кузатамиз. Аммо мазкур ишимизнинг мавзуси тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар билан бевосита боғлиқ бўлгани учун қуйида, асосан, қўшма гапнинг боғловчили ва боғловчисиз турлари хусусида мулоҳаза юритамиз.

Академик В.В.Виноградовнинг фикрига кўра, қўшма гапнинг, шу жумладан, боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг ҳам таркибий қисмлари структур-синтактик ва мазмуни жиҳатларидан бир-бири билан алоқада бўлади. Боғланган қўшма гап таркибий қисмлари, эргаш гапли

1. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении.-М.,1956.-С 447.

2. Пешковский А.М. Ўша асар,455-456 бетлар.

3. Қаранг: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. - Halle, 1937. S. 148

қўшма гап таркибий қисмларидан фарқли равишда, тенг боғланишли, тенг муносабатли кўринса-да, бу таркибий қисмларнинг фақат биринчисини эркин курилишли деб ҳисоблаш мумкин, иккинчиси структур кўриниши ҳамда синтактик ҳолатига кўра биринчисига қандайдир маънода тобе бўлади. Боғловчисиз қўшма гап таркибий қисмлари эса ритм ҳамда мелодик воситалар, лексик унсурлар иштирокида алоқага киришади ва бунда ҳам аналогик вазият кузатилади¹.

Бизнингча, В.В.Виноградовнинг мазкур фикри анча асослидир. Чунки боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг ўзаро семантик ва синтактик муносабатлари шундан далолат беради. Бу, айниқса, қўшма гапнинг коммуникатив вазифа бажаришида аниқроқ намоён бўлади. Бироқ В.Виноградов томонидан қўлланган «тобелик» тушунчасини айти пайтда эргаш гапнинг бош гапга тобелик даражаси билан тенглаштирмаслик лозим.

Қўшма гап икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг механик тарздаги бирикувини эмас, балки муайян коммуникатив вазифа бажарилиши учун хизмат қилувчи шаклий ва мазмуний бутунлиқни ташкил этган синтактик қурилмалар бирикувини тақозо этади. Шу боис қўшма гап ўзига хос мураккаб шакл, маъно ҳамда оҳанг бутунлиги маҳсули саналади².

Рус олими А.Г.Рудневнинг фикрига кўра, боғланган қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ мустақил содда гапларнинг тенглик асосида бирикувидан ташкил топади³. Бизнингча, бу мулоҳаза билан қўшилиш қийин. Содда гапларнинг мустақиллиги тўғрисида фақат бу гаплар қўшма гап таркибига киритилишидан аввал гапириш мумкин. Улар қўшма гап таркибига киритилгач, бири иккинчиси билан маъно ва грамматик жиҳатдан боғланган бўлади. Бу эса, ўз навбатида, боғланган қўшма гап таркибий қисмларининг нисбий мустақиллигидан далолат беради. Шу боис «тенг компонентли» тушунчасини ҳам нисбий деб билмоқ лозим.

Бироқ А.Г.Руднев боғланган қўшма гаплар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидагиларга асосланишини тўғри кўрсатади:

1. Улар бир пайтда содир бўлаётган воқеа-ҳодиса ифодасига кўра ўзаро боғланган бўлади.

2. Замон оқимида кетма-кет рўй бераётган воқеа-ҳодиса воқеланади.

3. Иккинчи компонент биринчисида берилаётган хабарнинг натижаси бўлиши мумкин.

4. Рўй бераётган воқеа-ҳодисалар маънолари ўзаро зид бўлади.

1. Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике.-М.,1975.-С.290-291.

2. Қаранг: Прокопович Н.Н. Вопросы синтаксиса русского языка.-М.,1974.-С.102.

3. Қаранг: Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка.-М.,1968.-С.231-233.

5.Ходисалар воқеланишининг галма-галлиги кузатилади. Бунда қўшма гап компонентлари муносабати айирув боғловчиларига асосланади.

6.Иккинчи компонент биринчисида воқеланаётган хабарнинг алоҳида таъкидланиши учун хизмат қилади¹.

А.Г.Руднев боғловчисиз қўшма гаплар қўшма гапнинг алоҳида тури эмаслигини, улар ё боғланган, ёки эргаш гапли қўшма гапларнинг боғловчи воситалар иштирок этмаган кўринишини тақозо этишини алоҳида таъкидлайди. Олимнинг фикрига кўра, боғловчисиз муносабат қадимда ҳам, ҳозир ҳам мустақил маънога эга бўлмаган².

Бизнингча, бу ўринда А.Г.Рудневнинг фикри билан қўшилиш қийин. Зотан, боғловчисиз қўшма гапни мустақил маънога эга эмас деб бўлмайди ва шу боис уни боғланган ёки эргаш гапли қўшма гапнинг боғловчисиз тури тарзида талқин этиш масала тавсифини анча чигаллаштиради.

А.Н.Гвоздев тилшуносликда қўшма гапларни боғланган ва эргаш гапли деб аталувчи турларга бўлиш XIX асрларда кун тартибига қўйилганлигини, аммо бунинг илмий асосланиши ҳанузгача мукамал талқин этилмаганлигини айтади. А.Н.Гвоздев мазкур таснифни илмий асослаш учун боғланган ва эргаш гапли қўшма гапларнинг ҳар бирининг ўзига хос синтактик хусусиятларини пухта ўрганиш лозимлигини таъкидлайди ва фақат шу орқали уларнинг алоҳида грамматик категориялар саналиши мумкинми ёки йўқми эканлигини далилласа бўлади, деган хулосага келади³.

А.Н.Гвоздевнинг фикрига кўра, боғланган қўшма гаплар билан эргаш гапли қўшма гапларнинг асосий тафовути уларнинг синтактик структураларида, боғловчи воситаларда кўзга ташланади. Боғланган қўшма гапларда ҳам уюшиқ бўлакларда кўзга ташланадиган синтактик воситалар кузатилади ва улар таркибида қўлланадиган боғловчилар ҳам бир хилдир. Шу боис боғланган қўшма гаплар компонентлари муносабатлари, гапнинг уюшиқ бўлакларида бўлганидек, бириктирувчи, зидловчи ва айирувчи маъноларни тақозо этади⁴. Бундан ташқари, А.Н.Гвоздев боғланган қўшма гапларда боғловчи восита таркибий қисмларининг бирортасига тааллуқли эмаслигини ва у икки компонентнинг оралиғида синтактик ўринлашувини, эргаш гапли қўшма гапларда эса боғловчи ёки унинг ўрнида қўлланилган грамматик восита эргаш гап таркибида келишини таъкидлайди⁵.

1. Қаранг: Руднев А.Г. Ўша асар, 233-бет.

2. Қаранг: Ўша асар, 259-бет.

3. Қаранг: Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис.-М.,1968.-С.207-208.

4. Қаранг: Ўша асар, ўша бетлар.

5. Қаранг: Ўша асар, ўша бетлар.

А.Н.Гвоздев боғловчисиз кўшма гаплар ҳақида гапирганида, уларнинг ҳозирги тилшуносликда мунозарали эканлигини, зотан, бундай кўшма гаплар таркибий қисмлари муносабати эргаш боғланишга асосланиши ҳам мумкинлигини айтади¹.

Кўринадики, А.Н.Гвоздев ҳам боғловчисиз кўшма гаплар таркибий қисмлари эргаш боғланишга асосланиши мумкинлигини таъкидлаб масала тавсифини анча чигаллаштиради.

В.Г.Адмони боғланган кўшма гап хусусида мулоҳаза юритар экан, унинг таркибий қисмларини мустақил содда гаплар билан қиёслайди ва бири иккинчиси билан мазмунан зич боғланган мустақил қўлланилган содда гаплар билан боғланган кўшма гап таркибида фаоллашган содда гаплар ўртасидаги фарқ нисбий эканлигини таъкидлайди. В.Г.Адмонининг кўрсатишича, мустақил қўлланган содда гаплар грамматик жиҳатдан автосемантик характерга эга эканлиги, боғланган кўшма гап таркибий қисмлари тарзида келаётган содда гаплар грамматик жиҳатдан синсемантик сифатга эга эканлиги улар ўртасидаги асосий фарқлардан бири саналишини айтади. Олим боғланган кўшма гап компонентларининг синсемантик белгилари қуйидагиларда кўринишини эслатади: 1. График режада. 2. Ритмик-интонацион режада. 3. Мантикий-грамматик режада².

Бизнингча, бу ўринда В.Г.Адмони фикрида баъзи ғализликлар кўзга ташланади. Буни биринчи галда «автосемантика» ва «синсемантика» терминларининг қўлланилишида қайд этиш мумкин. Бошқача айтганда, гапнинг автосемантик ёки синсемантик характерда бўлиши грамматик жиҳатдан эмас, балки семантик жиҳатдан белгиланади. Бу нуқтаи назардан «автосемантика» термини аксарият ҳолларда, мустақил содда гаплардан ташқари, боғланган ва боғловчисиз кўшма гап компонентларига бевосита тааллуқлидир, зотан, уларнинг ҳар бири мазмунига кўра нисбий мустақил бўлиши мумкин. Ана шу жиҳатдан боғланган кўшма гап компонентлари эргаш гапли кўшма гап компонентларидан семантик структурасига кўра фарқланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, эргаш гапли кўшма гап компонентлари синсемантик характерда бўлади. Бу ҳақда Е.В.Гулиганинг «Ҳозирги немис тилида кўшма гаплар назарияси» монографиясидан керакли маълумотларни олиш мумкин³.

Автосемантик ва синсемантик гаплар хусусида Н.С.Валгина ҳам асосли маълумот беради. Унга кўра, боғланган кўшма гап компонентларининг тенг ҳуқуқлилилик асосида боғланиши синтактик

1. Қаранг: Ўша асар, 296-б.

2. Қаранг: Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. - М.,1973.-С.181-183.

3. Қаранг: Гулыга Е.В. Теория сложноподчинённого предложения в современном немецком языке.- М.,1971.-С.11-46.

сатҳда кўринади, мазмуний нуқтаи назардан эса улар нисбий мустақилдир, зотан, ҳар икки компонент бир-бирига боғлиқдир. Боғланган қўшма гап қисмларининг мазмунан нисбий мустақиллиги уларнинг автосемантик характерда эканлигидан далолат беради. Бундай вазиятда қисмларнинг ҳар бири лексик нуқтаи назардан тўлиқ, бекамикўст бўлади ва шу боис улар мустақил қўлланилиши мумкин бўлган содда гапларни тақозо этади.

Боғланган қўшма гапнинг биринчи компоненти автосемантик тарзда, иккинчиси эса синсемантик характерда бўлиши ҳам мумкин. Чунки кўп пайтларда иккинчи компонент мазмунига кўра биринчи компонентга узвий боғланган ҳолда воқеланади. Баъзан эса қўшма гапнинг биринчи компоненти ҳам лексик жиҳатдан тўлиқ эмаслиги кузатилади. Бу эса, ўз навбатида, унинг мазмунан нисбий мустақил бўлишига монелик қилади¹.

Н.Валгина боғловчисиз қўшма гаплар ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб мустақил тур сифатида ўрганилаётганини айтади ва бундай қўшма гап таркибий қисмлари, асосан, интонация, феъл-кесимнинг грамматик шакли ёки сўз тартиби воситасида муносабатга киришишини таъкидлайди².

Айтиш лозимки, Н.Валгина боғланган қўшма гап қисмларининг автосемантик ва синсемантик характери ҳақида илмий эътиборга молик фикр айтган бўлса ҳам, боғловчисиз қўшма гапларнинг синтактик табиати хусусида бирор янги фикр билдирмайди.

В.А.Белошапкованинг масъул муҳаррирлигида чоп этилган «Ҳозирги рус тили» дарслигида боғланган қўшма гаплар тенг боғловчили сўз бирикмаларига қиёсан ўрганилади ва бу ҳақда қуйидаги мулоҳазалар билдирилади: «Қўшма гап компонентлари ўртасидаги тенг боғланиш таркибий қисмлари тенг муносабатли бўлган сўз бирикмаларидаги боғланиш билан муштаракдир. Сўз бирикмалари (сўз формалари) ва қўшма гап сатҳида (предикативли бирликлар) ўзаро боғланаётган компонентлар бир хил синтактик вазифа бажаради»³.

Кўринадики, бу ўринда компонентлари тенг боғланишли бўлган сўз бирикмаси билан боғланган қўшма гап сатҳидаги синтактик муносабат айнан бир хил деб кўрсатилади. Бироқ бу фикр билан тўлиғича қўшилиш қийин, чунки боғланган қўшма гап компонентларининг синтактик шаклланиши алоҳида туб структураларга асосланиши сабабли улар ўртасидаги синтактик боғланиш ҳам ўзига хосликка эгадир. Сўз бирикмаси эса ҳар доим ҳосила қурилмани тақозо этади, унга туб структура бегонадир. Бундан ташқари, юқоридаги фикрда таъкидланган

1. Қаранг: Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. -М.,1973.-С.280-281.

2. Қаранг: Ўша асар, 342 – 343 бетлар.

3. Современный русский язык. – М., 1989. – С. 372.

синтактик вазифалар бир хил эканлиги ҳам илмий асосланмаган. Бироқ мазкур дарсликда боғловчисиз кўшма гаплар тақозо этадиган синтактик система кўп жиҳатдан ҳали илмий изоҳларга эҳтиёжли эканлиги, уларнинг тадқиқи тилшунослик фани олдида турган галдаги вазифаларни тақозо қилиши тўғри қайд этилади¹.

А.П.Комаровнинг мулоҳазасига кўра, боғланган кўшма гап компонентлари ўртасида мантикий боғланиш мавжудлиги сабабли, бунда кузатиладиган синтактик алоқа кучсиз бўлади. Эргаш гапли кўшма гап компонентларининг ўзаро муносабати эса предметга асосланади (предметная связь). Бунда мантикий боғланиш кузатилмайди. Лекин А.П.Комаров бу билан логик боғланиш фақат боғланган кўшма гап компонентлари учун, предметга асосланган муносабат эргаш гапли кўшма гаплар учун характерли деган хулосага келмаслик кераклигини, бунда қатъий корреляция (чегара) йўқлигини ҳам таъкидлайди².

Е.А.Реферовскаянинг илмий мушоҳадаларига кўра, боғланган кўшма гап компонентлари маъно жиҳатдан ўз мустақиллигини сақлайди. Уларнинг ўзаро боғланиши натижасида кўшма гапнинг умумий мазмуний салмоғи шаклланади. Демак, боғланган кўшма гапнинг мазмуни ҳар доим икки хабар ифодасининг мажмуини тақозо этади³.

Е.А.Реферовскаянинг фикри билан кўшилиш мумкин. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, боғланган кўшма гап компонентларининг мустақиллиги семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам нисбийдир.

Е.А.Реферовская боғланган кўшма гапларни боғловчисиз кўшма гаплардан кескин фарқлаш лозимлигини айтади. Олимнинг фикрига кўра, боғланган кўшма гапларнинг таркибий қисмлари мазмунан ягона бир бутунликни ташкил этади, боғловчисиз кўшма гаплар компонентлари эса бундай имкониятдан маҳрумдир⁴.

Бизнингча, Е.А.Реферовскаянинг мазкур фикрига ижобий ёндашиб бўлмайди. Негаки, нафақат боғловчисиз кўшма гапларда, балки кўшма гапларнинг барча турларида ҳам умумий мазмун ифодаси кузатилади.

Француз тилшуноси Ж.Антуан тенг боғланиш муаммосини талқин этишга ўзининг икки жилдли монографиясини бағишлайди. Асарнинг биринчи жилдида муаллиф мавзуга оид лингвистик адабиётлар таҳлилини

1. Қаранг: Ўша асар, 763-б.

2. Комаров А.П. Система средств выражения причинно – следственных отношений в современном немецком языке // Автореф. докт. дис. – М., 1973. – С. 17

3. Қаранг: Реферовская Е.А. Синтаксис современного французского языка. – Л., 1969. – С.172

4. Қаранг: Ўша асар, 196-бет.

беради, иккинчи жилдида эса боғланган кўшма гапларнинг семантик ва синтактик режалар асосидаги талқини ўз аксини топади¹.

Ж.Антуан бу асарида боғланган кўшма гапни мантикий режа замирида ўрганиш лозимлигини тавсия этган тилшунослар фикрига қўшилмайди ва тенг боғланиш тушунчасининг мантиқ билан алоқадор эмаслигини, эргаш боғланишнинг эса мантиқ нуқтаи назаридан изоҳланиши мумкинлигини айтади. Ж.Антуан тенг боғланишнинг асосий белгиси кўшма гап компонентларининг ўзаро мувозанат ҳолати эканлигини таъкидлайди².

Ж.Антуаннинг боғланган кўшма гап компонентларининг ўзаро тенглик асосида боғланишини (боғланган ва боғловчисиз кўшма гапларни) мантикий нуқтаи назардан изоҳлаш ноўринлиги ҳақидаги фикри билан қўшилиш мумкин, бироқ эргаш боғланишнинг мантиқ билан боғлиқлиги хусусидаги мулоҳазаси, бизнингча, изоҳталабдир. Тўғри, тилшунослик фани мантиқ билан узвий боғлиқдир. Аммо бундан мантикий қонун-қоидалар билан тилшунослик қонун-қоидалари муштаракдир, деган хулосага келиб бўлмайди, зотан, тилшунослик фанининг тил системаси унсурларининг фақат ўз доирасида амал қиладиган қонун-қоидалари мавжуддир. Аниқроғи, лингвистик ҳодисаларнинг семантик таҳлили мантикий қоидалар билан ҳисоблашиши лозим бўлса-да, уларнинг формал-синтактик таҳлили соф лингвистик қоидаларга таяниши даркор. Акс ҳолда, мантиқ билан тилшунослик фанлари ўртасидаги чегара бузилади.

Турк тилшуноси проф. Лейла Карахан боғланган кўшма гапнинг компонентлари қуйидаги воситалар орқали ўзаро муносабатга киришувини кўрсатади: **ve, veyā, da, ne, fakat, ama, lākin, halbuki, meğer**. Олим боғланган кўшма гапнинг ҳар бир компоненти мустақил жумлани тақозо этишини ва улар мазмунан боғловчи воситалар орқали алоқада бўлишини таъкидлайди:

*Hava bulutlu ve durduğumuz tepe rüzgârli idi. Gönlümle oturdum da hüznümlendim o yerde. Ne doğan güne hüküm geçer, ne hâlden anlayan bulunur*³.

Кўринадики, Л.Карахан боғланган кўшма гап компонентларини мутлақо мустақил жумлалар тарзида талқин этади. Бизнингча, уларни нисбий мустақил жумлалар сифатида изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлар

1. Қаранг: Antoine G. La coordination en français moderne. – Paris, 1959. (Ж.Антуаннинг илмий қарашлари ҳақидаги мулоҳазалар Е.Реферовскаянинг кўрсатилган асаридан олинмоқда).

2. Қаранг: Ўша асар, 303-305-бетлар.

3. Қаранг: Karahan L. Türkçede söz dizimi.Cumle tahlilleri.-Ankara, 1999,64-65 s.

эди, зотан, умумий бир маъно ифодасини бериш учун бириккан жумлалар қандайдир тарзда мустақиллигини йўқотади.

Турк тилшуноси Таҳсин Бангу ўғлу боғловчисиз ва боғловчили қўшма гапларни алоҳида турли қўшма гапларга ажратмайди ва уларни умумлаштириб, боғланган қўшма гап номи билан атайди. Боғловчисиз қўшма гаплар бунда бириктирув (*ulama*) жумлалар сирасига киритилади ва бириктирув боғловчили қўшма гаплар қаторида таҳлил этилади¹.

А.Н.Баскаков турк тилида боғловчисиз боғланган қўшма гапларни икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг интонация воситасида бирикувидан ташкил топган мазмуний бутунлик сифатида талқин этади. Бунда, олимнинг фикрига кўра, қўшилаётган содда гаплар мазмунидан фарқланувчи янги маъно вужудга келади². Бизнингча, А.Баскаковнинг мазкур фикри эътиборга моликдир, зотан, қўшма гапнинг ҳар қандай турида ҳам компонентлари мазмунидан келиб чиқадиган янги бир мазмуний бутунлик шаклланади.

Бироқ, шуни ҳам айтиш лозимки, турк тилшунослигида боғланган қўшма гапнинг ҳар бир компоненти мустақил эга ва кесимга эга бўлиши масаласига эътибор берилмайди. Масалан, уюшиқ кесимли қуйидаги каби содда гаплар қўшма гап сифатида талқин этилади: *Hava bir açiyor, bir karayor*³.

Ҳозирги ўзбек тилшунослигида боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг ҳар бири қўшма гапнинг алоҳида тури сифатида ўрганилади ва уларнинг эргаш гапли қўшма гаплардан фарқланувчи томонлари кўрсатиб берилади. Жумладан, боғланган қўшма гапларни эргаш гапли қўшма гаплардан фарқловчи асосий восита тенг боғловчилар ва юкламалар эканлиги алоҳида қайд этилади. Бу ҳақда «Ўзбек тили грамматикаси»нинг академнашида қуйидагиларни ўқиймиз: «Боғланган қўшма гапни бошқа қўшма гап конструкцияларидан фарқлаб турувчи асосий грамматик белги уларни ташкил этган қисмларни бир-бирига боғловчи тенг боғловчилар ва юкламалардир»⁴. Боғланган қўшма гап компонентлари шаклан мустақил, мазмунан эса ўзаро боғланган бўлади ва бундай боғланиш уларнинг структурасида, кесимларнинг мазмуний ва грамматик муносабатларида, умумий гап бўлақларининг бўлишида кузатилади⁵.

Мазкур асарда боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида қуйидагилар айтилади: «Боғловчисиз қўшма гаплар боғланган ёки эргаш гапли қўшма

1. Bangu oğlu T. Türkçenin grameri. –Ankara, 1998, 554-555-бетлар.

2. Қаранг: Баскаков А.Н. Предложение в современном турецком языке. – М., 1984. –С.146.

3. Қаранг: Bangu oğlu T. Кўрсатилган асар, 557-бет.

4. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. –Тошкент, 1976, 300-330-бетлар.

1. Қаранг: Ўша асар, ўша бетлар.

гапларнинг боғловчисиз варианты эмас, балки алоҳида қўшма гап типидир. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари орасига тенг ёки тобе боғловчисини киритиб бўлмайди. Бундай боғловчи бирор ўринда киритилса ҳам, бутун бир гап конструкцияси ўзгаради»¹.

Бизнингча, бу ўринда айтилган сўнгги фикрда қатъият йўқдек кўринади. Биринчидан, боғловчисиз қўшма гап компонентлари муносабатида бирор боғловчига эҳтиёж сезилмайди. Иккинчидан, унинг компонентлари муносабатларини боғловчи воситасида шакллантириш мумкин бўлса, бу, сўзсиз, синтактик деривациянинг таъсири имкониятлари доираси билан бевосита боғлиқ бўлади:

Баҳор келди, гуллар очилди – Баҳор келди ва гуллар очилди – Баҳор келгач, гуллар очилди.

А.Н.Кононов қўшма гапларни боғланган ва эргаш гапли турларга бўлиб ўрганайди. Бунда боғланган қўшма гаплар боғловчили ва боғловчи вазифасидаги паузали икки турга ажратилади².

Мазкур тасниф, бизнингча, анча асосли эди. Бироқ ўзбек тилшунослигида у кейинчалик ривожлантирилмади.

Ғ.А.Абдурахмонов боғланган қўшма гапларнинг таркибий қисмлари нисбий мустақилликка эга эканлигини, буни қўшма гапда қўлланилган боғловчи восита кўрсатиб туришини таъкидлайди. Аммо, олимнинг эътирофи этишича, бу мустақиллик грамматик жихатдандир, зотан, боғланган қўшма гапда ҳам унинг компонентлари кесимлари алоҳида олинганда маълум бир ният англашилмайди, бир қисм мазмуни иккинчисини талаб этади³.

Ғ.А.Абдурахмонов боғланган қўшма гаплар нафақат туркий тилларда, балки умумий тилшунослик доирасида ҳам энг кам ўрганилганлигини тўғри таъкидлайди ва бунинг асосий боиси боғланган қўшма гапларнинг оғзаки нутқда кам қўлланишида эканлигини эслатади.

Ғ.А.Абдурахмонов боғланган қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплардан фарқли равишда, ёпиқ гап қурилмаларини ташкил этишини айтади ва уларнинг икки таркибий қисмдан ташкил топишини кўрсатади. Бундан ташқари, олим боғланган қўшма гап қисмларининг ўзаро муносабати орқали қуйидаги мазмуний муносабатлар ифодаланишини ва мазкур муносабатларнинг ҳар бирини мукаммал ёритади:

2. Қаранг: Ўша асар, ўша бетлар.

2.Қаранг: Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М. – Л., 1960. –С.406.

3. Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. –Тошкент, 1964, 59-бет.

1. Қиёслаш муносабати. 2. Бириктирув муносабати. 3. Айирув муносабати. 4. Сабаб ва натижа муносабати. 5. Изоҳлаш муносабати¹.

Ғ.Абдурахмонов боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган содда гаплар тобе ва тенг боғловчиларсиз бирикишини айтади ва бундай содда гапларнинг тузилишида лексик, морфологик, синтактик параллеллик бўлишини таъкидлайди. Ғ.Абдурахмонов таълимотида шу нарса муҳимки, унга кўра «боғловчисиз» атамасининг қўлланиши шартли эканлиги, чунки қўшма гап қисмларининг алоқасини таъминловчи турли воситалар кенг маънода боғловчи саналиши эслатиб ўтилади².

Ўйлаймизки, Ғ.Абдурахмоновнинг мазкур фикри билан тўлиқ қўшилиш мумкин. Умуман олганда, қўшма гап таснифида «боғловчили боғланган» ва «боғловчисиз боғланган» терминларидан фойдаланиш янада мақсадга мувофиқроқ бўлар эди. Бизнингча, анъанага кўра қўлланиб келаётган «боғланган қўшма гап» термини талабга жавоб беролмайди, чунки боғловчисиз қўшма гап компонентлари ҳам ўзаро боғланган бўлади.

М.Асқарова боғланган қўшма гапни тенг боғловчилар орқали бириккан, бири иккинчисига грамматик жиҳатдан тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли предикатив қисмлардан ташкил топган қўшма гапли синтактик қурилма сифатида талқин этади ва қўшма гап таркибидаги компонентлар ўзаро бириктирув, чоғиштирув, айирув, зидлов, инкор муносабатларини ифодаловчи тенг боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги **-да, -у (-ю)** юқламалари воситасида боғланишини айтади³.

М.Асқарова боғланган қўшма гап компонентларининг мустақиллиги нисбий эканлигини таъкидлайди ва бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Қўшма гап /хусусан, боғланган қўшма гап/ таркибидаги компонентлар алоҳида-алоҳида ажратиб қаралса, уларнинг ҳар бири мустақил гапга тенгдай кўринади, лекин улар қўшма гап таркибида фикрий тугалликка /тўлиқ мустақилликка / эга бўлмайди. Шу жиҳатдан бундай компонентларни мазмунан нисбий мустақилликка эга дейиш тўғрироқдир»⁴.

Кўринадикки, И.Асқарова боғланган қўшма гап таркибий қисмларининг ҳар бири мустақил гапга тенгдай кўринишига қарамай, улар қўшма гап таркибида мазмуний жиҳатдан тўлиқ мустақил бўла олмаслигини, фақат нисбий мустақил эканлигини тўғри таъкидлайди. Бизнингча ҳам, боғланган қўшма гап компонентларининг нисбий мустақиллиги мазмуний жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. -Тошкент, 1996, 164-бет.

2. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси, 132-бет.

3. Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент, 1987, 163 – бет.

4. Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

сезилади. Зотан, бундай синтактик курилма компонентларининг ҳар иккиси ҳам алоҳида аҳамиятга молик бўлган мустақил туб структураларга таянади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг нафақат грамматик жиҳатдан, балки семантик нуқтаи назардан ҳам нисбий мустақил эканлигидан далолат беради. Чунки туб структура - бу ички семантик структура демакдир.

Юқоридагилардан ташқари, М.Асқарованинг боғланган қўшма гапларда биринчи компонент эркин тузилиши, иккинчи компонент эса боғланган қўшма гап компонентлари орасидаги муносабатга боғлиқ ҳолда курилиши хусусидаги мулоҳазалари ҳам эътиборга моликдир¹. Хусусан, **бўлса, эса** сўзлари иштирокида тузилган иккинчи компонент бунинг далили бўлиши мумкин.

М.Асқарова боғловчи воситаларсиз шаклланган қўшма гаплар компонентлари ўзаро боғловчилар ва грамматик формаларсиз, фақат интонация билан синтактик бутунлик ҳосил қилишини эслатади. Қўшма гапнинг бу тури М.Асқарова фикрига кўра, тузилиши жиҳатидан баъзан боғланган қўшма гапга, баъзан эса эргаш гапли қўшма гапга ўхшайди².

Фикримизча, боғловчисиз қўшма гап компонентлари муносабатини фақат интонация орқали воқеланади дейиш масала моҳиятини бирмунча чигаллаштиради, зотан, бу ўринда бошқа воситаларнинг, шу жумладан прагматик муҳитнинг, экстралингвистик омилларнинг ҳам аҳамияти салмоқли бўлади. Масалан, қўшма гап компонентлари ўртасидаги мазмуний муносабат бунинг далили бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, қўшма гап компонентлари (боғловчисиз қўшма гап компонентлари ҳам) мудом муайян семантик дистрибуция оғушида бўлади.

В.В.Решетовнинг фикрига кўра, боғланган қўшма гап компонентлари тенг ҳуқуқли /равносильный/ бўлади ва улар мустақил содда гапларни тақозо этади. Бундай гапларда боғловчилар қатнашади ва уларнинг синтактик вазифалари рус тилидаги аналогик воситалар вазифаларига ўхшайди. Шу боис ўзбек тилидаги боғланган қўшма гаплар рус тилидаги шундай гапларнинг тузилиши принциплари билан муштаракдир³. Аммо В.Решетов боғловчисиз қўшма гаплар хусусида маълумот бермайди.

В.Решетовнинг ўзбек тилидаги боғланган қўшма гап билан рус тилидаги шундай гапларнинг тузилиши принциплари бир хил, деган фикри билан қўшилиш қийин. Чунки ҳар бир тилнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлиги изоҳ талаб қилмайди. Ҳатто бири иккинчиси

1. Қаранг: Гуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган дарслик, 136 - бет.

2. Қаранг: Ўша асар, 223 – б.

3. Қаранг: Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. – Ташкент, 1965. –С. 226.

билан яқин қариндош бўлган тиллар ўртасида ҳам уларнинг грамматик қурилиши бобида тўлиқ муштаракликни кузатиш қийин.

Ғ.Абдурахмонов, А.Сулаймонов, Х.Холиёров, Ж.Омонтурдиевларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» қўлланмасида боғланган қўшма гапнинг асосий грамматик белгиси тенг боғловчилар эканлигига алоҳида урғу берилади ва қўшма гапдан фарқли равишда, айириш мазмуний муносабатининг кенг қўлланиши, сабаб ва натижа мазмуни муносабатини ифодаловчи қурилмаларнинг мустақиллиги ва ҳар бир семантик муносабат ичида ўзига хос мазмун ифодаларининг мавжуд бўлиши қайд этилади¹.

Мазкур ишда муаллифлар боғланган қўшма гапни шакллантирувчи асосий восита тенг боғловчилар эканлигини тўғри таъкидлайдилар², зотан, деривацион нуқтаи назардан ҳам тенг боғловчилар қўшма гап шаклланишига хизмат қилувчи энг фаол морфологик унсур саналади.

Айтиш лозимки, ҳаволада номи кўрсатилаётган қўлланма муаллифларидан бири Ғ.Абдурахмонов бўлгани учун, унда боғловчисиз қўшма гаплар ҳақида сўз юритилганда юқорида эслатиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларга асосланилади.

Б.Ўринбоев тадқиқотларида ҳам боғланган қўшма гапларда содда гапларни ўзаро бириктириш учун тенг боғловчилар қўлланилиши таъкидланади ва бунда биринчи гап, одатда, эркин ҳолда тузилган бўлиши эслатилади.

Б.Ўринбоевнинг таъкидлашича, боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар мазмун ва оҳанг тугаллигига эга бўлмайди. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар, боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплардагидек, ўзаро тенг алоқага ҳам, тобе алоқага ҳам кириша олмайди.

Бу ўринда боғловчисиз қўшма гаплар таркибий қисмлари муносабати, асосан, лексик унсурлар, гап бўлақларининг такрорланиши, замон маъноси, оҳанг ва ўрин каби воситалар билан боғлиқ эканлиги тўғри таъкидланади³. Бизнингча, айтиш пайтда бундай воситалар жумласига семантик дистрибуция ҳам кириши ва асосий омиллардан бири бўлиб қолиши эслатилганда янада мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Н.Турниёзов «боғланган қўшма гап» ва «боғловчисиз қўшма гап» терминларининг қўлланилиши мақсадга номувофиқ эканлигини қайд этади. Чунки қўшма гапнинг ҳар қандай тури компонентлари ҳам ўзаро қандайдир восита орқали боғланган бўлади. Шу боис Н.Турниёзов

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент, 1979, 123-б.

2. Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

1. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (ўқув қўлланма). - Самарқанд, 2001, 111-112; 135-137 бетлар.

«боғловчили боғланган кўшма гап» ва «боғловчисиз боғланган кўшма гап» терминларидан фойдаланиш маъқул эканлигини айтади. Бундан ташқари, Н.Турниёзов боғловчили ва боғловчисиз боғланган кўшма гаплар таркибий қисмларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги биринчи галда уларнинг туб структуралари кўшма гапнинг ташкил этилишида алоҳида аҳамиятга эгалиги билан изоҳланишини кўрсатади, зеро, бундай гаплар компонентларининг ҳар бири мустақил (алоҳида) туб структурага таянади. Эргаш гапли кўшма гапларнинг эса семантик структураси ҳам, синтактик шакли ҳам, асосан, ҳоким гапнинг туб структурасига асосланади. Чунки эргаш гап ўзи учун эмас, балки ҳоким мавқега эга бўлган иккинчи бир гап учун хизмат қилади. (Бу ҳақда ишимизнинг иккинчи ва учинчи бобларида батафсил маълумот берилади)¹.

Р.Сайфуллаеванинг таъкидлашига кўра, ўзбек тилшунослигида кўшма гапларнинг «боғланган кўшма гап», «эргаш гапли кўшма гап», «боғловчисиз кўшма гап» тарзида учга бўлиб ўрганилиши жуда эътирозли бўлиб, мазкур тасниф қайси принципга асосланганлиги ҳам аниқ эмас.

Р.Сайфуллаева кўшма гап содда гапларнинг бирикувидан ҳосил бўлиши ҳақидаги фикрга танқидий ёндашади. Чунки содда гап фикран нисбий, интонация жиҳатидан мутлақ тугалликка эга бўлади. Кўшма гап таркибий қисмлари бўлган содда гаплар бундай хислатларга эга бўлмайди. Улар шаклларига кўра содда гапга ўхшаса-да, ички томондан мустақил содда гаплардан кескин фарқланади. Шунинг учун кўшма гаплар ё номустақил содда гаплардан, ёки предикатив бирликлардан ташкил топади, дейиш мақсадга мувофиқдир².

Р.Сайфуллаева, юқоридагилардан ташқари, кўшма гапнинг анъанавий талқинига яна қуйидаги эътирозларни ҳам билдиради: «Кўшма гап ички турларига баҳо беришда ҳам эътирозли томонлар бор. Жумладан, эргаш гапли кўшма гапнинг мазмун турлари боғланган ва боғловчисиз кўшма гапларга асоссиз равишда кўчирилади. Натижада кўшма гапнинг пайт мазмунидаги боғланган кўшма гап, сабаб мазмунидаги боғланган кўшма гап сингари турлари пайдо бўлади. Масалага бундай ёндашгандан кўра, анъанадан воз кечиб, кўшма гапларни мазмун жиҳатидан бутунича алоҳида ўрганиш тузук эмасми?»³

1. Қаранг: Турниёзов Н. Кўшма гап синтаксиси. – Самарқанд, 1995, 5-8-бетлар.

2. Қаранг: Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг формал-функционал талқини. –Тошкент, 1994, 33-55 – бетлар.

3. Қаранг: Ўша асар, 56 – бет.

Бу масаланинг бир томонини тақозо этса, унинг иккинчи томонини эргаш гапли қўшма гаплар таснифининг ўзи ҳам мукамал эмаслигида қўрамыз.

Р.Сайфуллаеванинг тадқиқотларида қўшма гаплар талқини уларнинг синтактик қурилишини ўрганишга асосланади ва бунда энг аввал гап қурилишининг энг кичик қолипи *WPm* замирида қўшма гапнинг, шу жумладан боғланган қўшма гапнинг */WPm, WPm /* шаклидаги типик кўриниши аниқланади.

Мазкур типик кўриниш таркибида мустақил гаплар сингари қўлланила оладиган компонентларни тақозо этувчи қўшма гапнинг моделини ифода этади. «*/WPm, WPm /* - бу мустақил содда гаплар сифатида қўлланила оладиган икки ва ундан ортиқ гапнинг нутқда маълум бир боғловчи восита билан ўзаро боғланиши ва битта интонацион тугалликка, битта гап тўхтамига эга бўлишидир»¹.

Р.Р.Сайфуллаеванинг мазкур фикри тенг компонентли қўшма гапнинг семантик-грамматик хусусиятларини асослашда муҳим аҳамият касб этади. Тенг компонентли қўшма гап қолипининг символлар воситасида берилиши ҳам қўшма гапларни моделлаштириш жараёнида бирмунча қулайликлар яратади.

М.Қурбонованинг фикрига кўра, қўшма гапларнинг, хусусан, эргаш гапли қўшма гапларнинг тилшунослигимизда амалда бўлган таснифи носинтактикдир².

Боғланган қўшма гапларни С.Солихўжаева очик ва ёпиқ структурали турларга бўлиб ўрганади. Бунда компонентлари сирасини шу гапнинг грамматик формаси орқали давом эттириш мумкин бўлган синтактик қурилмаларни очик структурали боғланган қўшма гаплар деб аташ, компонентлари сирасини боғловчилар (грамматик форма) орқали давом эттириб бўлмайдиган синтактик қурилмаларни эса ёпиқ структурали боғланган қўшма гаплар деб аташ лозимлиги таъкидланади. Бошқача айтганда, бириктирув ва айирув боғловчили қўшма гаплар очик, зидлов боғловчили, **бўлса, эса** сўзлари, **фақат** боғловчиси ҳамда **-у (-ю)** юкламалари ёрдамида шаклланган қўшма гаплар ёпиқ структурали боғланган қўшма гаплар саналади. Бундан ташқари, С.Солихўжаева **-и (-иб)** қўшимчали равишдош шаклли ва феълнинг шарт шакли қўшимчаси **-са** орқали шаклланган боғланган қўшма гаплар ҳам мавжудлигини далиллашга ҳаракат қилади³.

1.Қаранг: Ўша асар, 180 – 185 бетлар.

1.Қаранг: Неъматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари.-Тошкент, 1999,25-бет.

3.Қаранг: Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.-Тошкент, 1992,127-128 бетлар.

Шубҳасиз, С.Солихўжаева боғланган кўшма гаплар муаммосини ёритишга баракали ҳисса кўшгандир. Лекин **-и (-иб)** ҳамда **-са** кўшимчалари боғланган кўшма гап компонентларининг биринчиси таркибида келса, у ҳолда мазкур компонентнинг кесими мустақиллигини йўқотади ва бу гап иккинчи компонентга, ҳеч бўлмаганда, маълум даражада тобе бўлиб қолади. Шу боис С.Солихўжаеванинг юқорида бу ҳақда билдирган фикри, бизнингча, анча мунозаралидир.

Шундай қилиб, боғланган ва боғловчисиз кўшма гаплар ўзбек тилшунослигида ҳам, умумий тилшунослик доирасида ҳам эргаш гапли кўшма гапларга нисбатан кам ўрганилганини кўрамиз. Бошқача айтганда, боғланган ва боғловчисиз кўшма гаплар талқинига бағишланган илмий монографик тадқиқотлар жуда оз. Мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларининг ҳам аксариятида улар ҳақида қолипга тушиб қолган бир хил фикр ва мулоҳазалар такрорланади. Ваҳоланки, боғловчили ҳамда боғловчисиз кўшма гапларнинг (мураккаб синтактик қурилмаларнинг) семантик ҳамда синтактик талқини билан боғлиқ ўрганилиши лозим бўлган муаммолар анчагина кўринади. Бундай муаммолардан бири мазкур турлардаги мураккаб қурилмаларнинг синтактик деривацияси масаласидир.

Бу ўринда синтактик деривация назарияси ҳақида қисқача маълумот беришдан олдин «кўшма гап» тушунчаси ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён этишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Айтиш лозимки, нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам «кўшма гап» терминида (шу жумладан «боғланган» ва «боғловчисиз» атамаларидан) фойдаланиб келинмоқда. Масалан, (рус тилида «сложное предложение», инглиз тилида «complex sentence», немис тилида «Satzreihe», француз тилида «phrase complexe» ва ҳ.к.). Бироқ ҳозирги тилшуносликда мазкур терминларнинг қўлланиш даражаси қандайдир маънода пасайиб бормоқда. Бунинг асосий боиси, бизнингча, улар масаланинг туб моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаётганидир.

«Кўшма гап» термини бугунги кунда кўпчилик тилшуносларни қониқтирмайпти. Чунки «кўшма гап» тушунчаси тил бирликларининг иерархик (поғонали) муносабати принципларининг бузилишига олиб келмоқда. М.В.Ляпон таъбири билан айтганда: «Агар кўшма гап (мураккаб жумла) икки ёки ундан ортиқ (коммуникатив салмоқли) тугал фикр англатаётган хабарлар бирикувини тақозо этар экан, унинг сатҳида матн ифодасининг жиддий белгилари кузатилади»¹.

1. Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. -М., 1986.-С.8.

Нутқни микроматн тарзида ўрганиш ҳақида айтилган баъзи мулоҳазалар Р.Сайфуллаеванинг тадқиқотларида ҳам учрайди¹. Ана шулардан келиб чиқиб, мазкур ишда «боғланган қўшма гап» ва «боғловчисиз қўшма гап» тушунчалари ўрнига микроматн тушунчасини тақозо этувчи «компонентлари тенг боғланишли мураккаб синтактик курилма» терминидан фойдаланмоқдамиз.

Монографияда тенг боғланишли мураккаб синтактик курилмаларнинг деривацион хусусиятларини ўрганиш асосий мақсад бўлгани учун қуйида синтактик деривация назарияси хусусида, унинг моҳияти ва асосий принциплари ҳақида баъзи зарурий маълумотларни келтирамиз.

Синтактик деривация назарияси Прага тилшунослик мактабининг йирик намояндаларидан бири Ежи Курилович томонидан илмий асослаб берилди. Унинг 1936 йилда француз тилида чоп этилган «Лексик деривация ва синтактик деривация» номли мақоласида «синтактик деривация» тушунчаси биринчи бор қўлланилган эди².

Аслида «деривация» тушунчаси тилшуносликда моҳиятан янги эмас. Чунки бу тушунча сўз ясалиши маъносида оврупа тилшунослигида кўп йиллардан бери қўлланилиб келмоқда. Бироқ тилшунослик фанида синтактик деривация тушунчасининг фаол қўлланилиши 60-йиллардан бошланди. Бошқача айтганда, Ежи Куриловичнинг юқорида эслатиб ўтилган мақоласи 1962 йилда рус тилида нашр этилгандан сўнг, дастлаб рус тилшунослигида бу соҳада илмий-тадқиқот ишлари бошланди ва вақт ўтиши билан йирик монографик тадқиқотлар ҳам бажарилди³.

Синтактик деривация лексик деривациядан кескин фарқ қилади, зотан, лексик деривация сўз ясалишини тақозо этади ва деривацион муносабатдаги тил белгилари бунда статик характерда бўлади. Синтактик деривация эса сўз бирикмалари, гап ва матнга тааллуқли бўлиб, у морфологик унсурларнинг динамик характердаги алоқасини кўрсатади. Лекин, шундай бўлишига қарамай, деривациянинг бу икки тури ўртасида маълум даражада боғланиш ҳам мавжуддир. Масалан, нутқда сифатдош шаклини ясовчи **-ган** аффикси бир пайтнинг ўзида ҳам лексик деривацияни, ҳам синтактик деривацияни содир этувчи асосий

2. Қаранг: Сайфуллаева Р. Кўрсатилган монография, 304-бет.

2. Қаранг: Kurylowicz J. Dérivation lexicale et dérivation syntaxique. - BSL, 1936, p. 79-92.

3. Қаранг: Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия // Вопросы языкознания, 1974, № 5: Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принципы деривации // Проблема языкознания, М., 1967: Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на матер. производных предложений русского языка) // Автореф. докт. дис. - Л., 1967 ва б.лар.

морфологик восита бўла олади. Бунга равишдош ясовчи **-и (-иб)** аффикси ҳам мисол бўлиши мумкин¹.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, «синтактик деривация» тушунчаси тилшуносликда ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Е.Курилович синтактик деривация тушунчасини биринчи бўлиб асослаган бўлса ҳам, унинг таълимотида мазкур лингвистик ходиса анча тор маънода таърифланади. Бошқача айтганда, Е.Курилович синтактик деривацияни трансформация тушунчасидан қарийб фарқламайди. Шу боис ҳосила (дериват) курилмани функциялари ўзгарган, бироқ лексик маънолари сақланган форма тарзида изоҳлайди².

Рус тилшунослари И.П.Распопов ва С.Н.Сичёвалар синтактик деривация деганда, маълум бир гап иккинчисининг асосида шаклланишини тушунадилар. Масалан: *Мальчик болен – Мальчик болеет. Он грустит – Ему грустно* ва ҳ.к.³

Кўринадик, бу ўринда ҳам синтактик деривация трансформациядан мутлақо фарқланмайди.

В.С.Храковский тадқиқотларида синтактик деривация ва трансформация кескин фарқланади. Олим бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Агар трансформацион муносабат замирида маълум бир семантик тушунчанинг тилда қандай синтактик воситалар билан ифодаланиши ётса, деривацион муносабатда маълум бир семантик тушунчадан иккинчи семантик тушунчага ўтиш назарда тутилади»⁴.

В.С.Храковскийнинг талкинида синтактик деривация натижасида ҳосил бўлган дериват (ҳосила) олдинги (унга асос бўлган) гапдан грамматик структурасига ҳамда мазмунига кўра кескин фарқланмоғи керак: *Таня открыла окно – Бабушка заставляла Таню открыть окно. Ребёнок спит – Ребёнок хочет спать*⁵.

Назаримизда, В.С.Храковский синтактик деривациянинг таъсир доирасини анча тор тушунади. Бунини юқорида келтирилган мисоллар орқали кузатиш мумкин (*Таня открыла окно – Бабушка заставляла Таню открыть окно*). Мазкур мисоллар, сўзсиз, синтактик деривацияни тақозо этади. Бироқ, бизнингча, бу масаланинг бир томонини акс эттиради.

1. Қаранг: Турниёзов Н., Абдусаидов А. Лексик деривациянинг статик ва динамик турлари ҳақида // Лексик ва синтактик деривация масалалари. - Самарқанд, 1994, 22-26 бетлар.

2. Қаранг: Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. - М., 1962. - С. 61.

3. Қаранг: Распопов И.П., Сычёва С.Н. Синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия // НДВШ, ФН, 1974, № 3. - С. 66-67.

4. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики – 1972.-М., 1973.- С. 493.

5. Қаранг: Храковский В.С. Кўрсатилган асар, 493-бет.

Чунки таянч ва ҳосила гаплар ўртасидаги деривацион муносабат бир хил лексик компонентларга асосланиши ҳам мумкин. Бунга юқорида И.П.Распопов ва С.Н.Сичёвалар келтирган мисоллар далил бўлиши мумкин: *Он грустит – Ему грустно*.

Юқоридагилардан ташқари, синтактик деривация фақат гапга эмас, балки сўз бирикмаларига ҳам дахлдордир.

Л.Н.Мурзин ҳам ўзининг дастлабки мулоҳазаларида синтактик деривацияни фақат гапга тааллуқли деб талқин этади. Шу боис синтактик деривациянинг бошланғич нуқтаси ҳам, охириги нуқтаси ҳам гап эканлиги таъкидланади¹.

Аммо Л.Н.Мурзиннинг кейинги ишларида синтактик деривация сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган ҳудудда фаол эканлиги қайд этилади. Бундан ташқари, яна синтактик деривациянинг гапга тегишли бўлган контаминация, конверсия ва компрессия сингари усуллари ҳам кўрсатиладики, бу олимнинг синтактик деривация бобида эришган сўнгги ютуқларидан далолат беради².

Юқоридагилардан ташқари, Л.Н.Мурзин деривация синтагматик ҳодиса эканлигини ва шу боис, матн тўхтовсиз ўсишга мойил бўлганидек, у ҳам потенциал маънода ҳаракатчан, тинимсиз ўсувчи жараёни тақозо этишини тўғри кўрсатади³.

С.Д.Кацнельсон ҳам синтактик деривация хусусида анча теран фикрлар билдиради: «Агар тил структурасининг бошқа сатҳларида деривация тушунчаси парадигматик қатор билан боғлиқ бўлиб статик характер касб этса, синтаксисда у синтагматик қатор механизми тарзида, тил унсурларини синтагматик қаторда кенгайтирувчи восита сифатида динамик характерлидир»⁴.

С.Д.Кацнельсон синтактик деривацияни статик характерли эмас, балки динамик характерли эканлигини алоҳида таъкидлайди ва энг муҳими, синтактик деривацияни тил унсурларининг (белгиларининг) нутққа кўчирилиши жараёнини тақозо этувчи алоҳида структура тарзида талқин этади⁵.

С.Д.Кацнельсон, юқоридагилардан ташқари, лексик деривация сўзнинг парадигматик қатордаги ўрнини белгилаб беришини, синтактик

1. Қаранг: Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (анализ производных предложений русского языка). - Пермь, 1974. - С.7.

2. Қаранг: Мурзин Л.Н. Дериватология. - Пермь, 1984. - С.27.

3. Қаранг: Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) // Автореф. докт. дис. - Л., 1976. - С.12.

4. Қаранг: Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. - Л., 1986. - С.131.

5. Қаранг: Кацнельсон С.Д. Кўрсатилган асар, 131-бет.

деривация эса ҳар сафар янги-янги ҳосила гапларни шакллантиришини тўғри кўрсатади¹.

Кўринадики, С.Д.Кацнельсон синтактик деривация тилни нутққа кўчирувчи асосий механизмлардан бири эканлигини, унинг луғавий маъноси бирор таянч структурага асосланувчи ҳосила структурани тақозо этишини илмий асосли тарзда талқин этади.

Н.Қ.Турниёзов синтактик деривация таърифини қуйидагича беради: «Синтактик деривация-бу синтагматик қатор бўйлаб маълум бир қурилма асосида янги синтактик қурилма ҳосил қилинишидир»². Бу жараёнда берилган объект таянч структура (ядерная структура) ҳисобланади, унинг асосида янгидан шаклланган структура эса ҳосила (дериват) деб аталади. Ҳосила структура таянч структура шаклининг кенгайиши, торайиши ёки унинг доирасида маълум трансформацион ўзгаришлар содир этилишини тақозо қилиши мумкин³.

Шуни ҳам айтиш лозимки, деривациянинг ҳар қандай турини ҳам (лексик, семантик, синтактик) таҳлил этганимизда қуйидаги терминлардан фойдаланамиз: **оператор, операнд, ҳосила (дериват)**.

Оператор синтактик деривацияни вужудга келтирувчи асосий унсур саналади. Унинг иштирокисиз деривацион жараён яратувчилик кучини йўқотади. Оператор ҳосила структура таркибига ташқаридан киритилади (деривацион жараёни ташкил этаётган тил унсурлари таркибида у мавжуд бўлмайдиган) ва шу пайтнинг ўзидан бошлаб деривациянинг мутлақ ҳоким унсури бўлиб қолади⁴.

Операнд – бу деривациянинг хомашёси, тил материали саналади. Масалан, *мактаб боғи* сўз бирикмасини тақозо этаётган деривациянинг операндлари *мактаб* ва *боғ* сўзларидир. Бунда оператор –**нинг** (мактабнинг) яширин ҳолатда келмоқда.

Ҳосила (дериват) деривациянинг натижасини тақозо этади.

Айтиш лозимки, гап ва унинг синтактик деривацияси хусусида фикр юритилганда, ҳар доим туб структурани назарда тутмоқ лозим. Чунки гапнинг шаклланиши у билан узвий боғлиқ бўлади. Гап шакли кўп ҳолларда ёлғиз туб структурадан иборат бўлиши ҳам мумкин: *Келди. Кўрди. Бораман* ва ҳ.к. Мураккаб синтактик қурилмалар эса мудом ҳосила структура шаклида бўлади, зотан, бунда камида икки гапнинг ўзаро

1..Қаранг: Кацнельсон С.Д. Ўша асар, 132-бет.

2. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. -Самарқанд, 1990, 7-бет.

3. Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

4. Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Кўрсатилган асар, 7-8 бетлар; Храковский В.С. Кўрсатилган асар, 479-б.

муносабати кузатилади. Синтез қилиш жараёнидагина уларнинг туб структураларини аниқлаш мумкин.

Мураккаб синтактак қурилмаларнинг деривацияси ўзига хос жиҳатларига эга, албатта. Бу ҳақда ишимизнинг кейинги бобларида батафсил фикр юритилади.

ИККИНЧИ БОБ

БОҒЛОВЧИЛИ ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ.

Тенг компонентли мураккаб синтактик қурилма (МСҚ)лар, ишимизнинг олдинги бобида қисман эслатиб ўтилгани сингари, мавжуд лингвистик адабиётларда «боғланган қўшма гап», «боғловчисиз қўшма гап» терминлари билан тадқиқ этилиб келинди. Ўзбек тилшунослигида мазкур мавзу, асосан, олий ва ўрта ўқув юртлари учун мўлжалланган, шунингдек, ўрта мактаб дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида ва айрим монографик тадқиқотларнинг маълум бир қисми тарзида ўрганилди. Бу соҳада кейинги йилларда бажарилган номзодлик диссертациялари ёки илмий-монографик ишлар кузатилмайди.

Ғ.А.Абдурахмонов боғланган қўшма гаплар нафақат туркий тилларда, балки бошқа системали тилларда ҳам қўшма гапнинг энг кам ўрганилган қисми эканлигини тўғри таъкидлайди¹. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, ўзбек тилшунослигида мазкур турдаги қўшма гаплар бобида С.Равшанованинг проф. У.Турсунов раҳбарлигида ёзилиб, 1969 йилда ҳимоя қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тилида боғланган қўшма гаплар структураси» мавзусидаги номзодлик диссертацияси мавжуд эканлигини қайд эта оламиз. Бундан ташқари, шу муаллиф томонидан мазкур мавзу доирасида бир неча мақола ҳам эълон қилинган эди².

С.Равшанованинг тадқиқотларида боғланган қўшма гап компонентларининг дарак, сўроқ гаплардан ташкил топиши ва бу қисмлар ўртасида қўлланиладиган боғловчилар (бириктирув, зидлов, айирув) ҳақида анча батафсил маълумотлар келтирилади.

Бироқ тилшунослик фанининг ҳозирги тараққиёти даврида МСҚлар компонентларининг семантик жиҳатдан, функционал фаоллиги нуқтаи назаридан, прагматик қоидалар асосида тадқиқ этилиши кун тартибидаги зарурий масалалардан бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги тилшуносликнинг тадқиқотлари кун тартибидаги муҳим масалалардан яна бири синтактик қурилмалар деривацион қонуниятларини ўрганишдан иборатдир. Мазкур масаланинг муҳимлиги биринчи галда унинг «тил ва нутқ» дихотомиясига асосланишидадир.

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.-Тошкент,1964, 61-бет.

2. Қаранг: Равшанова С. Боғланган қўшма гапларда зидлов боғловчилари билан бириккан содда гапларнинг фикрий муносабатлари ҳақида // Докл.научно-теор.конф.-Бухара,1957; Дарак ва сўроқ гапдан ташкил топган боғланган қўшма гаплар // Тошкент пед-интининг илмий асарлари, 98-том, 1972; Структура сложносочинённых предложений в современном узбекском литературном языке // Автореф.канд.дис.-Ташкент, 1969.

Бошқача айтганда, синтактик деривация тил унсурларининг нутққа кўчирилиши муаммоси билан бевосита боғлиқдир. Мазкур муаммо, албатта, кишиларнинг нутқий фаолияти ҳамда тилнинг мураккаб системаси ўртасидаги узвий боғланиш масалаларини тақозо этади.

Аввало шуни айтиш лозимки, синтактик деривация назарияси ҳосила қурилмалар шаклланиши қонун-қоидаларини ўрганади. Шу боис у МСҚлар шаклланиши билан бевосита боғланади, чунки МСҚнинг ҳар қандай тури ҳам камида икки гапнинг бирикувини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, МСҚнинг микромаъно тарзидаги ҳосила (дериват) структура эканлигини кўрсатади.

Албатта, МСҚ синтактик деривация маҳсули бўлса ҳам, унинг мукамал тарздаги дериват ҳолига келиши бир неча деривацион босқичлар билан узвий алоқадордир. Бу хусусда тўлиқ илмий маълумот бериш учун энг аввал туб структура, таянч структура ва дериват тушунчаларини изоҳлаш лозим кўринади.

1-§.ТУБ СТРУКТУРА ВА ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Синтактик қурилмалар, шу жумладан МСҚларнинг деривацион қонун-қоидаларини ўрганишда ҳам туб структура тушунчаси ғоят муҳим аҳамият касб этади, зотан, у синтактик структура шаклланиши учун асосий «хомашё» саналади. Лекин шуни алоҳида қайд этиш керакки, туб структура масаласи жаҳон тилшунослигида ҳозиргача ўз ечимини тўлиқ топа олгани йўқ. Баъзи тилшунослар уни таянч структура (ядерная структура) тарзида талқин этсалар, бошқалари мазкур структурани семантик структура билан тенглаштирадilar. Эҳтимол, шу боис таниқли рус тилшуноси В.А.Звегинцев бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ҳозирги тилшуносликда туб структура (глубинная структура) категориясидан ўзга ўта оммалашиб кетган ва шу билан бирга, ўта маъхум категорияни топиш қийиндир»¹.

Дарҳақиқат, туб структура тушунчаси, айниқса рус ва ғарб тилшуносликларида, кейинги йилларда чоп этилаётган структур тилшунослик ва семантик тилшунослик билан боғлиқ қарийб барча илмий тадқиқот ишларида қўлланилмоқда. Аммо бу соҳада олимлар фикрлари муштарак эмас.

Туб структура тушунчасини лингвистик тадқиқотларга дастлаб Н.Хомский киритади ва уни «тафаккурдаги тушунча» («данную уму») маъносида изоҳлайди². Бунда Н.Хомский туб структурани аниқ маъноси

1. Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. –М.,1973.-С.180.

2. Қаранг: Хомский Н. Language and Mind.-N.у., 1968, pp. 15-16.

синтаксисда ўз ифодасини топиши лозим бўлган мавҳум структура тарзида тушунади. Лекин «туб грамматика», «юзаки грамматика» («глубинная грамматика», «поверхностная грамматика») тушунчалари дастлаб америкалик тилшунос Ч.Хоккет томонидан қўлланилган эди¹.

О.Есперсен таълимотида туб структура ўрнида «маъно категорияси» тушунчаси қўлланади. Бунда О.Есперсен тил категорияларининг мантик категориялари билан узвийлигини ва шу билан бирга, уларни фарқлай билиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди ва қуйидагиларни ёзади: «Грамматика мутахассисининг вазифаси шундан иборатки, у ҳар бир конкрет вазиятда маъно ва синтактик категорияларни бир-биридан ажрата билмоғи даркор»².

Кўринадикки, Н.Хомскийда ҳам, О.Есперсенда ҳам туб структура қандайдир маънода мантикий категория сифатида талкин этилади. Умуман олганда, туб структура тушунчаси мантик билан узвий боғлиқдир. Чунки нутқда шаклланган ҳар қандай синтактик структура мантиксиз, яъни асемантик ҳолда бўлмайди. Сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган синтактик майдонда ана шу ҳолат устувор аҳамият касб этади. Бироқ бу билан мантик ва синтаксисни муштарак категорияларга эга деб бўлмайди. Бундай бўлиши асло мумкин эмас, зотан, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос қонун-қоидалари ва категориялари мавжуд. Шунинг учун юқоридаги мулоҳазалардан мантик ва синтаксис ўртасидаги ўзаро муносабат тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

В.А.Звегинцев туб структура (глубинная структура) грамматик жиҳатдан ҳам, психик жиҳатдан ҳам мақомга эга бўлолмаслигини айтади ва уни синтактик структуранинг семантик тасаввури тарзида тушунади³. Шунга яқин мулоҳаза С.Д.Кацнельсонда ҳам кузатилади. У туб структурани маъно ёки, аниқроғи, тафаккур структураси деб изоҳлайди. Бироқ С.Д.Кацнельсон туб структура лингвистика предмети эканлигини қайд этади ва бунинг далили сифатида туб структурада синтактик томондан тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринларни кўрсатади⁴.

Туб структура хусусида юқорида айтилган фикрлар бир-биридан фарқланса-да, улар ўртасида қандайдир умумийлик белгиси ҳам борлиги кўзга ташланади. Бироқ шундай бўлса ҳам, назаримизда, масала моҳияти С.Д.Кацнельсон тадқиқотларида тўлиқроқ ифода этилган кўрилади. Шу боис бу ҳақда айтилган С.Д.Кацнельсон фикри, яъни туб структура тафаккур структураси эканлиги тўғрисидаги мулоҳазадан фойдалиниш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

1. Қаранг: Hockett Ch. A course in modern linguistics.-New York, 1958.

2. Есперсен О. Философия грамматик.-М.,1985.-С.58.

3. Қаранг: Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар, 197-бет.

4. Қаранг: Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание.-Л., 1986.-С. 142-143.

Шуни ҳам айтиш лозимки, туб структура тушунчаси ўзбек тилшунослигида ҳали махсус тадқиқот мавзуси бўлганича йўқ. Бу ҳақда айрим тилшуносларнинг қисқача берилган фикрларини кузатиш мумкин, холос¹.

Шундай қилиб, биз мазкур ишимизда туб структура деганда (С.Д.Кацнельсон ортидан бориб), гапнинг синтактик структураси деривацияси учун асос бўладиган ички семантик (ёки тафаккур) структурасини тушунамиз. Бу структура нисбий мавҳумлик белгисида ва имкон қадар минимал ҳолатда бўлади. Чунки мавҳумлик тил системаси белгиларининг барчасига хос бўлиб, у фақат белги нутққа кўчирилгандан кейин конкретлашади. Бу нарсаларнинг барчаси, албатта, сўзловчининг нуткий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки инсон тафаккури тил билан ва, ўз навбатида, тил инсон онгининг фаолияти билан узвий алоқадордир. Шу боис С.Д.Кацнельсон туб структурани тафаккур структураси деб атаганда ҳақлидир.

Туб структурадан таянч структура, ундан эса ҳосила ва яна ҳосиладан ҳосила структуралар синтактик деривацияси воқеланар экан, тил ҳодисалари билан сўзловчининг муносабати ҳам такомиллаша боради. Бошқача айтганда, тил системаси белгиларининг асосий сифатларидан бири-ифодаланувчи (означаемое) томонидан янада юқорига қараб борар эканмиз, чексиз равишда шаклланиши мумкин бўлган хабар парадигмаларига эга бўлишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, тил ҳодисаларига субъектив омилнинг таъсири кучининг ҳам ошиб бораётганини кўрсатади².

1. *Нўмон ота ҳозир ўғлини эслаб, хўрсиниб қўйди* (О. Мухтор).

2. *Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш ўтирарди* (Ў.Ҳошимов).

3. *Тозагул бутун Қўқонда ҳусни, хуш ахлоқи билан тенги йўқ бир қиз* (К.Яшин. Ҳамза).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида туб структура *хўрсиниб қўйди* тарзида шаклланган предикатив бирлик билан, иккинчисида *ўтирарди* сўзи билан, учинчисида эса *бир қиз* бирикмаси билан ифодаланмоқда. Бироқ мазкур сўзларни мустақил ҳолда оладиган бўлсак, уларнинг ҳали семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам мукамал эмаслиги кузатилади. Бошқача айтганда, мазкур структураларда том маънода инсон тафаккурининг берилаётган хабарлар ифодалари билан

1. Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Қўшма гап синтаксиси.-Самарқанд, 1993, 14-бет; Яхшибоев Ғ. Синтактик деривация хусусида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, № 4, 2004, 32-бет. Шу муаллиф. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси// Номз.дис.автореф.-Самарқанд, 2004.

2. Қаранг: Вендина Т.И. Словообразование как источник реконструкции языкового сознания // Вопросы языкознания, №4, 2002.-С.43.

боғлиқ бўлган дастлабки мавҳум ҳолатдаги маҳсулотларини кўрамиз. Бу табиийдир, албатта. Чунки туб структура мавҳумлик куршовида бўлади ва бу мавҳумлик унинг замирида шаклланган синтактик структурада барҳам топади. Синтактик структура сатҳида эса туб структура хабарнинг мағзини ташкил этувчи кесим (предикат) функциясини касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, туб структура асосида шаклланивчи гапнинг қай тарзда кўриниш олиши нутқ муҳити ва сўзловчи томонидан тил унсурларининг танланиши билан ҳам боғлиқдир. Қандай синтактик структуранинг воқеланишидан қатъи назар, туб структура унинг семантик асосини, бошланғич нуқтасини ташкил этади. Фикр исботи учун юқорида келтирилган мисоллардан бирининг деривацион принципларига эътибор берайлик:

	Нутқ муҳити ва сўзловчи
Ў т и р а р д и	<i>Шоикром...хомуш ўтирарди.</i>
(туб структура)	<i>Шоикром...ёлғиз ўтирарди.</i>
	<i>Шоикром...ишлаб ўтирарди.</i>

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туб структура билан синтактик ҳосила (дериват) тўғридан-тўғри боғланмайди, чунки туб структура асосида энг аввал таянч структура (ядровий курилма) шаклланади: *Шоикром ўтирарди.*

Таянч структура гапнинг минимал шакли ҳисобланади ва гап учун энг зарур унсурлар муносабатидан ташкил топади. Бунини **S** (субъект), **V** (предикат) белгилари билан ифодалаш мумкин. Шунга кўра, таянч структура синтактик деривация маҳсули эмас, балки деривацион йўналишга имкон яратувчи базал объект саналади. Агар **SV** структураси таркибига бирор **X** унсур қўшилса, у ҳолда дериват шаклланади: Шоикром(**S**) хомуш (**X**) ўтирарди (**V**).

Ишимизнинг олдинги бобида айтиб ўтилгани сингари, синтактик деривация операторсиз вужудга келмайди. Оператор эса реал ифодали (яъни бирор морфологик восита билан ифодаланган) ёки нул ифодали (яъни морфологик воситанинг иштирокисиз) бўлиши мумкин. Айни ҳолатда у нул ифодалидир. Бунда *хомуш* (**X**) сўзи билан *ўтирарди* (**V**) сўзининг дистрибутив муносабати мавжудлиги ва бунинг натижасида тўғридан – тўғри алоқага киришиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Демак, келтирилган мисолда синтактик деривация нул ифодали семантик оператор воситасида шаклланмоқда.

Синтактик деривациянинг кейинги босқичларида эса реал операторлар қўлланила бошлайди:

Шоикром сандал четида хомуш ўтирарди -оператор -да.

Шоикром тўрдаги сандал четида хомуш ўтирарди-оператор-даги.

Шоикром айвон (-нинг) тўридаги ... - о п е р а т о р -нинг.

Шундай қилиб, гапнинг синтактик деривацияси билан боғлиқ бўлган баъзи масалаларни кўриб ўтдик. Бундан асосий мақсад тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси принципларини талқин этишда ана шу элементар қоидалардан амалда фойдаланишдир. Албатта, МСҚ синтактик деривацияси умумий режада гап деривациясидан фарқ қилади. Бироқ тенг компонентли МСҚларнинг ҳар бир қисми гапдан иборат бўлгани учун алоҳида қисмлар деривацияси юқорида кўриб ўтилган туб ва синтактик структуралар хусусидаги тушунчалар доирасида ўрганилади.

Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси ўзига хос жиҳатларига эгадир. Бундай жиҳатлардан энг асосийси унинг ҳар бир компоненти алоҳида туб структурага асосланишидир. Бу эса, ўз навбатида, тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг камида икки туб структура замирида воқеланишини кўрсатади:

Бу гапни комилжон айтди, аммо уста яна бошини чайқади (О.Ёкубов. Видо).

Ромдаги ойналар синиб, стол ағнаб тушди ва тортманинг бир чети очилди (П.Қодиров. Айиқ ташвиши).

Берилган тенг компонентли МСҚларнинг биринчи таркибий қисмларининг олдингиси *айтди*, кейингиси эса *чайқади* тарзида шаклланган туб структураларга эга эканлигини кузатамиз. Мазкур туб структуралар асосида *Комилжон айтди* ва *уста чайқади* таянч структуралари шаклланмоқда.

Иккинчи мисолда МСҚнинг биринчи компоненти *ағнаб тушди*, иккинчи компоненти эса *очилди* шаклида берилаётган туб структуралар асосида воқеланганини кўраамиз. МСҚ таркибий қисмларининг таянч структуралари *стол ағнаб тушди* ва *бир чети очилди* ҳолатида қўлланмоқда.

Мисоллар таҳлили тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг мустақил ҳолда такомиллашиб боровчи икки туб структура асосида воқеланишини далилламоқда. МСҚ синтактик деривацияси операндлари (таркибий қисмлари) нинг семантик асосини туб структуралар, минимал синтактик шаклини эса таянч структуралар ташкил этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тенг компонентли МСҚ деривацияси операндларининг ҳар бири деривация маҳсули бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган мисолларда эса уларнинг барчаси деривация маҳсули, яъни ҳосила структуралар саналади. Чунки ҳар бир операндда таянч структура унсурларидан бошқа яна **X** унсурлар ҳам мавжуд. Демак, берилган МСҚлар дериват сифатида икки ҳосила

структуранинг (ёки икки дериватнинг) деривацион муносабатидан ташкил топмоқда. Буни символлар асосида қуйидагича кўрсатиш мумкин:¹

$$\mathbf{SVX\ Op\ SVX = T\ (хосила\ МСҚ)}$$

МСҚ фақат таянч структураларнинг деривацион муносабатидан ташкил топганда эса қуйидаги формулага бўйсунди:

$$\mathbf{SV\ Op\ SV = T\ (хосила\ МСҚ)}$$

Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси операндлар муносабатини ташкил этувчи ва бунинг натижасида МСҚ структурасини воқелантирувчи операторга таянади. Деривацион жараёнда оператор мутлақ ҳоким унсур саналади, зотан, унинг иштирокисиз МСҚ синтактик деривацияси рўй бермайди².

Шунинг учун ҳам, айтиш керакки, деривация оператори ҳар доим дериват таркибига ташқаридан олиб кирилади. Бошқача айтганда, ҳар бир операнднинг ички деривациясини ташкил этувчи операторлар ҳам, МСҚ синтактик деривациясининг оператори ҳам олдиндан берилган бўлмайди. Ҳатто тил ёки нутқ муҳитини тақозо этувчи морфологик белгисиз операторга ҳам деривацион жараён вужудга келгандагина эҳтиёж сезилади. Бироқ боғловчили тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси оператори мудом бирор морфологик восита билан ифодаланади ва у операндлар муносабатини ўзаро тенглик асосида ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, МСҚ синтактик деривацияси операндларининг ҳар бири алоҳида туб структуралар семантик ва синтактик тараққиётининг маҳсули эканлигидан далолат беради. Бунинг МСҚ структур шакллари бир-биридан фарқлаш учун муҳим аҳамияти бор. Масалан, тобе компонентли МСҚ синтактик деривацияси ҳоким гапнинг туб структурасига асосланади: *Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиқади* (Ў.Ҳошимов. Урушнинг сўнгги курбони).

Келтирилган тобе компонентли МСҚ компонентлари иккинчисининг туб структураси устувор аҳамиятга эгадир. Чунки шартланиш маъносини англатаётган биринчи компонент ўзи ўзи учун эмас, балки иккинчи компонентнинг талабига кўра шаклланган. Демак, у мантикий жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам иккинчи гапга тобедир.

Шундай қилиб, тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси компонентлари воқеланиши учун дериват туб структураларининг мавқеи катта эканлигини кўрамиз. Мазкур туб структуралар тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси рўй бериши жараёнида ҳар бири мустақил гапларни тақозо этувчи деривация операндларининг семантик синчини (асосини) ташкил этади ва шу асосда аввал таянч структуралар, кейин эса МСҚнинг умумий синтактик шакли вужудга келади.

1. Формулада **T** символи матнни, **Op** белгиси эса деривация операторини англатади.

2. Қаранг: Храковский В.С. Кўрсатилган асар, 497-бет.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туб структура инсон тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлган умумий ва мавҳум тарздаги тил ички структурасини тақозо этса, таянч структура ўз синтактик шаклига эга бўлган ва тил билан инсон омилини бирор шахс ёки нарса орқали боғловчи қурилмадир. Ҳосила структура эса таянч структура орқали туб структура билан узвий боғланса-да, ҳар бир деривацион босқичда ундан йироқлаша боради. Мазкур қонуният мустақил гаплар синтактик деривацияси учун ҳам, МСҚ синтактик деривацияси учун ҳам бир хилда аҳамиятлидир.

Ҳар бир МСҚ микроматн шаклидаги ҳосила қурилмани тақозо этар экан, унинг таркибий қисмлари ўзича алоҳида системалар ҳисобланишидан ташқари, МСҚ қолипидаги яхлитланган бутунлик ичидаги микросистемалар тарзида келади. Мазкур микросистемаларнинг деривацион жараёндаги ўзаро муносабатидан эса МСҚ структураси ташкил топади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тил бирликларининг реал қўлланилишида иерархик (поғонали) муносабат устувор аҳамият касб этади. Шу боис МСҚ ҳам нутқнинг ўзидан катта бирликлари – абзац ёки макроматн ичида, ўз навбатида, микросистема сифатида келади ва ўзининг макроматннинг бошқа компонентлари билан бўлган алоқаси орқали унинг структурасини ташкил этиш учун хизмат қилади.

2-§. ОПЕРАТОРИ БИРИКТИРУВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Анъанавий тилшуносликда боғланган қўшма гапнинг бириктирув боғловчили тури **ва, ҳам, ҳамда** сингари боғловчи воситалар, шунингдек, **-да, -ю** юкламалари иштирокида шаклланиши кўрсатилади. Бироқ фактик тил материалларининг таҳлили ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли МСҚнинг бириктирув боғловчили турида **ва** боғловчисининг ҳамда **-да, -ю** юкламаларининг фаол қўлланилишини далилламоқда. Шунинг учун қуйида деривация оператори вазифасини бажарувчи ана шу воситалар қатнашган тенг компонентли МСҚлар синтактик деривацияси ҳақида сўз юритамиз.

Шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур операторлардан **ва** боғловчиси МСҚ деривациясини ташкил этувчи омил сифатида кўпроқ ёзма нутқда қўлланилади. Ҳозирги ўзбек тили оғзаки нутқда эса унинг ўрнида, асосан, **-да, -ю** юкламалари фаол ишлатилмоқда.

Ва бириктирув боғловчиси тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг оператори вазифасида қўлланганда, у дериват операндлари бирортасининг ҳам синтактик тасарруфига кирмайди ва шу боис икки операнднинг оралиғида жойлашади:

Йигит уни қўлтиқлаб олиб бориб, кўрпачага ўтқизди ва Зубайда унинг орқасига ёстиқ қўйиб, пиёлада чой узатди (С.Абдулла. Мавлоно Муқимий).

Келтирилган МСҚ ҳосилалардан шаклланган ҳосила қолипда келмоқда, зотан, унинг таркибий қисмларининг ҳар бири мустақил туб структуралари мавжуд бўлган алоҳида ҳосила қурилмалардир:

Биринчи таркибий қисм

Ўтқизди – туб структура (**V**).

Йигит ўтқизди- таянч структура(**SV**).

Йигит уни ўтқизди- таянч структура асосида шаклланган ҳосила структура (**SXV**).

Йигит уни кўрпачага ўтқизди- ҳосиладан ясалган ҳосила структура (**SX₂V**).

Йигит уни қўлтиқлаб олиб бориб кўрпачага ўтқизди- ҳосиладан ясалган ҳосила структура (**SX₅V**).

Иккинчи таркибий қисм

Узатди-туб структура(**V**).

Зубайда узатди- таянч структура(**SV**).

Зубайда чой узатди- таянч структурага асосланган ҳосила структура(**SXV**).

Зубайда пиёлада чой узатди- ҳосиладан ясалган ҳосила структура(**SX₂V**).

Зубайда унинг орқасига ёстиқ қўйиб, пиёлада чой узатди- ҳосиладан ясалган ҳосила структура(**SX₆V**).

Кўринадики, МСҚ таркибий қисмларининг ҳар бири уч босқичли деривацион жараён маҳсулидир. Мазкур босқичларнинг барчаси алоҳида операторларга асосланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, МСҚ синтактик деривациясининг ҳосилалар ҳосиласи тарзида вужудга келганлигидан далолат беради.

МСҚ синтактик деривациясининг оператори вазифасида айти пайтда **ва** бириктирув боғловчиси қўлланилмоқда. Мазкур оператор МСҚ таркибий қисмларини деривация операндлари сифатида уюштириб, бир пайтнинг ўзида уларни семантик ва синтактик жиҳатлардан тенг ҳуқуқлилигини таъминламоқда. Лекин, шунинг ҳам айтиш керакки, МСҚ компонентларининг (таркибий қисмларини ташкил этувчи гапларнинг) тенг ҳуқуқлилиги мутлақо мустақил ҳолда қўлланиши мумкин бўлган гаплардан бирмунча фарқ қилади, зотан, улар МСҚ таркибига уюшгач, ўз мустақиллигини маълум даражада йўқотади. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар энди нутқ жараёнига мустақил бирликлар тарзида эмас, балки ўзларидан катта матн мақомидаги бирлик - МСҚ орқали кириб боради.

Мазкур турдаги МСҚ таркибига кираётган гапларни алоҳида олсак, нафақат синтактик нуқтаи назардан, балки деривацион хусусиятлари жиҳатидан ҳам мустақил эканлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, уларнинг ҳар бири синтактик деривациясига кўра, иккинчисига қарам бўлмагани ҳолда мухтор вазиятда (автоном вазиятда) шаклланган бўлади:

1. Темур Қуръони каримни олиб уч бор ўпди ва бундан ўн йиллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа эсига тушди (М.Али. Сарбадорлар).

2. У уялганидан қовогини уйиб скамейкаларга тикилди ва биринчи қаторда ўтирган Баҳорга кўзи тушди (Ш.Рашидов. Қудратли тўлқин).

Келтирилган мисолларнинг ҳар иккисининг ҳам таркибий қисмлари нисбий автосемантик гапларни тақозо этади. Уларнинг синтактик деривациялари ҳам мухтор вазиятда воқеланмоқда. Бироқ мазкур мустақиллик МСҚ синтактик деривацияси содир бўлгунга қадар давом этади. Чунки МСҚ деривациясининг операндлари мустақиллигини нисбий деб тушунамиз.


МСҚ синтактик деривациясининг воқеланиши камида икки гапнинг маълум бир деривацион жараёнда бирикувига асосланар экан, бу гаплар семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам бири иккинчиси билан боғлиқ бўлиб қолади. Бунинг асосий сабаби МСҚнинг ҳосилалардан ясалган ҳосила синтактик деривациясини ташкил этувчи янги операторга таянишидадир. Келтирилган мисолларда бундай операторни **ва** боғловчиси тимсолида кўрамиз.

Тенг компонентли МСҚнинг бириктирув боғловчиси билан ифодаланган оператори икки мустақил гапнинг бирикуви жараёнида бир йўла транспозитор вазифасини ҳам бажаради. Чунки МСҚ деривацияси трансформация ҳодисасининг натижасини тақозо этади¹. Аммо бу билан синтактик деривация ва трансформацияни аналогик ҳодисалар деб тушунмаслик лозим, зотан, синтактик деривация кенг қамровли бўлиб, у (БИ) бевосита иштирокчилар усулини ҳам, трансформацияни ҳам ўз ичига олади. Буни қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул хазинанинг калидин сўз бил (А.Навоий).

1. Трансформация ҳодисаси ҳақида қаранг: Маматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши//Докт.дис.автореф. -Тошкент, 2004.

Берилган МСКнинг БИ гуруҳлари МСК



МСК трансформацияси¹.

$$P_1 = NG + VG; P_2 = NG + VG \quad P_1 + P_2 = \text{МСК}$$

Бириктирув боғловчили тенг компонентли МСК синтактик деривацияси операндларининг ҳар бири (P_1, P_2) нисбий мустақиллигини сақлаган ҳолда трансформацион жараёнга киритилади. Бошқача айтганда, уларнинг синтактик муносабатлари деривация оператори воситасидагина воқеланади. Бу жиҳатдан МСК структурасининг шаклланишида деривация оператори мутлақ ҳоким унсур даражасига кўтарилади.

Тенг компонентли МСК синтактик деривацияси оператори вазифасида келаётган бириктирув боғловчиси **-да, -ю** юкламалари билан бемалол алмаштирилиши, ёки бунинг акси – юклама ҳам бириктирув боғловчиси билан алмаштирилиши мумкин. Бунинг асосий сабаби бириктирув боғловчиси билан **-ю, -да** юкламалари деривацион жараёнда синонимик воситалар сифатида мавжуд бўлишидадир:

1. *Амирлашкар ўзининг ажойиб валлажат дўстлари, йигитлари борлигидан қувониб кетди ва содиқ йигитларни йигити учун қилган саъй-*

1. Қўлланилаётган белгилар (символлар) шарҳи: **P**- гап, **NG**- номинал гуруҳ, **VG**- вербал гуруҳ, **N**-от, **V**-феъл (ёки унинг ўрнида қўлланилаётган сўз), **d**-ҳар қандай детерминатив сўз. Рақамлар эса МСК ёки гап таркибидаги бир хил унсурларнинг сонини билдиради.

ҳаракатлари ёдига тушиди (М.Али. Сарбадорлар) -... кувониб кетди-да,... ёдига тушиди.

2. *Кўнглини беҳузур қилувчи или-милиқ шамол келди-ю, кетидан дам ўтмай бўрон бошланди* (Шукрулло. Тирик руҳлар) -... шамол келди ва... бўрон бошланди.

3. *Нормат пучуқ... Раҳимнинг илжайганини кўрди-да, яна тутуни осмонга чиқди* (Х.Шамс. Танланган асарлар) -...илжайганини кўрди ва яна тутуни осмонга чиқди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, **ҳамда,ҳам** сўзлари анъанавий тилшуносликда бириктирув боғловчилари тарзида талқин этилса-да, улар деривацион нуқтаи назардан **ва, -да, -ю** каби морфологик воситалардан бирмунча фарқ қилади. Бу фарқни, асосан, уларнинг МСҚ синтактик деривациясининг иккинчи операндини биринчисининг иловаси тарзида фаоллаштирувида кўрамиз. Айнан ана шу боис қуйидаги мисолда **ҳамда** боғловчисини **ва** билан ёки юкламалар билан алмаштириб қўллаб бўлмайди: *Тогда тажриба ўтказилди ҳамда дам олдик.*

Кўринадик, келтирилган мисолда МСҚ синтактик деривациясининг иккинчи операнди биринчисининг иловаси тарзида у билан боғланмоқда. Бунда биринчи операнд мазмуни салмоғига кўра етакчи ўринда, иккинчиси эса бу жиҳатдан олдингисига нисбатан қуйи ўринда эканлиги изоҳ талаб этмайди. Бошқача айтганда, тоғда энг муҳими тажриба ўтказилганлиги айни пайтда муҳим мавқега эгадир, дам олиш эса унга йўл-йўлакай қўшилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, **ҳамда** сўзининг бириктирув боғловчили МСҚ синтактик деривациясининг эмас, балки иловали қурилма синтактик деривациясининг оператори эканлигидан далолат беради. Шунинг учун мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмаларида мазкур сўзнинг бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап таркибий қисмларини боғловчи восита эканлиги хусусида айтилган фикр ва мулоҳазаларни изоҳталаб деб ўйлаймиз.

Айтиш лозимки, бу ҳақда Ғ.А.Абдурахмонов томонидан билдирилган фикр диққатга сазовордир. Унга кўра, **ҳамда** боғловчиси қўшимча маълумот берувчи гапни воқелантириши айтилади: «Боғланган қўшма гапнинг иккинчи қисми қўшимча маълумот ифодалаши мумкин. Қўшимча маълумот қўшма гапнинг биринчи қисми билан бевосита боғланиши, ундан келиб чиқиши ёки биринчи қисмнинг мазмуни билан бевосита боғланмаслиги ҳам мумкин. Бу хил боғланган қўшма гап қисмларини бириктириш учун асосан **ҳам, ҳамда** боғловчилари ишлатилади»¹.

Бизнингча, қўшимча маълумот берувчи гап иккинчи бир гапга тиркалиб келар экан, уни илова қурилма деб аташ учун тўлиқ асос бор. Аммо илова қурилмани парцеллятдан фарқламоқ керак. Чунки

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси.- Тошкент, 1996. 134-б.

парцелляция ҳодисаси маълум бир фикрнинг бўлиниб ифодаланишини тақозо этади, илова қурилма эса етакчи гапда берилаётган хабарга тиркаладиган иловани англатади¹.

Бошқача айтганда, илова қурилма етакчи гап мазмуни ифодасига қўшимча маъно берувчи синтактик қурилмани акс эттиради. Айнан шу нуқтаи назардан **ҳам, ҳамда** боғловчилари иштирок этаётган мураккаб шаклли синтактик структурани иловали мураккаб синтактик қурилма деб аташ, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра, бундай структураларни боғловчи воситасида шаклланиувчи тенг компонентли МСҚлар жумласига киритиб бўлмайди. Бундан ташқари, бу ўринда иловали мураккаб қурилма компонентларининг семантик вазнлари ҳам тенглик муносабатини кўрсатмайди.

Шундай қилиб, ҳозирги ўзбек тилида бириктирув боғловчили тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг асосий оператори **ва** эканлигини кўрамыз. Бундан ташқари, мазкур боғловчининг грамматик синонимлари сифатида **–да, –ю** юкламалари ҳам фаол қўлланилади. Бироқ шундай бўлса-да, бириктирув боғловчили тенг компонентли МСҚ шаклланиши мумкин бўлган деривацион жараёнда оператор танланишини эркин дея олмаймиз. Чунки **ва** боғловчиси оператор бўлганда МСҚ компонентлари ўртасида мазмуний мутаносиблик кузатилса, юклама оператор бўлганда операндлар ўртасида мазмуний номутаносиблик вужудга келади. Зотан, таркибида оператор вазифасидаги юклама қатнашаётган операнд, иккинчи операнддан фарқли равишда, семантик нуқтаи назардан ҳар доим таъкидланган бўлади. Бироқ, шундай бўлса-да, бириктирув боғловчили МСҚ компонентлари тенг ҳуқуқли саналади, чунки улар ўртасидаги айрим семантик белгиларнинг фарқланиши уларнинг бирини ҳоким, иккинчисини эса тобе деб, ёки бирининг семантик салмоғини юқори, иккинчисиникини эса паст деб аташ учун асос бўлолмайди.

3-§. ОПЕРАТОРИ ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Тенг компонентли МСҚнинг мазкур турида, **аммо, лекин, бироқ** сингари зидлов боғловчилари ишлатилади.

Шу боис улар зидлов боғловчили МСҚлар синтактик деривациясининг оператори вазифасини бажаради ва иккинчи операнд таркибида келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, тенг компонентли МСҚларнинг бирор турида ҳам боғловчи таркибий қисмларнинг туб структураларига

1. Қаранг: Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореферати. – Самарқанд, 1997, 23-бет.

кирмайди. Бу табиийдир, албатта. Чунки синтактик деривация оператори шаклланаётган ҳосила структура таркибига ташқаридан олиб кирилади. Бунда оператор танланиши масаласи сўзловчининг хоҳиши (мақсади) ҳамда нутқ муҳитининг талаби билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай вазият эса, ўз навбатида, синтактик структураларнинг танланиши учун ҳам имкон яратади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик:

Бухорога кетганига йигирма кун бўлди.

Бу Абу Бакр Калавийга йилдай туюлди.

Танланиши мумкин бўлган операторлар:

аммо, лекин, бироқ, -са ҳам, -са -да, -га қарамай.

Деривацион жараён ва ҳосилалар парадигмаси:

1. *Бухорога кетганига йигирма кун бўлди, аммо бу Абу Бакр Калавийга йилдай туюлди* (М.Али. Сарбадорлар).

2. *Бухорога кетганига йигирма кун бўлган бўлса ҳам, бу Абу Бакр Калавийга йилдай туюлди.*

3. *Бухорога кетганига йигирма кун бўлган бўлса-да, бу Абу Бакр Калавийга йилдай туюлди.*

4. *Бухорога кетганига йигирма кун бўлганига қарамай, Абу Бакр Калавийга бу йилдай туюлди.*

5. *Бухорога кетганига йигирма кун бўлди-ю, Абу Бакр Калавийга бу йилдай туюлди.*

Кўринадики, муайян бир деривацион жараёнда бир неча синтактик структуранинг шаклланиши учун имконият яратилиши мумкин. Айни пайтда ҳам зидлов боғловчили МСҚ ҳамда тўсиқсиз эргаш гапли МСҚларнинг турли вариантларда воқеланиши ва дериватлар парадигмаларининг вужудга келиши учун реал деривацион шароит мавжудлигини кўрамиз. Аммо, қандай бўлишидан қатъи назар, оператор операндлар структуралари сатҳларига кирмаган ҳолда, улардан ташқарида фаоллашуви кузатилади. Лекин тенг компонентли МСҚ таркибий қисмларини мустақил гаплар сифатида тасаввур этиб, боғловчи воситани уларнинг иккинчисиди қолдириш ҳам мумкин. Бироқ бундай вазиятда у синтактик функциясига кўра автоном монема, яъни синтактик структуранинг бошқа унсурларига синтактик функция ҳамда нутқий фаоллик беришда қатнашмайдиган ва шу билан бирга, унинг ўзи ҳам гапнинг бошқа унсурларига бирор жиҳатдан қарам бўлмаган нутқ бирлиги тарзида қўлланади¹.

1. Қаранг: Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. — Тошкент, 2003, 58-66-бетлар.

1.Аъзои бадани жиққа ҳўл бўлибди, аммо руҳи қушдай енгил эди (М.Али. Сарбадорлар).=*1. Аъзои бадани жиққа ҳўл бўлибди. 2. Аммо руҳи қушдай енгил эди.*

2.Ҳар ҳолда,бу сафар унча даҳшатли-қонли бир синовга ўхшамасди,аммо сархуш султон шаҳзодаларга аждардек тикиларди (Мирмуҳсин.Темур Малик).=*1. Ҳар ҳолда бу сафар унча даҳшатли-қонли бир синовга ўхшамасди. 2. Аммо сархуш султон шаҳзодаларга аждардек тикиларди.*

Келтирилган мисолларда кейинги мустақил гаплар **аммо** боғловчиси билан бошланмоқда ва уни ҳам ўз синтактик структуралари таркибига олмақда. Бироқ мазкур боғловчи айни пайтда синтактик деривация оператори вазифасини бажармаяпти. Бунда мустақил гаплар деривациясининг операторлари **-дай,-дек** аффикслари саналади. Лекин бу аффикслар ҳам, берилган мустақил гапларнинг деривацияси оператори вазифасида келишидан қатъи назар, уларнинг туб структуралари сатҳига крмайди: (руҳи) енгил эди = туб структура; (султон) тикиларди=туб структура.

Юқорида кўриб ўтилгани сингари, зидлов боғловчили тенг компонентли МСҚ шаклланадиган деривацион жараёнда тўсиқсиз эргаш гапли МСҚ ҳам ҳосил бўлиши мумкин. М.Асқарованинг фикрига кўра, зидлов боғловчилари иштирокида шаклланган боғланган қўшма гаплар мазмунан тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларга ўхшайди ва шунинг учун бир-бирига зид икки ҳодиса ифодаланиши жараёнида зидликка қарамай, иккинчисидаги воқеа юзага келади¹.

Бизнингча, мазкур мулоҳаза қисман тўсиқсиз эргаш гапли МСҚлар компонентларининг мазмуний ифодасига тааллуқлидир. Зидлов боғловчиси иштирокида шаклланган тенг компонентли МСҚнинг фақат иккинчи қисмида ифодаланаётган воқеа-ҳодиса эмас, балки ҳар икки компонентида берилаётган ҳаракат ифодаси ҳам тўлиқ рўёбга чиқади. Бунинг асосий боиси тенг компонентли МСҚлар таркибий қисмларининг ҳар бири алоҳида туб структурага асосланишидадир. Тўсиқсиз эргаш гапли МСҚларнинг синтактик шаклланиши эса бош гапнинг туб структурасига таянади. Шунинг учун бунда бош гапда ифодаланаётган воқеа-ҳодисанинг рўй бериши муҳим саналади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолларга мурожаат этайлик:

1. Самад ҳам, Гулшан хоним ҳам, Баҳри ҳам кўп азоб тортиш орқасида тоза рангларида ажрадилар, касал кишига ўхшаб қолдилар, аммо ифлослик ижодчиси Шодмон қувноқ эди (Ҳ.Шамс. Танланган асарлар).

1.Қаранг: Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. -Тошкент, 1960, 14-бет.

2. *Бир қиз узоқдан қўл силтаб бир нарса деди, аммо шамол унинг сўзларини бошқа томонга олиб қочди* (Р.Файзий. Асарлар).

3. *Тулки тилмочнинг асли исми Бозорбой бўлса-да, у ... «Тулки тилмоч» лақаби билан ҳаммага маълум эди* (Ойбек. Улуғ йўл).

4. *У кексайган бўлса-да, кўзларининг ўти сўнмаган, ҳануз хушрўй эди* (Ойбек. Улуғ йўл).

Келтирилган мисолларнинг олдинги иккитасида тенг компонентли МСҚ структуралари шаклланган бўлиб, ҳар бир компонентда ифодаланаётган воқеа-ҳодисанинг нутқий мукамаллик ва хабар баёнининг салмоғида муҳим аҳамияти ва ўрни мавжудлиги кўриниб турибди.

Бунда компонентлар туб структуралари мустақил тараққий этиб, ҳосила структуралар ясалмоқда. Лекин кейинги икки мисолда берилаётган эргаш гапли МСҚларнинг иккинчи компонентлари орқали ифодаланаётган хабар коммуникатив жараён учун муҳимдир, биринчи компонентлари ифодалаётган хабар эса изоҳ тарзида келади. Бошқача айтганда, эргаш гаплар МСҚ синтактик структурасининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, семантик жиҳатдан МСҚ структураси бош гапнинг мазмунига таянади.

Шундай қилиб, зидлов боғловчиси иштирокида шаклланувчи тенг компонентли МСҚлар билан тўсиқсиз эргаш гап иштирокида шаклланган МСҚлар ўртасида фақат деривацион жараён орқалигина яқинлик мавжудлигини кузата оламиз. Тенг компонентли МСҚ қисмлари автосемантик, тўсиқсиз эргаш гапли МСҚ компонентлари эса синсемантик характерлидир.

Компонентлари муносабати зидликка асосланган МСҚ синтактик деривацияси оператори вазифасида юклама иштирок этганда, у биринчи компонентнинг кесимига тиркалиб келади. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, зидланиш маъноси иккинчи компонент орқали ифодаланади.

Деривацион салмоғига кўра юклама зидлов боғловчиларидан фарқ қилмайди. Лекин прагматик нуктаи назардан уларнинг оператор тарзида танланишида маълум даражада фарқ борлиги кузатилади. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, зидлов боғловчиси оператор сифатида иккинчи компонентнинг бошида келиб, унинг кесимига мантиқий урғу беради. Юклама эса, аксинча, биринчи компонентнинг кесимига тиркалиб келиб, уни шундай урғу орқали бўрттиради. Шу боис мазкур грамматик воситаларнинг танланиши деривацион жараён ҳамда сўзловчи шахс билан бевосита боғлиқ бўлади. Бу эса, ўз навбатида, деривацион жараёнинг прагматик қоидалар қуршовида вужудга келишидан далолат беради:

1. *Сичқон қутулиши йўлини қидириб ўзини ҳар ёнга уради, лекин мушук заррача парво қилмайди* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

2. *Сайлихон алдагани бола яхши қабилида иш тутди, бироқ*

қизчанинг ишшадай тиниқ жиддий кўзи билан кўзи тўқнашганда ёлгон сўзлаганини ҳис этиб қизарди (С.Анорбоев. Сайли).

3. *Тавба, бозорда галла тиқилиб ётибди-ю, очликдан ўлаётганларнинг ҳисоби йўқ* (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

4. *Пўлат бадантарбия дарсида кўрсатилган барча машқни бекаму кўст бажарди-ю, нима учундир ўқитувчиси унга баҳони пасайтириб қўйди* (Ш.Рашидов. Қудратли тўлқин).

Келтирилган мисолларнинг биринчи иккитасида зидлов боғловчиси қатнашиб, у МСҚлар иккинчи компонентларининг кесимлари (парво қилмайди, қизарди) англатаётган маънони таъкидлаб келаётган бўлса, кейинги иккитасида МСҚлар биринчи компонентларининг кесимларига (тиқилиб ётибди-ю, бажарди-ю) мантикий урғу бериб, уларни мазмунан алоҳида бўрттирмоқда¹.

Тенг компонентли МСҚларда зидлов боғловчиси билан юклама ҳам қўлланилиши кузатилади. Бундай ҳолат, албатта, у ёки бу тарзда зидлов мазмунини кучайтиради. Бунда икки хил вазият бўлиши мумкин: 1) юкламанинг бирламчи функцияда, яъни асосий деривацион восита сифатида келиши; 2) мазкур функцияда зидлов боғловчисининг келиши.

Ҳар икки ҳолатда ҳам бир йўла семантик-синтактик мақсад кўзда тутилади. Бошқача айтганда, юклама бирламчи функцияда келганда, у МСҚ синтактик деривациясининг оператори, зидлов боғловчиси эса зидлик маъносини кучайтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Зидлов боғловчиси бирламчи функцияда, яъни деривация оператори вазифасида келганда эса, юклама семантик мақсадда, яъни ремани белгиловчи восита функциясида қўлланилади:

1. *Қор тинган-у, аммо қуёш булутлар орасидан чиқолмай гаранг* (Ҳ.Шамс. Танланган асарлар).

2. *Сиз оддий кишилар орасидан етишган донишмандсиз, камбағалсиз-у, лекин ҳимматингиз тоғдан баланд* (С.Абдулла. Мавлоно Муқимий).

3. *Оқ пошшонинг муслмонларга келтирган гуноҳ ишлари ҳақида... айтилган фикрлар бўлди-ю, аммо бундан қандай қилиб қутилиш йўллари ҳақида бирор киши сўз айтмади* (Шукрулло. Тирик руҳлар) .

4. *У кези келганда кулишга интиларди-ю, аммо бу кулгида самимийлик кўринмасди* (Ш.Рашидов. Қудратли тўлқин).

5. *Осмон мусаффо эди-ю, аммо ой қонга белангандай қизариб турарди* (Мирмуҳисин. Меъмор).

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.-Тошкент, 1964, 70-бет.

6. *Йигит ҳам, қиз ҳам ... руҳан қийналар эдилар-у, аммо икковларининг ҳам иззат-нафслари ярашишга имкон бермасди* (Ш.Рашидов. Қудратли тўлқин).

Келтирилган мисолларнинг биринчи учтасида юклама бирламчи функцияда – МСҚ синтактик деривациясининг оператори вазифасида келмоқда. Бунда зидлов боғловчиси семантик мақсадда, яъни зидлик маъносини кучайтириш учун қўлланилмоқда. Деривацион нуқтаи назардан у иккинчи даражалидир. Шу боис уни МСҚ таркибидан тушириб қолдириш ҳам мумкин:

1. *Қор тинган-у, қуёш булутлар орасидан чиқолмай гаранг.*

2. *Сиз оддий кишилар орасидан етишган донишмандсиз, камбағалсиз-у ҳимматингиз тоғдан баланд.*

Зидлов боғловчиси МСҚ синтактик деривациясининг оператори функциясида келганда юкламанинг иккинчи даражали аҳамият касб этишини кейинги уч мисолда кўрамыз. Бундай вазиятда юкламани МСҚ таркибидан тушириш мумкин: *У кези келганда, кулишга интиларди, аммо бу кулгида самимийлик кўринмасди.*

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, принцип нуқтаи назаридан юклама ҳамда боғловчи воситасида шаклланган ҳар қандай МСҚ таркибидан уларнинг бирини исталган пайтда тушириб қолдириш мумкин. Лекин бу орқали прагматик мақсад ифодасига путур етказилади. Шунинг учун зидлов боғловчили МСҚ таркибида иштирок этаётган юкламанинг ҳам, боғловчининг ҳам синтактик, семантик вазифаларидан ташқари, прагматик мақсадларни кўзда тутувчи ўзига хос функциялари ҳам мавжуд бўлишини назарда тутмоқ лозим.

Зидлов маъноли тенг компонентли МСҚ таркибида зидлов боғловчилари қўшалок тарзда қўлланилиши ҳам мумкин:

1. *Сен билан бизнинг назаримиз тўқ , аммо лекин улар ҳамиша ёғ ичида яшасалар ҳам, ўлгудай очкўз бўладилар* (Ҳ.Шамс. Танланган асарлар).

2. *Гапларинг чакки эмас, ука, аммо лекин, манави эшонларимиз, ... дин ислом йўлида жон куйдирган аҳли исломларимиз ҳақида гапирган гапларинг жўяли эмас !* (Ҳ.Шамс. Танланган асарлар).

3. *Мен уни ёмонламоқчи эмасман, аммо лекин сиз ўз фарзандимсиз!* (О. Ёкубов. Диёнат).

Бу сингари тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси икки зидлов боғловчисига асосланганлиги учун, бундай воситаларни дериватологияга Н.Турниёзов томонидан киритилган «дубльоператор» термини билан атаймиз.¹ Операторнинг ҳар икки мучаси ҳам айни

1. Қаранг: Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке // Автореф.докт.дис.-М., 1985.-С.26.

вазиятда бир хил кучга эгадир, зотан, уларнинг фақат биттаси иштирокида ҳам МСҚ синтактик деривацияси тўлиқ воқеланиши мумкин.

Баъзи тилшунослар зидлов боғловчиларининг бу тахлит қўлланилиши зидлик маъносининг кескинроқ ва кучлироқ ифодаланиши учун хизмат қилишини таъкидлайдилар¹. Бизнингча, бундай вазиятнинг семантик ёки синтактик мақсадларнинг бирортаси билан ҳам узвий алоқаси йўқ. Бошқача айтганда, жуфтлашиб келаётган боғловчиларнинг бирини туширганимизда ҳам МСҚнинг семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам беками-кўстлиги тўлиқ сақланади.

Қизиғи шундаки, деривацион жараёнда оператор танлаш фақат **аммо лекин** тарзида қўллаш мумкин бўлган зидлов боғловчиларига асосланади. Чунки боғловчиларнинг **лекин аммо, бироқ лекин** шаклларида келиши тилимиз қўлланилиши меъёрига зиддир.

Шундай қилиб, зидлов боғловчиларининг **аммо лекин** тарзида қўлланилиши услубий-прагматик қоидалар билан боғлиқ, деган хулосага келамиз, зеро, мазкур ҳолат тилимиз истеъмолининг ҳудудий белгилари билан алоқадордир. Масалан, зидлов боғловчиларнинг бундай жуфт ҳолатда келиши Самарқанд ва Бухоро шеваларида қарийб кузатилмайди.

Юқоридагилардан ташқари, шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, сўнгги йилларда зидлов боғловчисининг биринчи гапдан кейин қўйилган нуқтадан сўнг иккинчи гапнинг бошида қўлланилиши ҳодисасини ҳам боғловчили боғланган қўшма гап тарзида талқин этилмоқда. Бунинг асосий сабаби икки мустақил гапнинг мазмунан боғлиқлиги, икки гапда бир фикр ифодаланишидир.

1. *Буни яхши билган Нормурод Шомуродов ўглининг тилагига унча рўйхушлик бермаган эди. Лекин ёшлар кексалар тажрибасини ҳисобга олишмас экан* (О. Ёқубов. Диёнат).

2. *Хуллас, Маткарим Сафоев ўз дардини унутиб Республиканинг оғир ярасини тузатиши йўллари йўларди. Аммо бу узоққа бормади* (Ж.Шарипов. Хоразм).

Р.Сайфуллаева тўғри таъкидлаганидек: «Қўшма гапнинг таркибий қисмлари орасидаги маъно (мазмуний) боғланишига умуман таяниб бўлмайди. Чунки нутқни микротекст назарияси асосида ўрганиш шуни кўрсатадики, микротекст доирасидаги барча гаплар ўзаро мазмунан боғлиқ ва бу боғланиш ўз ичига икки-уч гапдан то ўн-ўн бештагача гапни олади. Шунинг учун «ўзаро мазмунан боғланган»лик меъёри қўшма гапларнинг структур бутунлигини таъминловчи омил бўла олмайди. Оҳанг масаласи ҳам аниқ бир хулоса чиқаришга имкон бермайди»².

1. Қаранг: Солихўжаева С. Боғланган қўшма гаплар // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.-Тошкент,1992,181-бет.

2. Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг формал-функционал таҳлили.-Тошкент, 1994, 304-б.

Бизнинг назаримизда, бу сингари қўлланилган зидлов боғловчиси иловали синтактик қурилмани шакллантириш учун хизмат қилади. Чунки нуктадан кейин келаётган иккинчи гап мазмунан биринчи гапнинг иловасини тақозо этади. Агар бундай ҳолатдаги синтактик қурилмани анъанавий термин билан «қўшма гап» деб атайдиган бўлсак, у ҳолда гапнинг синтактик сатҳини уч нукта (нутқда уч пауза) оралиғида деб тасаввур этишга тўғри келади:

. - - - - - . **Зидлов боғловчиси** - - - - - .

Биринчи компонент

Иккинчи компонент

Аммо ҳар қандай гапнинг ҳам уч нукта (нутқда уч пауза) эмас, балки, икки нукта (пауза) оралиғида бўлиши изоҳ талаб этмайди. Деривацион нуктаи назардан ҳам нуктадан (паузадан) кейин иккинчи гапнинг бошида қўлланилган боғловчи гапнинг эмас, балки матн синтактик деривациянинг оператори вазифасини бажаради. Демак, бундай вазиятда иловали МСҚ воқеланади.

Иловали МСҚда биринчи компонент етакчи, иккинчи компонент унинг иловаси ҳисобланади. Зидлов боғловчиси иштирокидаги тенг компонентли МСҚларда эса етакчи гап тасаввури бўлмайди ва шу боис уларнинг синтактик деривацияси оператори ҳам икки нукта (нутқда икки пауза) оралиғида келган гаплар ҳудудида фаолият кўрсатади.

4-§. ОПЕРАТОРИ АЙИРУВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Боғловчили тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси айирув боғловчилари билан ҳам узвий боғлиқдир. Бунда айирув боғловчилари деривация оператори вазифасини бажаради. Бироқ мазкур оператор аксарият ҳолларда МСҚ таркибида такрорий қўлланади. Шу боис бундай вазиятда ҳам «дубльоператор» терминидан фойдаланамиз.

Дубльоператор синтактик деривациясининг ҳоким унсури сифатида содда (таркибсиз) операторлардан фарқ қилмайди. Аммо семантик вазифасига кўра унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуддир. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик:

-Тавба, ё мен буларни тушунишга ожизман, ёки булар лоф уришади (Й.Шамшаров. Ворислар).

Келтирилган мисолда МСҚ компонентларининг ҳар бири таркибида операторнинг такрорий қўлланиши деривация операндларининг ўзаро синтактик муносабатларини ташкил этиш учун хизмат қилаётгани шубҳасиздир. Бу эса, ўз навбатида, МСҚ синтактик деривациясининг айна пайтда фақат дубльоператор ёрдамида воқелана олишидан далолат беради. Акс ҳолда, яъни ёлғиз (якка) оператор иштирокида деривацион операция амалга ошмай қолади. Қиёсланг: *-Тавба, ... мен буларни*

тушунишга ожизман, ёки булар лоф уришади ↔ -Тавба, ё мен буларни тушунишга ожизман, ...булар лоф уришади.

Дубльоператор деривацион жараёнда дериват операндларининг синтактик муносабатини ташкил этибгина қолмай, семантик нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади, зотан, унинг иштирокида МСҚ таркибий қисмларининг ҳар бирининг, биринчидан, мазмуний салмоғи алоҳида таъкидланади, иккинчидан, уларда ифодаланаётган воқеа-ҳодисаларнинг қайси бири реал эканлиги ноаниқ бўлиб қолади.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш лозимки, айирув боғловчили тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси содда (бир таркибли) операторга асосланиши ҳам мумкин:

-Билмадим, мен сенинг олдинда гуноҳқорманми, ё сен менинг олдимда гуноҳқорсанми? (С.Аҳмад. Уфқ).

Келтирилган мисолда МСҚ синтактик деривацияси содда операторга асосланаётганини кўрамиз. Айни пайтда деривацион жараён иккинчи операторни истеъмолга кирита олмайди. Баъзи ҳолларда эса оператор қўллаш масаласи прагматик омиллар билан узвий боғлиқ бўлади:

Назаримда, ё одамлар бошқача бўлиб қолишган, ё мен унча қовушмай турибман (М.Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).

-Исомиддинов у ердан олиб ташлансин, ёки менга бутунлай жавоб берилсин (Ҳ.Шамс. Танланган асарлар).

Берилган МСҚлар биринчисининг синтактик деривацияси дубльоператорга, иккинчисиники эса содда операторга таянганлигини кўрамиз. Лекин сўзловчининг хоҳишига кўра биринчи МСҚда содда, иккинчисида дубльоператор қўлланилиши ҳам мумкин эди:

1. *Назаримда, одамлар бошқача бўлиб қолишган, ё мен унча қовушмай турибман.*

2. – *Ё Исомиддинов у ердан олиб ташлансин, ёки менга бутунлай жавоб берилсин.*

Айирув боғловчиси тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг оператори вазифасида келиши билан бир пайтнинг ўзида операндлар ўртасида турлича мазмуний муносабатларни вужудга келтирувчи асосий восита ҳам саналади. Бундай мазмуний муносабатларни Ғ.Абдурахмонов қуйидагича изоҳлайди:

1.Қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатларнинг бири рўй беради ёки рўй бермайди.

2.Қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатлар галма-гал содир бўлади.

3.Қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг ҳар иккиси рўй беради ёки рўй бермайди.

4.Қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолатларнинг бири иккинчисини инкор этади¹.

Бу масалалар, албатта, МСҚ синтактик деривациясида муҳим аҳамиятга эга бўлган семантик-прагматик жиҳатлар билан боғлиқ. Ана шу нуқтаи назардан МСҚ синтактик деривациясида содда ёки дубльоператорларнинг қўлланилиши масаласи юқорида берилган мисолларда ўзига хосликка эга эканлигини кўрамиз. Келтирилган МСҚларнинг биринчиси операндлари сўроқ мазмунли бўлгани учун, бу ўринда содда операторга эҳтиёж сезилган. Айни пайтда дубльоператорлардан фойдаланиб бўлмайди. Иккинчи ва учинчи МСҚларда эса содда оператор ҳам, дубльоператор ҳам қўлланилиши мумкинлигини кўрамиз.

Оператори **ё, ёки** боғловчилари билан ифодаланган МСҚ шаклидаги дериват компонентлари кесими кўпинча буйруқ майли, келаси замон аниқ феъли ёки гумон шаклида бўлади. Бундай вазият, албатта, компонентларда ифодаланаётган иш-ҳаракатнинг аниқ бажарилмаганлиги, гумонлиги билан бевосита боғлиқдир².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, МСҚ компонентларининг тахмин, гумон маънолари билан боғлиқ хусусиятлари МСҚ синтактик деривацияси воқеланаётган жараён ва унда танланаётган оператор билан узвий алоқадордир. Чунки деривацион жараён вужудга келгунча, дериват операндлари тарзида функционал фаоллик олаётган гапларда тахмин ёки гумон маънолари бўлмайди. Уларга бундай хусусият МСҚ синтактик деривацияси воқеланиши билан бир пайтнинг ўзида оператор орқали киритилади. Бундан ташқари, аналогик деривацион жараёнда оператор воситасида бир-бирлари билан мазмуний алоқаси бўлмаган гаплар маъноларига кўра боғланади:

ДЕРИВАЦИОН ЖАРАЁН

Мустақил гаплар

Оператор **ё(ёки)**

1. *Кўк унга ўз сирларини очишни истамас.*

2. *Унинг ақл кўзгуси хираланиб қолган.*

Д Е Р И В А Т

Ё кўк унга ўз сирларини очишни истамас, ё унинг ақл кўзгуси хиралашиб қолган (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Юқорида айтиб ўтилгани сингари, оператори айирув боғловчиси бўлган МСҚ компонентлари, маъно жиҳатидан синтактик деривация

1.Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси.-Тошкент, 1996, 134-б.

2. Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.-Тошкент, 1987, 168-бет.

воқеланаётган жараёндагина ўзаро муносабатга киришади. Бунда, албатта, деривация операторининг муҳим хизмати бўлади. Бошқача айтганда, бири иккинчиси билан мазмуни жиҳатидан мутлақо боғлиқ бўлмаган содда гапларнинг семантик муносабати ҳам, синтактик алоқаси ҳам деривацион жараёнда оператор воситасида ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, оператор синтактик деривациянинг мутлақ ҳоким унсури эканлигини мутлақо асосли равишда исботлайди.

Боғловчили тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг оператори **гоҳ, дам, бир, баъзан** сўзларидан бири орқали ифодаланганда дериват операндлари рўй бериши галма-галликка асосланган гапларни тақозо этади. Бироқ мазкур сўзлар, **ё (ёки)** боғловчисидан фарқли равишда, мудом такрорий қўлланилади ва дубльоператор вазифасини бажаради:

1. *Гоҳ қарасам, ранги заъфарон бўлиб кетади, гоҳ кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади* (Р. Файзий. Асарлар).

2. *Бир босмачилар келиб қишлоқни хонавайрон қилиб кетади, бир қизиллар келиб экинни пайҳон қилиб кетади* (А.Мухтор. Чинор).

3. *Дам ёмғир қуйиб беради, дам чарақлаб офтоб чиқади.*

Келтирилган мисолларнинг ҳар бирида МСҚ синтактик деривацияси дубльоператорларга асосланганини кўрамиз. Бундай вазиятда дубльоператор фақат яхлитлигича олинганида дериват ҳосил қила олади. Унинг таркибий қисмларидан бири МСҚ сатҳидан туширилганда, деривацион қоида бузилади. Шунинг учун айирув боғловчиси синтактик деривациянинг оператори тарзида МСҚ таркибий қисмларининг (деривация операндларининг) ҳар иккаласида ҳам қўлланилиши шарт. Бундай ҳолат биринчи галда МСҚ синтактик деривацияси билан боғлиқ бўлган компонентларда ифодаланаётган воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал бажарилиши туфайли вужудга келади. Ана шу семантик омил МСҚ синтактик деривациясининг ҳам асосий сабаби ҳисобланади. Чунки ҳар қандай синтактик структура ҳам бирор семантик ифодани бериш мақсадида коммуникатив вазифа олади. Фикр исботи учун юқорида келтирилган мисоллардан биринчисида берилган тенг компонентли МСҚнинг деривацион жараёнда вужудга келган имкониятлардан бирининг воқеланиши эканлигига эътибор қаратайлик:

Деривацион жараён

Деривация хом ашёси

1. *Қарасам ранги заъфарон бўлиб кетади.*

2. *Кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади.*

Деривацион имкониятлар

1. *Қарасам, ранги заъфарон бўлиб кетади-ю, кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади.*

2.Қарасам, ранги заъфарон бўлиб кетгач, кўзлари ич-ичига тушиб кетади.

3.Қарасам, ранги заъфарон бўлиб кетиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади.

4.Қарасам, ё ранги заъфарон бўлиб кетади, ё кўзлари ич-ичига тушиб кетади.

5.Гоҳ қарасам, ранги заъфарон бўлиб кетади, гоҳ кўзлари ич-ичига тушиб кетган бўлади.

Юқорида келтирилган мисолларимизнинг бешинчисида диққатимиз марказидаги деривацион имконият воқеланганини кўрамиз. Бунда МСҚ структураси айирув боғловчиларининг синтактик фаоллигига асосланмоқда. Иккинчи бир нутқий муҳитда эса деривацион имкониятлардан бошқа бири устувор аҳамият касб этиши мумкин. Аммо ҳар бир ҳосила структуранинг шаклланиши маълум бир семантик мақсад ифодасининг синтактик қолипга туширилишини, яъни моделлаштирилишини тақозо этади. Моделлаштириш, албатта, синтактик деривация ва унинг операторини танлаш муаммоси билан узвий алоқадордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оператори айирув боғловчиси билан ифодаланган МСҚ синтактик структураси шаклланаётган деривацион жараён мудом очик характерли бўлади. Шу боис мазкур МСҚ қолипидаги дериват ҳам ҳар доим очик структуралидир. Буни қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

Ор операнд + Ор операнд + Ор ...

Очик структурали МСҚ синтактик деривациясининг воқеланиши кўп жиҳатдан сўзловчининг нутқий услуби ва унинг реаллашувида муҳим аҳамиятга эга бўлган прагматик муҳит билан бевосита боғлиқ бўлади.

5-§. ОПЕРАТОРИ ИНКОР БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Инкор боғловчиси ҳам МСҚ синтактик деривациясини дубльоператор тарзида ташкил қилади. Унинг бу жараёнда семантик салмоғи муҳим аҳамият касб этади, зотан, МСҚ компонентларининг ҳар иккаласида ҳам воқеа-ҳодисанинг бажарилиши инкор этилади, МСҚ синтактик деривацияси эса ана шу семантик мақсаднинг тил унсурлари воситасида ифодаланишини таъминлайди:

1. *Йигит эса дом –дараксиз. На қўшиғи эшитилади, на изи топила қолади* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас).

2. *На бирор уйнинг мўрисидан тутун чиқади, на бирор дарахт кўринади* (Ш.Тошматов. Ишқ янгиланди).

Бу сингари МСҚлар синтактик деривацияси операндлари бир-бири билан семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам узвий

боғлиқ бўлади. Шу боис уларнинг ҳар иккаласи яхлит ҳолда қўлланилгандагина тўлақонли мазмуний ва синтактик бутунлик вужудга келади. Масалан, юқорида келтирилган мисолларда бунинг далилини кўриш мумкин. Бироқ тилшунослик адабиётларида айрим фикрлар ҳам мавжудки, уларга кўра **на** унсури иштирокида шаклланган синтактик қурилмани боғланган қўшма гап сирасига киритиб бўлмайди. Чунки **на** унсури боғловчи эмас, балки инкор формадири. Шу боис **на...на** инкор формаси қатнашган синтактик қурилмани боғловчисиз боғланган қўшма гаплар жумласига киритиш мақсадга мувофиқдир¹.

Бизнингча, мазкур фикр анча изоҳталабдир. Чунки **на** унсури кўпгина нуфузли манбаларда боғловчи сифатида талқин этилади. Масалан, « Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Ўзбекча-русча луғат» кабиларда фикримиз исботини кўриш мумкин². Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, **на** унсури форс-тожик тилидан ўзлаштирилган бўлиб, у ўзбек тилида мустақил сўз сифатида эмас, балки гапнинг уюшиқ бўлакларини, МСҚ таркибий қисмларини боғловчи восита вазифасида қўлланади ва ҳаракат, ҳолат каби тушунчалар ифодасини инкор этади.

Юқоридагилардан ташқари, яна шунга ҳам эътибор бериш керакки, **на** унсурининг бошқа тиллардаги муқобиллари ҳам инкор боғловчи тарзида талқин этилади. Масалан, рус тилида **ни**, француз тилида **ni**, инглиз тилида **nei ther** каби унсурларнинг МСҚ компонентлари муносабатини таъминловчи боғловчи восита сифатида изоҳланишини кўрамыз³.

МСҚ синтактик деривацияси нуқтаи назаридан **на** унсури такрорий қўлланиш характерида бўлгани учун, дериват шакллантирувчи дубльоператорни тақозо этади ва дериват операндлари ҳар бирининг аввалида қўлланади.

МСҚ шаклланаётган деривацион жараёнда **на** операторининг синонимик варианты боғловчи вазифасида қўлланувчи **ҳам** сўзи бўлиши мумкин. Бунда феълнинг бўлишсизлик маъносини воқелантирувчи **йўқ** сўзи ва **–ма** аффикси ҳам фаол қўлланади:

- | | |
|-----------------|---|
| 1. Аҳмад келди. | 1. На Аҳмад келди, на мен бордим. |
| 2. Мен бордим | 2. Аҳмад ҳам келмади, мен ҳам бормадим. |
| | 3. Аҳмад ҳам келгани йўқ, мен ҳам борганим йўқ. |

Кўринадики, МСҚ синтактик деривацияси **на** ёки **ҳам** боғловчиларининг қайси бири билан содир бўлганда ҳам, бу грамматик

1. Қаранг: Солихўжаева С. Боғланган қўшма гаплар // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.-Тошкент, 1992, 209-бет.

2. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981, 491-бет, Ўзбекча-русча луғат. – Тошкент, 1988, 283-бет.

3. Қаранг: Кўрсатилган «Ўзбекча-русча луғат», 283-бет ; Французко-русский словарь.-М;1960.-С.542.

воситалар дубльоператор тарзида (на...,на...,ҳам...йўқ,ҳам...ма) қўлланади ва бир пайтнинг ўзида МСҚ компонентларининг ҳар бирида юз бераётган воқеа-ҳодисаларни мантиқан урғули ҳолатга келтиради.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим манбаларда инкор боғловчиси хусусида қуйидагича берилган фикрлар ҳам кузатилади: «Инкор боғловчиси инкор маъносини ифодаловчи содда гапларнигина боғлайди ва боғланган қўшма гап компонентларида ифодаланган инкор маъносини санаб кўрсатади»¹.

Бизнингча, бу ўринда фикр ифодасига услубий жиҳатдан қандайдир аниқлик киритишга эҳтиёж бордек кўринади. Чунки МСҚ таркибида ўзаро бирикаётган мустақил гаплар синтактик деривация содир бўлгунига қадар инкор маъноли бўлмайди. Инкор маъноси уларга синтактик деривация жараёнида инкор боғловчиси билан ифодаланган оператор ёрдамида берилади. Бу мазкур операторнинг асосий семантик хусусиятидир. Унинг синтактик вазифаси эса биринчи галда деривация операндларини ўзаро боғлашда кўринади.

1. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент, 1987, 169-бет.

6-§. ОПЕРАТОРИ *БЎЛСА*, *ЭСА* СЎЗЛАРИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Бўлса, **эса** сўзлари иштирокида шаклланган МСҚларда, олдингиларидан фарқли равишда, икки гапда ифодаланаётган воқеа-ҳодисалар мазмунан қиёсланади ва қиёсланаётган бўлакларга мантиқий урғу тушади¹. МСҚ синтактик деривацияси учун айнан ана шу нарса семантик асос бўлади.

Синтактик деривация жараёнида оператор МСҚ компонентларининг иккинчисига қўшилади ва унинг биринчи компонент билан синтактик ҳамда семантик муносабатини ташкил этади:

1. *Эрк офтобининг тиги баъзан саргардонлик изгиринларида қоларди, дайди қабила эса шу тажрибали, кекса бошлиқнинг измида дарбадарликнинг охирига интиларди* (Ш.Тошматов. Ишқ янгиланди).

2. *Қайнота оҳиста келиб, келиннинг бошидан бир ҳовуч танга сочди, қайнона бўлса келинни бағрига босиб узоқ турди* (Р.Раҳмон. Келин).

Мазкур турдаги тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси оператор вазифасида келувчи **бўлса,эса** сўзлари билан узвий боғлиқдир. Мазкур сўзлар иштирокисиз бу хилдаги МСҚ структураси шаклланмайди. Чунки уларни алмаштириш учун бошқа синонимик воситалар мавжуд эмас. Фикр исботи учун қуйидаги МСҚ таркибидан **эса** сўзини тушириб кўрайлик:

Ёшлар, асосан, тингладилар, суҳбат тизгини эса Ибн Ямин измида бўлди (М.Али. Сарбадорлар)-*Ёшлар, асосан, тингладилар, суҳбат тизгини Ибн Ямин измида бўлди*.

Бўлса, **эса** сўзлари МСҚ таркибидан туширилганда боғловчи иштирокисиз МСҚ шакли сақланиб қолиши мумкин. Аммо айрим тилшунослар бундай вазиятда парцелляция ҳодисаси рўй беришини таъкидлайдилар. Бу ҳақда С.Солихўжаева қуйидагиларни ёзади: «...бундай гапларда **бўлса**, **эса** сўзларини тушириб қолдирилса, бу гап боғловчисиз қўшма гапга айланади ёки парцелляция ҳодисаси юз бериб семантик жиҳатдан боғлиқлигини фақат контекст орқалигина аниқлаш мумкин бўлган икки мустақил гапга айланади»².

Бизнингча, **бўлса**, **эса** сўзлари оператори вазифасида келган МСҚ синтактик деривациясининг воқеланишида, юқорида эслатиб ўтилганидек, икки гап ўртасидаги қиёсий маъно ифодаси муҳим мавқега эгадир. Аслини олганда, қиёсланиш мазмуни деривацион муносабатга киришаётган икки гап ўртасида **бўлса**, **эса** сўзларининг иштирокисиз ҳам қандайдир даражада сезилиб туради. Аммо, шу билан бирга, ҳар икки гап

1. Қаранг: Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (ўқув қўлланма).

- Самарканд: СамДУ нашри, 2001, 112-бет.

2. Солихўжаева С. Кўрсатилган асар, 192-бет.

ҳам мустақил маънолидир. Уларнинг бирини етакчи, иккинчисини эса кўмакчи мавқега эга бўлган гаплар деб атай олмаймиз. Бундан ташқари, уларни маълум бир фикрнинг иккига бўлиниб ифодаланиши деб ҳам бўлмайди. Бу эса айни пайтда парцелляция ҳодисаси юз бермаслигини кўрсатади. Энг муҳими, бу жараёнда қатнашаётган гаплар бир фикрнинг парчаланиб берилишини эмас, балки икки фикрнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ифодаланаётганини тақозо этади. Парцелляция ҳодисаси эса сўзловчининг хоҳишига кўра муайян бир фикрнинг иккига бўлиниб ифодаланишини тақозо этади. Қиёсланг:

Мустақил гапларга бўлинган МСҚ

Ҳокимият уларга улов, чигит, сув беради, ерлар бўлса ҳар бир деҳқоннинг ихтиёрига топширилсин (М.Али.Сарбадорлар) – Ҳокимият уларга..... сув беради. Ерлар ҳар бир деҳқоннинг ихтиёрига топширилсин.

Парцелляция ҳодисаси

Бир қиз билан танишдим. Қундуз деган (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас).

Оператори **бўлса,эса** сўзлари бўлган МСҚ шаклидаги ҳосила структуранинг (дериватнинг) ҳар бир операнди алоҳида туб структурага асосланади. Бундай вазият **бўлса** ёки **эса** сўзи туширилиб, мустақил гаплар шаклланганда ҳам тўлиқ сақланади. Парцелляция ҳодисасида эса туб структура фақат етакчи гапда бўлади. Чунки парцеллят прагматик талабга кўра ана шу гапдан ажратилиб ифодаланаётган унинг маълум бир бўлагини тақозо этади ва шу боис у исталган пайтда етакчи гап билан қоришиб кетиши мумкин:

Меҳмонлар келишди. Тошкентдан - Тошкентдан меҳмонлар келишди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, **бўлса,эса** сўзлари иштирокида воқеланаётган МСҚ синтактик деривацияси фақат таянч структурадангина иборат бўлган операндлар муносабатига асосланиши ҳам мумкин: *Собир кетди, Акмал эса қолди.*

Бироқ бу сингари МСҚларнинг қўлланилиши, асосан, оғзаки сўзлашув нутқида кўпроқ кузатилади. Ёзма нутқда уларнинг фаоллик даражаси «ҳосилалардан ҳосила» тарзида шаклланган МСҚларнинг ишлатилиши даражасидан анча паст кўринади. Чунки фактик тил материалларининг таҳлили аксарият ҳолларда икки ҳосила структуранинг синтактик муносабатидан учинчи ҳосила структуранинг шаклланишини кўрсатмоқда:

Зиқна бойнинг бундай сахийликларига кўплар ишонавермас эдилар (биринчи ҳосила структура), унинг хасислиги борасида эса ҳар хил мишмишлар юрарди (иккинчи ҳосила структура) (М. Али. Сарбадорлар). Яъни: $D_1 + D_2 = D_3$. (дериват₁+дериват₂+дериват₃).

Юқоридагилар билан бир қаторда, шуни ҳам айтиш лозимки, МСҚнинг мазкур турида иккинчи компонент аксарият ҳолларда биринчи компонентнинг мазмуний салмоғини изоҳлаб келади. Бу эса МСҚнинг тенг компонентли эканлигини шубҳали қилиб қўяди. Аммо, бизнингча, **бўлса, эса** боғловчи воситалари иштирокида тузилган МСҚ компонентларининг тенг ҳуқуқли эканлигини масала тавсифига деривацион нуқтаи назардан ёндашилганда тўлиқ далиллаш мумкин. Чунки бунда МСҚ компонентларининг ҳар бири алоҳида туб структураларга асосланади. Компонентларнинг эргаш боғланишида эса МСҚ структураси, аввал эслатиб ўтилганидек, фақат ҳоким гапнинг туб структураси замирида шаклланади, эргаш гап эса ўзи ўзи учун эмас, балки ҳоким гап учун, унинг талабига кўра воқеланади. Мазкур ишда ана шу асосда **бўлса, эса** воситалари иштирокида шаклланган МСҚ компонентлари тенг ҳуқуқли саналмоқда. Тўғри, таркибида мазкур сўзлардан бири иштирок этаётган МСҚ компоненти ўзидан олдинги компонентда берилаётган хабар ифодасини қандайдир даражада изоҳлаб келади. Аммо бу МСҚ биринчи компонентига ҳокимлик мақомини бера олмайди. Акс ҳолда бу сингари мураккаб синтактик қурилмаларни тобе компонентли ҳисоблаш мумкин бўларди. Умуман олганда, МСҚ компонентларининг тобелик ёки тенглик асосида муносабатга киришаётганини уларнинг деривациялари табиатига қараб бемалол аниқлаш мумкин: компонентларнинг тобелик асосидаги боғланишида уларнинг бири иккинчисининг талабига кўра шаклланади, тенгликка асосланган боғланишда эса уларнинг деривацион хусусиятлари эслатиб ўтилган талаб доирасидан ташқарида бўлади. Шунинг учун тенглик асосидаги боғланишда ҳар доим МСҚ компонентларининг ҳар бири алоҳида туб структурага таянади.

УЧИНЧИ БОБ

БОҒЛОВЧИСИЗ ШАКЛЛАНГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ

1-§. БОҒЛОВЧИСИЗ МСҚ СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.

Ўзбек тилшунослигида боғловчисиз боғланган қўшма гаплар тадқиқига махсус монографик ишлар бағишланмаган бўлса-да, мазкур мавзунини мутлақо ишланмаган деб бўлмайди. Бу соҳада дарслик ва ўқув қўлланмаларида, шунингдек, айрим монографик тадқиқотларда олимларимиз илмий мулоҳазалари берилган. Мазкур мавзу бўйича, айниқса, Ғ.Абдурахмонов ва М.Асқарова каби етакчи тилшунослар томонидан айтилган фикрлар муҳим илмий салмоққа эгадир.

Ғ.Абдурахмоновнинг илмий-монографик ишларида таркибий қисмлари боғловчи вазифасидаги сўзларнинг ёрдамсиз алоқага киришиб, яхлит бир фикрни ифодаловчи қўшма гапларнинг махсус тури боғловчисиз қўшма гап саналиши таъкидланади ва бундай гапларда оҳангнинг ҳамда айрим лексик унсурларнинг мавқеи ошиши алоҳида уқтирилади¹.

Ғ.Абдурахмоновнинг фикрига кўра, боғловчисиз қўшма гапни ташкил этган содда гаплар мазмунан ва оҳангда қоришиб кетади. Улар алоҳида олинганда мазмуний ва оҳанг тугаллигига эга бўлмайди. Бундай қўшма гап таркибий қисмлари ўзаро қўшилиб маълум бир фикрни ифодалайди².

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга қўшилган ҳолда шунини таъкидламоқчимизки, боғловчисиз шаклланган МСҚ компонентлари алоҳида олинганда мазмун ва оҳанг бутунлигини йўқотиши хусусидаги фикр доимий равишда қатъийлик касб этмайдиган кўринади, зотан, айрим пайтларда боғловчисиз шаклланган МСҚ компонентлари алоҳида олинганда ҳам мазмун ва оҳанг бутунлиги сақланиши кўзга ташланади. Фикр исботи учун қуйидаги МСҚни мустақил содда гапларга ажратиб кўрайлик:

Йигитлик кучимнинг қаймоғини бой олди, мен уни бой қилдим (Ҳамза. Бой ила хизматчи). – *Йигитлик кучимнинг қаймоғини бой олди. Мен уни бой қилдим*³.

Аммо бундай вазиятда МСҚ шаклий бутунлигини йўқотади, чунки унинг таркибий қисмлари мустақил содда гаплар тарзида қўлланганда, улар МСҚ қолипидаги микроматннинг эмас, балки ундан ҳажмига кўра каттароқ бўлган муайян бир матннинг бевосита иштирокчи

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. А. Қўшма гап синтаксиси.- Тошкент, 1964, 20-21-бетлар.

2. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. А. Ўша асар, 21-бет.

3. Мисол Ғ.А.Абдурахмоновнинг кўрсатилган асаридан олинмоқда.

компонентларига айланади ва бунинг натижасида мазкур содда гаплар ўртасидаги синтактик муносабатда ҳам ўзгариш рўй беради. Бошқача айтганда, мустақил содда гаплар матн доирасида боғланишли нутқ қонун-қоидалари асосида фаолият кўрсата бошлайди. Бунда, албатта, прагматик шароит ҳам муҳим мавқега эга бўлади.

Ана шулардан келиб чиқиб, боғловчисиз МСКҚ компонентларини мазмуни ва шаклий белгиларига кўра нисбий мустақил гаплар тарзида талқин этиш мумкин деб ўйлаймиз. Бундай МСКҚ компонентларининг баъзилари мустақил қўллана олмаса ҳам, уларнинг семантик ва синтактик жиҳатдан нисбий бутунликлари сезилиб туради:

Ўзинг яхши – олам яхши. Юрт тинч – сен тинч.

Ғ.А.Абдурахмонов боғловчисиз қўшма гапларнинг тузилишида айрим сўзларнинг қўлланилиши, умумий иккинчи даражали бўлақларнинг бўлиши, маълум гап бўлақларининг ҳар икки қисм таркибида такрорий қўлланилиши каби омиллар восита бўла олишини мутлақо тўғри кўрсатади ва бу билан бундай синтактик қурилмаларнинг микроматн қолипни тақозо этиши ҳақидаги фикр далили учун замин яратади¹. Чунки эслатиб ўтилган омиллар матн компонентларининг синтактик деривациясини таъминлашда салмоқли ўрин тутади.

М.Асқарованинг тадқиқотларида боғловчисиз қўшма гап компонентлари боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифасидаги грамматик формаларсиз, фақат интонация билангина бирикиб, синтактик бутунлик ҳосил қилиши таъкидланади ва бундай қўшма гапнинг икки тури мавжудлиги айтилади:

1.Тенг қисмли қўшма гап.

2.Тобе қисмли қўшма гап.

Тенг қисмли қўшма гапда компонентлар бир-бири билан мазмунан тенг муносабатда бўлади ва ўзаро тенглик интонацияси орқали бирикади. Тобе қисмли қўшма гапда эса компонентлар тобеланиш интонацияси ёрдамида бирикади².

Бундай мулоҳазалар нафақат ўзбек тилшунослигида, балки бошқа тилшуносликларда ҳам кузатилади. Бу ҳақда ишимизнинг биринчи бобида эслатиб ўтилган эди (А.Н.Гвоздев, А.Г.Руднев). Назаримизда, боғловчисиз қўшма гап ҳақида сўз юритилганда «тобе қисм» тушунчаси бирмунча ноқулайлик туғдирадиган кўринади. Чунки тобелик ҳақида мулоҳаза юритилганда, ҳокимлик тўғрисидаги фикр ҳам ўз-ўзидан кун тартибига қўйилмоғи лозим бўлади ва натижада «боғловчисиз қўшма гап» ҳамда

1. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси.-Тошкент, 1996, 133-бет.

2. Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, 1987, 223-226-бетлар.

«эргаш гапли қўшма гап» тушунчалари қоришиб кетади. Бундай вазият, бизнингча, масала тавсифини анча мураккаблаштириб юборади. Бу ҳақда Р.Р.Сайфуллаеванинг мулоҳазалари ҳам ишимизнинг биринчи бобида келтирилган эди.

М.Асқарованинг боғловчисиз қўшма гапларни таркибий қисмларининг ўзаро муносабатига қараб боғланган ёки эргаш гапли қўшма гап дейиш қийинлиги, бундай қўшма гаплар баъзан тузилишига кўра боғланган қўшма гапга, мазмунан эса эргаш гапли қўшма гапга ўхшаши хусусида айтилган фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин. Чунки уларда компонентлар муносабатлари будай хулосага келиш учун тўлиқ имконият яратади¹.

М.Асқарова боғловчисиз қўшма гаплар таркибий қисмларининг боғланиши ҳар икки қисм учун умумий сўзлар, олмошлар иштирокида воқеланиши мумкинлигини ҳам тўғри таъкидлайди². Бундай мулоҳаза қўшма гапнинг мазкур турини микроматн тарзида ўрганиш учун, айниқса, уларнинг деривацион хусусиятлари талқинини беришда муҳим аҳамият касб этади.

И.Расулов ҳам боғловчисиз қўшма гап таркибий қисмларининг ўзаро синтактик муносабати хусусида анча теран фикр билдиради: «Қўшма гап таркибида келган айрим сўзлар содда гапларнинг ўзаро бирикишида хизмат қилади. Таркибида бу хил сўз мавжуд бўлган содда гап иккинчи бир гапни талаб қилади»³. Бундан ташқари, олим боғловчисиз қўшма гаплар компонентларининг айрим сўзлар такрорланиши, гапнинг грамматик қурилиши, ҳар икки таркибий қисм учун умумий бўлган иккинчи даражали бўлаклар, шунингдек, содда гапларнинг ўрни орқали ўзаро боғланишини ҳам тўғри таъкидлайди⁴.

Боғловчисиз қўшма гап таркибий қисмларининг ўзаро боғланиши ҳақида сўз юритганда Б.Ўринбоев, юқорида эслатиб ўтилган воситалар билан бир қаторда, синонимлар, антонимлар, кириш сўзлар ҳамда юкламалар ҳам муҳим мавқега эга эканлигини кўрсатади⁵.

Мазкур фикр билан тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки қўшма гапга матн мақомини беришда бундай лексик воситаларнинг алоҳида хизмати бўлади.

Мазкур ишда биз боғловчисиз қўшма гапларни тенг компонентли МСҚ тарзида ўрганаётганимиз учун уларнинг синтактик деривацияси

1. Қаранг: Гуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 223-бет.

2. Қаранг: Кўрсатилган асар, 226-бет.

3. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., Ўзбек тили.—Тошкент, 1966, 245-бет.

4. Қаранг: Ўша асар, 246-247-бетлар.

1.Қаранг:Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Самарқанд,2001,136-бет.

талқини ҳам шунга асосланди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, боғловчисиз шаклланган МСҚлар ҳам, МСҚларнинг барча турлари каби, ҳосила структурани тақозо этади, зотан, улар таркибида камида икки гап синтактик муносабатга киришади:

1. *Газета ўқиётган қиз шу ерга келганда ўзини туюлмади, қўллари қалтирай бошлади* (Р.Файзий. Ҳазрати инсон).

2. *Тонг яқинлашиб қолди, қаршидаги юксак чўққининг тепаси оқара бошлади* (О. Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

МСҚ таркибига бирлашаётган гаплар таянч структураларни тақозо этиши ёки ҳосила қурилма қолипида келиши мумкин:

1. *Ит ҳуради – карвон ўтади* (мақол).

2. *Ҳаво дим, очик деразадан «ғир» этган шамол сезилмайди* (Ойбек. Нур қидириб).

3. *Ташқарида дизель товуши тинди, чироқлар чўғдай қизариб ўчиб қолди* (А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда).

4. *Тақяхонага жимлик чўкди, ҳамма ўз хаёлига ғарқ бўлди* (М.Али. Сарбадорлар).

Келтирилган мисолларнинг олдингисида туб структураларни нутққа олиб чиқаётган таянч структуралар синтактик муносабатидан ҳосила қурилмалар шаклланганлигини, иккинчисида биринчи компоненти таянч структура, иккинчиси ҳосила структура, кейинги иккитасида эса ҳосилалар муносабатидан учинчи ҳосила воқеланаётганини кўрамыз. Уларни символлар ёрдамида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. $SV + SV = \text{дериват(ҳосила)}$.

2. $SV + X_1 X_2 X_3 SV = \text{дериват(ҳосила)}$.

3. $X_1 X_2 SV + SXV = \text{дериват(ҳосила)}$.

4. $XSV + SXV = \text{дериват(ҳосила)}$.

(Ҳосила ясовчи ҳар қандай унсур X билан белгиланмоқда).

Боғловчисиз шаклланган тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси воқеланаётган жараёнда деривацион муносабатга киришувчи мустақил гапларнинг мазмуний салмоқлари муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, муайян семантик қуршов (дистрибуция) доирасига сиғиши мумкин бўлган гапларгина ўзаро алоқада бўлади ва ана шу семантик хусусият икки мустақил гапнинг синтактик муносабатга киришуви учун имкон яратади. Бу эса, ўз навбатида, МСҚ синтактик деривациясининг воқеланишини таъминлайди. Шунинг учун айни пайтда деривация оператори вазифасини белгисиз ифодали, яъни ўзининг аниқ морфологик ифодасига эга бўлмаган унсур - семантик омил бажаради:

1. *Мамат унга ёрилиб хато қилганини дарров англади, вужудига титроқ тушди* (А.Мухтор. Илдизлар).

2. *Нотаниш меҳмон ёнидан қоғоз чиқариб Миён Сотиболдихонга узатди, Сотиболдихон мактубни ихтиёрсиз буклади* (С.Абдулла. Мавлоно Муқимий).

Келтирилган мисолларда МСҚ компонентларининг ўзаро мазмуний муносабатлари мавжудлиги изох талаб қилмайди, албатта. Мазкур семантик муносабат биринчи мисолда МСҚнинг ҳар икки компонентида ҳам кесим вазифасидаги сўзлар билан (*англади, титроқ тушиди*) боғлиқ ҳолда вужудга келаётган бўлса, иккинчи мисолда МСҚ биринчи компонентидаги *қоғоз* ва иккинчи компонентидаги унга синонимик маънода келаётган *мактуб* сўзлари орқали бир пайтнинг ўзида икки гап ўртасида ҳам синтактик, ҳам мазмуний боғланиш шаклланмоқда. Бундай вазиятда иккинчи гап таркибида биринчи гапдаги маълум бир сўзнинг синоними бўлиб келаётган сўз МСҚ синтактик деривациясининг воқеланишида мутлақ ҳоким унсур (оператор) ҳисобланади.

Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, маълум бир фикр ифодаси турли хил синтактик структуралар қолипида берилиши мумкин. Бу, албатта, деривацион жараёнда сўзловчига оператор танлаш имкониятини беради. Фикр далили учун юқорида келтирилган МСҚлар воқеланаётган деривацион жараёнга эътибор берайлик:

1. *Мамат унга ёрилиб хато қилганини дарров англагач, вужудига титроқ тушиди.*

2. *Мамат...хато қилганини дарров англади-ю, вужудига...*

3. *Мамат...хато қилганини дарров англаб, вужудига...*

4. *Мамат...хато қилганини дарров англаганда, вужудига...*

5. *Мамат...хато қилганини дарров англагандан сўнг, вужудига...*

6. *Мамат...хато қилганини дарров англагани учун, вужудига...*

Иккинчи мисолда:

1. *Нотаниш меҳмон ёнидан қоғоз чиқариб Миён Сотиболдихонга узатгач, Сотиболдихон мактубни ихтиёрсиз буклади.*

2. *Нотаниш меҳмон...Сотиболдихонга узатди ва Сотиболдихон...*

3. *Нотаниш меҳмон...Сотиболдихонга узатганда,...*

Келтирилган биринчи мисолнинг дериватлари парадигмасида турли хил морфологик воситалар қатнашаётганини кузатамиз: биринчи дериватда **-гач**, иккинчисида **-ю**, учинчисида **-б**, тўртинчисида **-ганда**, бешинчисида **-гандан сўнг**, олтинчисида эса **-гани учун**, иккинчи мисолда **-гач, ва, -ганда**.

Кўринадики, муайян бир хабар ифодаси нафақат тенг компонентли МСҚ шакллари билан, балки тобе компонентли МСҚ кўринишида, ва ҳатто мураккаб структурали мустақил гап орқали ҳам берилиши мумкин. Албатта, бунда прагматик қоидалар, хусусан, сўзловчининг нутқий услуги, нутқ муҳити шарт-шароити ҳамда тил системаси унсурларининг нутққа кўчирилиши ва фаоллашувини таъминловчи лингвистик ва

нолингвистик воситаларнинг қўлланиш имкониятлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки деривацион жараён ана шулар қуршовида туғилади.

Аммо боғловчисиз тенг компонентли МСҚ шаклланаётган деривацион жараёнда ҳосилалар (дериватлар) нинг кенг миқёсли парадигмаси ҳосил бўлиши учун ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. Айрим деривацион жараёнда парадигма каторининг сони жуда чекланган бўлади:

1. *Али Қушчининг тахмини тўғри чиқди: сойдан ўтиб, тик чўққига кўтарилаётганда туялар «буҳ-буҳ» лаб юролмай қолди* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

2. *Бироқ Меҳрига концерт татимади – ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган дугонаси ҳақида конференсьенинг шеър билан айтган мақтов сўзлари уни жуда ўртаб юборди* (А.Қаҳҳор. Синчалак).

Берилган ҳар икки тенг компонентли МСҚнинг синонимик вариантларини айтиш пайтда **чунки** боғловчиси орқали ташкил этиш мумкин. Бироқ бу вазиятда тобе компонентли МСҚ шаклланади, зотан, **чунки** боғловчиси сабаб маъносини англатувчи тобе компонентли МСҚ синтактик деривациясининг оператори саналади:

1. *Али Қушчининг таклифи тўғри чиқди, чунки тогдан ўтиб тик чўққига кўтарилаётганда туялар «буҳ-буҳ» лаб юролмай қолди.*

2. *Бироқ Меҳрига концерт татимади, чунки ипакчилик звеносининг бошлиғи бўлган дугонаси ҳақида конференсьенинг шеър билан айтган мақтов сўзлари уни жуда ўртаб юборди.*

Шуни ҳам айтиш керакки, тенг компонентли боғловчисиз МСҚнинг сабаб маъносини англатувчи тобе компонентли МСҚ билан синонимик ҳолатда келиши компонентларининг иккинчиси биринчисининг мазмунини изоҳлаб келганда рўй беради ва бунда МСҚлар синтактик деривациялари операторлари оппозицион ҳолатда бўлади. Бошқача айтганда, тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси аксарият ҳолларда морфологик восита билан ифодаланмаган семантик операторга, тобе компонентли МСҚ синтактик деривацияси эса ҳар доим реал операторга асосланади.

Айтиш пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, анъанавий грамматик тадқиқотларимизда боғловчисиз қўшма гаплар компонентлари ўртасидаги сабаб-оқибат қилипидаги семантик муносабат содда гапларнинг бири иккинчисига тобелик муносабати орқали боғланиши хусусида ҳукм чиқариш учун асос бўлиб келмоқда. Бироқ, бизнингча, бундай хулосага келиш анча изоҳталаб кўринади. Чунки қўшма гап компонентлари ўртасида воқе бўлган семантик муносабатнинг ёлғиз ўзи уларнинг тобелик асосида боғланишини таъминлай олмайди. Бошқача айтганда, тобе компонентли қўшма гапнинг ҳар қандай тури ҳам компонентларининг семантик-синтактик алоқасига таянилган ҳолда белгиланади. Деривацион

жараён таҳлили эса боғловчисиз қўшма гаплар таркибий қисмларининг ўзаро тенглик асосида муносабатга киришувини кўрсатмоқда. Шу боис уларни тенг компонентли МСҚ тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Аммо бу билан МСҚ компонентлари ўртасида сабаб, мақсад, пайт ва ҳоказо муносабатлар мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бироқ бундай муносабатлар МСҚ компонентларининг микроматн қолипидаги боғланишли нутқ мучалари эканлигини далиллаш жараёнида кун тартибига қўйилмоғи лозим.

Боғловчи воситаларсиз шаклланган тенг компонентли МСҚларнинг баъзи турлари борки, улар ўзига хос деривацион хусусиятга эгадир. Бундай МСҚлар жумласига компонентлари маъно жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши бўлган , шарт, қиёсий ҳамда ўхшатиш маъноли мураккаб синтактик структуралар киради:

1. *Сув келтирган хор-зор, кўза синдирган – азиз* (мақол).
2. *Юрган - дарё, ўтирган - бўйра* (мақол).
3. *Кечаси совуқ – кундузи иссиқ.*
4. *Эл тинч – сен тинч* (мақол) .

Бу албатта, уларнинг мазмуний салмоқлари анча барқарорлигидан далолат беради. Мазкур барқарорлик МСҚнинг синтактик деривациясига ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Шу боис деривацион жараёнда мазкур турдаги боғловчисиз МСҚларнинг трансформацион имкониятлари чегараланган бўлади. Трансформация натижасида юклама воситасида шаклланган боғловчили тенг компонентли МСҚ, баъзан эса шарт, ўхшатиш маъноли тобе компонентли МСҚларнигина кузатиш мумкин:

1. *Сув келтирган хор-зору, кўза синдирган – азиз.* 2. *Юрган дарё бўлса, ўтирган бўйра.* 3. *Кечаси совуғ-у, кундузи иссиқ .* 4. *Эл тинч бўлса, сен ҳам тинч бўласан.*

Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, келтирилган ҳосилаларнинг барчаси семантик ва грамматик жиҳатдан беками-кўст бўлса-да, уларнинг қўлланиш даражаси боғловчисиз шаклланган тенг компонентли МСҚларга қараганда анча пастдир. Чунки бу сингари боғловчисиз МСҚлар тилда маълум бир қолипга тушган синтактик структураларни тақозо этади .

Боғловчисиз шаклланган тенг компонентли МСҚларнинг мазкур турида синтактик деривация семантик операторга асосланади. Бошқача айтганда, дериват операндларининг ўзаро синтактик муносабати уларнинг мазмуни билан бевосита боғлиқ ҳолда воқеланади. Трансформацион вазият вужудга келганда эса, юқорида кўриб ўтганимиз сингари, улар асосида МСҚнинг бошқа турларига мансуб ҳосила қурилмалар шаклланиши ҳам мумкин. Бироқ мазкур жараёнда семантик оператор ўрнига реал ифодали операторлар қўлланади.

Юқоридагилардан ташқари, боғловчисиз МСҚ яна шундай ҳолатда ҳам шаклланиши мумкинки, уларни асосан шу тарзда, яъни боғловчисиз тенг компонентли МСҚ ҳолида ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. *Мева дарахтларининг остини, полизни шўра ва гумай босиб кетибди; ҳовузнинг ўртасида аллақанақа қогоз яшик ярмигача сувга ботиб ётибди* (А.Қаҳҳор. Синчалак).

2. *Қодир бобо кўк автобус деразасидан далаларни томоша қилиб борарди: шудгорланган ерлар кўпчиган* (Ш.Тошматов. Ишқ янгиланди).

3. *Яқинда қурилишида қутилмаган бир офат маълум бўлиб қолди: икки ҳафтадан бери термит деган бало билан олишяпмиз* (А.Мухтор. Давр менинг тақдиримда).

4. *Али Қушчи хонада ёлғиз қолиши билан кўнгли галати бўлиб кетди: бу кенг, чарогон хонанинг ҳамма деворлари устоднинг ов анжомлари билан безатилган эди* (О.Ёкубов. Улуғбек хазинаси).

Келтирилган МСҚ таркибий қисмлари ўзаро шундай боғланганки, уларнинг трансформаларини бирор грамматик ёки лингвистик восита ёрдамида бериб бўлмайди. Фикр далили учун юқорида келтирилган мисолларнинг биринчисини тенг боғловчи вазифасида қўлланувчи **эса** сўзи орқали деривацион жараёнга солиб кўрайлик: *Мева дарахтларининг остини, полизни шўра ва гумай босиб кетибди, ҳовузнинг ўртасида эса аллақанақа қогоз яшик ярмигача сувга ботиб ётибди.*

Айни пайтда боғловчисиз тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг семантик (реал ифодасиз) оператори ўрнига реал ифодали **эса** операторини киритиш мумкиндек кўринади. Лекин деривация операндларининг мазмуний ифодалари бунга йўл қўймайди. Бошқача айтганда, берилаётган МСҚ деривацияси операндлари мазмуний салмоқлари бири иккинчисига яқин эмас. Шу боис бу ўринда трансформацион ўзгариш содир бўлиши учун реал имконият кузатилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, боғловчисиз тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси реал операторга асосланиши ҳам мумкин. Буни келтирилган мисолларининг учинчисида кўрамиз. Айни пайтда МСҚнинг иккинчи компоненти таркибида биринчи компонентдаги *офат* сўзининг синонимлик ифодаси сифатида берилаётган *бало* сўзи МСҚ синтактик деривациясининг реал оператори вазифасида келмоқда. Принцип нуқтаи назаридан айни пайтда берилган МСҚнинг трансформасини ҳосил қилиш мумкин. Лекин мазкур трансформа МСҚ қолипидан чиқади. Бошқача айтганда, трансформация шакли мураккаблашган мустақил гап синтактик деривациясини беради: *Икки ҳафтадан бери яқинда қурилишида маълум бўлиб қолган бир офат – термит деган бало билан олишяпмиз.*

Боғловчисиз тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг реал оператори вазифасида, юқоридагидан ташқари, лексик такрор, олмошлар қўлланилиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда оператор вазифасидаги морфологик унсур МСҚ компонентларининг нафақат синтактик алоқасини, балки семантик муносабатини ҳам шакллантириш учун хизмат қилади:

1. *Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий каби шоирлар ёзган «Хамса»ларни улар иккови бирга ўқишарди, Гавҳаршодбеги уларни доим бирга кўрарди* (П.Қодиров. Она лочин видоси).

2. *Икковимиз ҳам секин пастга тушамиз, у киши икковимизнинг ҳам билакларимиздан чандир қўллари билан маҳкам ушлаб олади* (Ойбек. Болалик).

3. *Ошпазлар кабобу манти, палову шўрва пиширишади, уларнинг бозори чаққон* (Ойбек. Болалик).

4. *Хотинлар ҳам бўш келмайди, баъзилар тош ҳам отади* (Ойбек. Болалик).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида МСҚ компонентларининг ҳар иккаласида ҳам **улар** кишилиқ олмоши, иккинчисида эса МСҚ компонентларида **икковимиз** сўзи такрорий қўлланилиб, уларнинг кейингилари (МСҚ иккинчи компонентларидаги) деривация оператори вазифасида келмоқда. Учинчи ва тўртинчи мисолларда эса МСҚ синтактик деривацияси **уларнинг** ҳамда **баъзилар** олмошлари фаоллиги билан боғланмоқда ва шу боис мазкур морфологик унсурлар деривация оператори вазифасини бажармоқда: *Ошпазлар...улар; Хотинлар...баъзилар.*

Боғловчисиз МСҚ синтактик деривацияси баъзи ҳолларда белгисиз операторга асосланиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда у туширилган бўлади:

Шу топда Ўрин буванинг йўтали тутиб қолди, бўғила-бўғила узоқ йўталди (Ойбек. Болалик).

Айни пайтда МСҚ иккинчи компоненти таркибидан у олмоши туширилганини кузатамиз. Бироқ шундай бўлишига қарамай, мазкур сўз деривацион фаолиятини тўхтатаётгани йўқ. Нутқий муҳитнинг талабига кўра, агар лозим бўлса, уни ўз ўрнига осонгина тиклаш мумкин: ..., у *бўғила-бўғила узоқ йўталди.*

Боғловчисиз шаклланган МСҚ хусусида сўз юритилганда шуни ҳам айтиш лозимки, унинг синтактик деривациясини интонация билан боғлиқ деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай синтактик структуранинг шаклланиши биринчи галда онгнинг маҳсули бўлгани каби, боғловчисиз МСҚлар ҳам энг аввал сўзловчининг тафаккур фаолияти билан боғланади. Бошқача айтганда, нутқда МСҚ синтактик структурасининг қўлланилиши тил унсурларининг механик тарзда нутққа кўчирилишини эмас, балки

сўзловчининг тил системаси ва сўзлашув муҳити билан муносабати натижасини тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нафақат МСҚ синтактик структурасининг, балки ҳар қандай синтактик структуранинг шаклланиши ва реал қўлланиши сўзловчининг нутқий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, тил факторларини сўзловчисиз, сўзловчини эса, ўз навбатида, тил факторларисиз тасаввур этиш қийин. Мазкур ҳақиқат бугунги кунда янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Бу ҳақда Е.А.Попова қуйидагиларни ёзади: «Сегодня трудно представить тот период развития языкознания, когда изучение языка проходило без учёта человеческого фактора, а лингвистика была бесчеловечной»¹.

Таниқли тилшунос И.В.Арнольд ҳам инсон омилининг тил системаси воқелиги учун устувор аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди: «Тилни фақат ўз қобиғида унинг ижодкори ва эгаси иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. ...Гуманитар фанларни, улар ўз моҳиятига кўра инсон фаолияти билан боғлиқ бўлса-да, том маънода антропоцентризм тушунчаси доирасида ўрганмоқ лозим»².

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, тилшунослик фан сифатида шаклланишидан то ҳозирги тараққиёти давригача тилнинг воқе ҳодиса ёки фаолият эканлиги инсон омили билан узвий боғлиқ бўлишини санокли тилшуносларгина эътироф этдилар. Умуман олганда эса, А.Нурмонов ва М.Ҳакимовлар тўғри таъкидлашганларидек, тилни воқе ҳодиса тарзида ўрганишда инсон омили эътиборга олинмади, дейиш мумкин³.

Дарҳақиқат, тилнинг ҳар бир унсури, фонемадан тортиб сўзгача, инсон тафаккури билан бевосита боғлиқдир. Бошқача айтганда, тил инсон билан, инсон эса тил билан тирикдир. Бу ўринда Э.Бенвенистнинг қуйидаги сўзларини эслаш, бизнингча, мутлақо ўринлидир: «Тил инсон омили билан шу қадар чуқур боғлиқки, бундан тил бошқачароқ ҳолатда бўлиши ва умуман, воқе бўла олиши, тил деб номланиши мумкинмиди, деган савол туғилиши табиийдир»⁴.

Э.Бенвенистнинг мазкур фикри узоқ йиллар ҳукм суриб келган ва тилшунослик фанида гегемонлик қилган системоцентрик назариядан антропоцентрик назария томон қўйилган муҳим қадам эди. Бенвенистнинг фикрига монанд мулоҳазалар рус тилшунослари Ю.Степанов ва В.Звегинцевларда ҳам кузатилади. Аммо, шундай бўлса-да, бу соҳада

1. Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки , 2002, № 3.-С.69.

2. Арнольд И.В. Современные лингвистические теории взаимодействия системы и среды//Вопросы языкознания, №3,1991.-С.125-126.

1. Қаранг: Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, № 4, 2001, 56-бет.

2. Бенвенист Э. Общая лингвистика.-М., 1974.-С.295.

илмий тадқиқот ишлари кенг кўламли даражага кўтарилмади. Шу боис бугунги кунда бундай тадқиқотлар учун жиддий эҳтиёж сезилмоқда. XXI аср тилшунослиги антропоцентрик характер касб этиши шубҳасиздир.

Тил билан инсон муносабатининг узвийлиги нутқий жараёнда янада аниқроқ кўзга ташланади. Буни тилшунослик фанининг ҳар бир бўлимида – фонологияда ҳам, лексикологияда ҳам, морфология ва синтаксисда ҳам бевосита кузатиш мумкин. Зотан, товушнинг артикуляцияси, сўзнинг маъно жиҳатлари ва грамматик формалари, уларнинг ўзаро боғланиши каби жабҳаларнинг ҳар бирида инсон омилини ҳис этамиз. Бу эса, ўз навбатида, тилнинг ҳар бир унсурунинг нутққа кўчирилиши инсон омилининг иштирокисиз рўй бермаслигини тўлиқ тан олишимиз лозимлигини кўрсатади, зеро, тил системаси белгиларининг нутқда қўлланишига бўлган эҳтиёж сўзловчининг нутқий мулоқоти жараёнида туғилади.

Албатта, тил унсурларининг нутқда қўлланилиши ва бу жараён билан боғлиқ муаммолар талқини муайян лингвистик таҳлил усулини талаб этади. Ана шундай таҳлил усулларининг бири синтактик деривациядир.

Синтактик деривация, лексик деривациядан фарқли равишда, аввал эслатиб ўтилганидек, динамик характерли бўлиб, у сўзловчининг нутқий фаолияти билан тўғридан-тўғри боғланади. Унинг устуворлиги ҳам биринчи галда ана шунда кўринади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай синтактик қурилманинг реал шаклланиши нутқда рўй беради. Нутқ эса, шубҳасиз, инсоннинг аклий фаолияти маҳсулидир. Инсон сўзлашув жараёнида тил унсурларини истеъмолга киритар экан, улардан қай тарзда фойдаланиши, тил унсурларининг баъзан тежалиши, баъзан эса суистеъмол қилиниши каби масалалар унинг субъектив хоҳиши ва тил ташқи муҳитининг талаблари билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун синтактик қурилмаларнинг шаклланишида ҳар сафар тилнинг лексик унсурларини танлаш ва уларни маълум грамматик қоидалар асосида воқелантириш масаласи кўндаланг туради. Бу жиҳатдан, шубҳасиз, синтактик деривациянинг мавқеи устувор аҳамият касб этади.

Сўзсиз, тил нутққа сўзловчи томонидан киритилади. Бу эса сўзловчининг тилга таъсирини янада оширади. Демак, суперсегмент воситаларнинг тил ҳодисаларига муносабати ҳам сўзловчи орқали воқеланади. Шу боис биз интонацияни МСҚ синтактик деривациясини амалга оширувчи асосий факторлар жумласига киритолмаймиз.

Ишимизнинг олдинги саҳифаларида МСҚ синтактик ва семантик структураси, шу жумладан боғловчисиз МСҚлар ҳам, ўзига хос матн тарзида талқин этилиши мумкинлиги эслатиб ўтилган эди. Матнни, албатта, инсон нутқий фаолиятининг маҳсули деб биламиз. Шунинг учун тил ҳодисаларини ўрганишда ҳар доим қуйидаги учликка асосланиш

мақсадга мувофиқдир: тил — сўзловчи- прагматик омиллар (экстралингвистик факторлар).

Равшанки, мазкур учликнинг учинчи мучаси — интонацияни ҳам ўз ичига олади, унинг реал қўлланиши эса нутқ муҳитининг талаблари билан боғлиқ бўлади.

МСҚ синтактик структураси нутққа кўчирилиши жараёнида сўзловчи орқали интонация унга қўшилади. Демак, интонация тайёр ҳосиланинг нутқда айтилиши билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, интонацияни МСҚ синтактик деривациясининг операндлари муносабатини ташкил этувчи восита деб ҳукм чиқаришга монелик қилади. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик:

Ҳамма ишга келди, полизда тарвуз пишиди.

Айни пайтда икки содда гапни тегишли интонация билан айтишга қанчалик уринмайлик, МСҚ синтактик структурасини ташкил этиб бўлмайди. Чунки мазкур гапларнинг мазмуний салмоқлари уларнинг ўзаро семантик ва синтактик жиҳатлардан муносабатга киришуви учун йўл бермайди. Бу эса мураккаб синтактик қурилма таркибий қисмларининг, шу жумладан боғловчисиз шаклланган МСҚ компонентларининг ўзаро муносабати уларнинг мазмуний салмоғи билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Тўғри, интонация иштирокидан холи гап бўлмайди. Лекин интонация тайёр ҳолатга келган синтактик структураларга нутқдагина ҳамроҳлик қилади. Шунинг учун интонацияни МСҚ синтактик деривациясида иккинчи даражали воситалардан ҳисоблаймиз. Боғловчисиз қўшма гаплар таркибий қисмларининг ўзаро боғланиши хусусида фикр билдирганида И. Расулов қуйидагиларни таъкидлаб мазкур ҳақиқатга анча яқинлашиб қолган эди: «Қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро бириктирувчи ҳеч қандай восита бўлмаганда, уларнинг ўзаро боғланиши фақат интонация ёрдамида бўлади»¹.

Бу хусусда Е.Н.Ширяев дадил фикр билдиради: «Боғловчисиз қўшма гап деб аталувчи предикатив қурилмалар бирикувидан ташкил топган синтактик ҳосилалар интонация воситасида эмас, балки, Л.П.Якубинский таъкидлаб ўтганидек, сўзловчининг апперцепцион базаси орқали шаклланади»².

Интонация ҳақида гапирганда шуни ҳам айтиш лозимки, у тил системаси унсурлари жумласига кирмайди, зотан, тилда фонема, морфема ва сўздан бошқа нарса йўқ. Интонация нутқ унсури саналиб, тил системаси бирликларининг нутқда реал қўлланишига, юқорида эслатиб ўтилганидек, сўзловчи орқали таъсир этади. Бошқача айтганда, интонация

1. Расулов И. Кўрсатилган асар, 247-бет.

2. Ширяев Е.Н. Основы системного описания бессоюзных сложных предложений//Вопросы языкознания, № 1, 1984.-С.57.

суперсегмент восита саналади ва шу боис унинг тилда ифода материали ҳам йўқ. Хулоса қилиб айтганда, интонация синтактик структураларни шакллантирувчи деривацион омил саналмайди, унинг воситасида предикатив қурилмалар ўртасида синтактик муносабат фаоллашади, холос.

Аммо юқорида айтилган фикр ва мулоҳазалар орқали биз интонациянинг аҳамиятини, заррача бўлса-да, пасайтирмоқчи эмасмиз. Чунки у тилнинг нутқда қўлланишида муҳим аҳамият касб этади: унинг ёрдамида мустақил сўз гап функциясини бажара олиши, нопредикативли бирлик предикативли бирликка айланиши, дарак гап сўроқ гапга ёки ундов гапга айланиши мумкин ва ҳ.к. Аммо мазкур омиллар интонация синтактик деривация воситасида вужудга келувчи ҳосила структуранинг(дериватнинг) шаклланишини белгилаб берувчи восита бўла олишини далиллай олмайди.

2-§. ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МСҚ СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ ВА УНИНГ УСТПРЕДИКАТИВЛИК ҲОДИСАСИГА МУНОСАБАТИ.

Анъанавий тилшуносликда қўшма гаплар, шу жумладан тенг компонентли қўшма гаплар ҳам, содда гаплардан фарқли равишда, полипредикативли синтактик қурилмалар сифатида талқин этилади. Мазкур фикр билан тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки қўшма гапларнинг ҳар қандай тури ҳам камида икки мустақил гапнинг ўзаро синтактик муносабатидан ташкил топар экан, бу таркибий қисмларнинг ҳар бири ўзига хос предикатив маъно англатиши табиийдир.

Бу ҳақда гапиришдан олдин предикативлик ҳодисаси деганда мазкур ишда нимани тушунишимиз тўғрисида фикр билдиришни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Предикативлик ҳодисаси тилшунослик адабиётларида турлича талқин этилади. Айрим олимлар уни эга-кесим муносабати деб изоҳласалар, баъзи тилшунослар бу ўринда кесимлилиқни, бошқалар эса фикрнинг воқеликка муносабатини тушунадилар. Умуман олганда, бу хусусда олимларимиз фикрлари муштарак эмас. Бу масала умумий тилшуносликда ҳам бугунгача мунозарали бўлиб қолмоқда.

Н.С.Валгина предикативлик фақат гапга хос эканлигини таъкидлайди ва уни гапнинг мазмуний белгиси деб тушунади. Бунда грамматик категориялар мажмуи майл ва замон ҳамда модаллик предикативлик ифодаловчи воситалар эканлиги қайд этилади¹.

1. Қаранг: Валгина Н. С. Синтаксис современного русского языка. - М.,1973.-С.14.

Н.С.Валгина, бизнингча, предикативлик ҳодисасининг талқинини кўпроқ феъл билан боғлаб, уни бирмунча чалкаштириб юборади. Чунки феъл иштирок этмаган гапларда ҳам предикативлик ўз ифодасини топа олади. Бундан ташқари, масаланинг яна бир муҳим томони бўлиб, унга кўра замон тушунчаси предикативлик ифодаланишида қатнашмайди (Бу ҳақда куйида маълумот келтирилади).

А.Г.Руднев предикативлик деганда гапнинг бош бўлаклари муносабатини тушунади. Аммо у модаллик предикативлик ифодаловчи белгилардан бири эканлигини қайд этади¹. Бироқ бу ўринда ҳам предикативлик ҳодисаси анча тор доирада изоҳланганини кўрамыз. Чунки предикативлик фақат бош бўлаklar билан эмас, балки гапнинг иккинчи даражали бўлаклари орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

А.Н.Гвоздев предикативлик ҳодисаси гап орқали ниманингдир тасдиқланиши ёки инкор этилишини тушунади ва унинг ифодаланишида модаллик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади².

Кўринадики, бу ўринда ҳам предикативлик сўз бирикмаси ва ҳатто, алоҳида олинган бир сўз орқали ҳам ифодаланиши мумкинлиги хусусида фикр билдирилмайди ва унинг фақат гапга тааллуқли эканлиги таъкидланади.

Предикативлик ҳодисаси тўғрисида айtilган, гарчи у семантик мақсадни кўзда тутса ҳам, В. Б. Касевичнинг фикри диққатга моликдир: «Предикативлик-бу предикатнинг ўз аргументлари билан муносабатидан бошқа нарса эмасдир. Қаерда пропозиция бўлса, у ерда предикативлик ҳам мавжуддир. Пропозиция эса ўз характериға кўра замондан ташқарида бўлади. Демак, предикативлик ҳам замон тушунчасига алоқадор эмас»³.

Бу сингари илмий мулоҳаза Ю.Степановда ҳам кузатилади: «Таркибида феъл ва унинг замон категорияси қатнашмаган гаплар ҳам мавжуд бўла олар экан, предикативлик ҳодисаси феълнинг замон категорияси билан боғлиқ эмасдир»⁴.

Бизнингча, юқорида келтирилган ҳар икки фикр ҳам ҳақиқатга яқиндир. Чунки маълум бир фикр ифодаси турли замонлар орқали берилгани билан предикативлик ифодасида бирор ўзгариш бўлмайди. Умуман олганда, предикативлик грамматик ҳодиса эмас, у мантиқий ҳодисадир. Мазкур фикр исботини Т.П.Ломтевда кузатамиз:

1. Қаранг: Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка.-М., 1968.-С.34-35.

2. Қаранг: Гвоздев А. Н. Современный русский литературный язык. II. - М., 1968.-С.7.

3. Касевич В. Б. Семантика. Синтаксис. Морфология.-М., 1988.-С. 69.

4. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания .-М.,1975.-С.134.

«Предикативлик гапнинг грамматик белгиси эмас, балки мантикий (логик) белгисидир»¹.

Ўзбек тилшунослигида ҳам предикативлик ҳодисаси хусусида илмий салоҳиятли фикрлар мавжуд. (А.Ғуломов, А.Нурмонов, И.Расулов, С.Иноятов, Х.Хайруллаев ва бошқалар).Мазкур масалага С.Иноятов ва Х.Хайруллаевларнинг номзодлик диссертациялари ҳам бағишланган бўлиб, уларда масала тавсифи атрофлича ёритилганини кўрамиз. Х.Хайруллаевнинг тўғри таъкидлашича, предикативлик тил бирликларининг воқеликка муносабатини тақозо этади ва фақат гап орқали эмас, балки махсус қўлланилган мустақил сўз, феълли сўз бирикмаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин².

Х.Хайруллаевнинг мазкур тадқиқотида кўшма гапда устпредикативлик белгиси воқеланиши хусусида ҳам фикр юритилади ва бу белгининг характерли томонлари изоҳлаб берилади³.

Аввало шуни айтиш лозимки, устпредикативлик деганда муайян предикативлик белгиларининг йиғиндисидан янги предикатив белгининг шаклланишини тушунамиз. Айни пайтда эса МСҚнинг мустақил предикативли таркибий қисмлари муносабатидан учинчи предикатив белгининг, яъни МСҚ умумий синтактик структурасининг предикатив белгисининг вужудга келиши назарда тутилади.

Тенг компонентли МСҚ таркибий қисмларининг ҳар бири мустақил равишда воқеликка муносабат билдиргани учун уларнинг предикативлик белгилари автоном ҳолатда ҳам ўз мавқеига эга бўлади. Бироқ мустақил гаплар МСҚ компонентлари бўлгани боис, уларнинг предикативлик белгилари ўзаро муносабат ташкил этади ва натижада учинчи предикативлик белгиси – устпредикатив белги вужудга келади:

1. *Табиб бу гапларни оҳиста айтди, лекин таъсир кучи момақалдироқ садосидан ҳам ортиқроқ бўлди* (М.Али. Сарбадорлар).

2. *Ҳар учалалари бу ҳақда Муқимийга ваъда бердилар, меҳмонлар дамланган ошдан насиба олиб, кўчада кутиб турган соябонли гумбур аравага чиқдилар* (С.Абдулла.Мавлоно Муқимий).

Келтирилган мисолларнинг ҳар иккисида ҳам МСҚ компонентларининг мустақил предикативлик белгилари муносабатидан унинг умумий синтактик структураси сатҳида устпредикатив белги шаклланаётганини кўрамиз. Мазкур устпредикатив белги микроматн мақомидаги МСҚ умумий мазмунининг воқеликка муносабатини тақозо

1. Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории.-М., 1972. -С.29.

3.Қаранг: Иноятов С.Б. Ўзбек тилида предикатив муносабат// Номз.дис.автореф.-Тошкент,1999; Хайруллаев Х.З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати // Номз.дис. автореф.-Тошкент,2001.

4.Қаранг: Ўша иш, 20-бет.

этади ва унинг ифодаланиши замон, майл ва ҳ.к. каби грамматик категориялар билан боғлиқ эмас. Бунда модаллик ва оҳанг предикативлик ифодаловчи асосий воситалар саналади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, устпредикатив белги МСҚ структураси шаклланиши лозим бўлган деривацион жараён тўлиқ яқунлангач воқеланади. Демак, у МСҚ шаклидаги ҳосиланинг доимий мантикий белгиси саналади. Бу эса, ўз навбатида, устпредикатив белги МСҚ семантик структурасининг доимий компоненти эканлигини кўрсатади. Мустақил гаплар эса, синтактик ҳажмининг қандай бўлишидан қатъи назар, устпредикатив белгили бўлмайди.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишимизда ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар табиатини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тенг компонентли мураккаб қурилмаларнинг синтактик табиати нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам тобе компонентли МСҚларга қараганда жуда кам ўрганилган.

2. Тенг компонентли МСҚларнинг анъанавий тилшуносликда боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар тарзида ўрганилишида терминологик номутаносиблик мавжудлиги кўзга ташланади. Бошқача айтганда, бунда тил бирликларининг иерархик муносабати қонуниятлари меъёрига амал қилинмаганини кўрамиз, зотан, мазкур поғонали муносабат қонуниятига кўра, тилнинг ва нутқнинг ҳар бир бирлиги ўзидан катта бирлик сатҳидагина синтактик фаоллик олиши мумкин. Шу боис гап ҳам гап ичида эмас, балки ўзидан катта бирлик – матн доирасида синтактик фаоллик олиши шубҳасиздир. Амалда ҳам гап шу тахлит нутқий фаоллик олади. Икки ва ундан ортиқ гапларнинг семантик жиҳатдан ҳам, синтактик нуқтаи назардан ҳам ўзаро муносабатга киришуви ва фаоллашуви «қўшма гап» термини билан номланиб келаётган микроматн таркибида воқеланиши ҳақиқатдир. Шунинг учун бундай микроматнни мураккаб синтактик қурилма деб аташ мақсадга мувофиқдир.

3. Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси табиатини ўрганиш тил бирликларининг нутққа кўчирилиши муаммоси билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунда тил бирликларининг ўзаро кесишиш объектини тақозо этувчи МСҚнинг нутқий воқеланиши масаласи талқини устивор аҳамият касб этади.

4. Тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясида «туб структура» тушунчаси энг муҳим ўринда туради, зеро, МСҚнинг ҳар икки компоненти ҳам алоҳида туб структураларнинг синтактик тараққиётига асосланади.

5. Деривацион жараёнда туб структураларнинг синтактик тараққиёти натижасида таянч структуралар шаклланади ва улар МСҚ қолипидаги дериватнинг умумий структурасининг вужудга келишида таянадиган асосий синчлар ҳисобланади.

6. Тенг компонентли МСҚ синтактик деривациясининг мутлақ ҳоким унсури (реал ёки нул ифодали бўлишидан қатъи назар) оператор саналади, чунки унинг иштирокисиз синтактик деривация воқеланмайди.

Оператор боғловчи восита билан ёхуд боғловчисиз тенг компонентли МСҚ компонентларининг семантик муносабатлари орқали ифодаланади. Аммо ҳар қандай оператор ҳам МСҚ таркибига деривацион жараён вужудга келгандагина киритилади. Мазкур қоидадан боғловчисиз

тенг компонентли МСҚнинг икки операнднинг семантик дистрибуциясига асосланувчи нул оператори ҳам мустасно эмас.

Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси оператори таркибли ёки таркибсиз бўлиши мумкин. Таркибли оператор икки ва ундан ортиқ мучали бўлиб, бундай операторларга нисбатан «дубльоператор» терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

7. Операторлари **ҳам, ҳамда** бириктирув ва нуктадан (нутқда паузадан) сўнг иккинчи гапнинг бошида келувчи **аммо, лекин, бироқ** зидлов боғловчилари билан ифодаланган МСҚларнинг деривацион таҳлили улар тенг компонентли МСҚлар эмас, балки иловали МСҚлар эканлигидан далолат беради.

8. Фактик тил материалларининг таҳлили таркибий қисмлари боғловчисиз муносабатга киришган МСҚларни тенг компонентли алоҳида деривацион тур эканлигини кўрсатади.

9. Анъанавий тилшуносликда боғловчисиз қўшма гапларнинг компонентлари тенг муносабатли ва тобе боғланишли турларга бўлиниши масала тавсифини чигаллаштиради. Агар шундай бўлса, тобе компонентли МСҚларнинг ҳам кўпини боғловчили ёки боғловчисиз МСҚлар билан қиёслаш мумкин бўларди. Аммо тенг ва тобе боғланиш ўртасида чегара мавжуд: тобе боғланиш ёлғиз туб структурага, тенг боғланиш эса алоҳида икки туб структурага таянади.

10. Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси воқеланишида интонациянинг мавқеи иккинчи даражалидир. Мазкур хулоса МСҚ деривацияси реал операторли бўлганда ҳам, нул операторли бўлганда ҳам бир хил аҳамият касб этади. Синтактик деривация натижаси нул операторли МСҚ қолипидаги ҳосила структура (боғловчисиз) бўлганда, унинг компонентлари синтактик муносабати семантик омилга асосланади. Интонация эса ҳосила структура сўзловчи онгида тўлиқ шаклланиб нутққа кўчирилиши жараёнида синтактик қурилмага ҳамроҳлик қила олади. Бошқача айтганда, интонация МСҚ нутқда ўзининг реал ифодасини топиши жараёнида унга сўзловчи орқали кўшилади.

11. Тенг компонентли МСҚ синтактик деривацияси устпредикативлик белгисини шакллантиради, зотан, ҳар бири ўзича предикатив марказ ҳосил қилаётган МСҚ компонентларининг ўзаро семантик ва синтактик муносабатлари эвазига учинчи предикатив белги вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, устпредикативлик тушунчасини асослайди. Демак, тенг компонентли МСҚ полипредикативлик белгисидан ташқари, устпредикативлик белгисига ҳам эга бўлади.

12. МСҚлар, шу жумладан тенг компонентли МСҚлар ҳам, тил унсурларининг нутққа кўчирилишида ҳамда нутқ бирликларининг синтактик фаоллашувида объект вазифасини ўтайди, чунки унинг сатҳида фонема, морфема ва сўзлардан ташқари гаплар ҳам нутқий фаоллик олади

ва пировард натижада, МСҚнинг умумий синтактик структураси деривацияси воқеланади. Мазкур жараёнларнинг ҳар бирида тил системаси белгиларининг инсон томонидан нутққа кўчирилишини кўрамиз, шу боис нафақат МСҚ синтактик деривациясида, балки, умуман, деривацион жараённинг вужудга келишида инсон омили ғоят муҳим аҳамият касб этади.

БАДИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдулла С. Мавлоно Муқимий. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966, 444 б.

Абдуллахонов Ж. Борса келмас.- Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 312 б.

Али М. Сарбадорлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт- матбаа бирлашмаси, 1992, 256 б.

Анорбоев С. Сайли.-Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 228 б.

Аҳмад С. Уфқ.Ш т.-Тошкент:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970,435 б.

Ёқубов О. Видо. Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 282 б.

Ёқубов О. Диёнат. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 349 б.

Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 334 б.

Исмоилий М. Фарғона тонг отгунча.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 397 б.

Мирмуҳсин. Темур Малик.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1986,448 б.

Мирмуҳсин. Меъмор.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1975,376 б.

Мухтор А. Давр менинг тақдиримда.- Тошкент : Ўқитувчи нашриёти, 1979, 383 б.

Мухтор А. Чинор.-Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 400 б.

Мухтор А. Илдизлар.-Тошкент,1984.

Ойбек. Улуғ йўл.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 388 б.

Ойбек. Нур қидириб.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1972,552 б.

Ойбек. Болалик.-Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 254 б.

Рашидов Ш. Қудратли тўлқин. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969, 336 б.

Тошматов Ш. Ишқ янгиланди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 159 б.

Усмонов Ў. Гирдоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 302 б.

Файзий Р. Асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 396 б.

Файзий Р. Ҳазрати инсон.- Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 496 б.

Шамс Ҳ. Танланган асарлар. – Тошкент: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1959, 481 б.

Шамшаров Й. Ворислар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 332 б.

Шарипов Ж. Хоразм. 1- китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 384 б.

Шукрулло. Тирик руҳлар.- Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999, 240 б.

Яшин К. Ҳамза. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982, 616 б.

Қаҳҳор А. Синчалак. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1982, 152 б.

Қодиров П. Она лочин видоси.-Тошкент: Шарқ, 2001, 239 б.

Қодиров П. Айиқ ташвиши.Ўзбек ҳикоялари антологияси. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 282 б.

Ҳамза.Бой ила хизматчи.-Тошкент:Бадиий адабиёт нашриёти,1958,338б.

Ҳошимов Ў.Урушнинг сўнгги қурбони.Ўзбек ҳикоялари антологияси. - Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997, 182 б.

ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзлаган нутқидан. «Ўзбекистон овози», 1994 йил 9 июль.

2.Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси.-Тошкент: Фан, 1964, 244 б.

3.Абдурахмонов Ғ.А. Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996, 248 б.

4.Абдурахмонов Ғ., Сулаймонов А., Холиёров Х., Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис.-Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 207 б.

5.Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка.-Л.: Наука, 1973, 366 с.

6.Арнольд И.В. Современные лингвистические теории взаимодействия системы и среды//Вопросы языкознания, № 3,1991.

7.Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. -Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти,1960,134 б.

- 8.Бакиров П. Боғловчисиз бириккан кўшма гап шаклидаги ўзбек, қозоқ ва рус номинацентриқ мақоллари // Тил ва адабиёт таълими, № 1, 2004.
- 9.Баскаков А.Н. Предложение в современном турецком языке. -М.: Наука, 1984, 200 с.
- 10.Бенвенист Э. Общая лингвистика.-М.: Прогресс, 1974.
- 11.Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. -М.: Высшая школа, 1973, 423 с.
- 12.Ванников Ю.В. Синтаксис речи и синтаксические особенности русской речи. М.: Русский язык, 1979, 293 с.
- 13.Вендина Т.И. Словообразование как источник реконструкции языкового сознания//Вопросы языкознания, № 4, 2002.
- 14.Виноградов В.В. Избранные труды. Исследование по русской грамматике. – М.: Наука, 1975, 458 с.
- 15.Гаврилова Г.Ф., Моличева Н.В. Сложное синтаксическое целое с сочинительным союзом в антропоцентрическом аспекте // Филологические науки, № 5, 2000.
- 16.Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Часть II. Синтаксис. – М.: Просвещение, 1968, 344 с.
- 17.Гулыга Е.В. Теория сложноподчинённого предложения в современном немецком языке.- М.: Высшая школа, 1971, 206 с.
- 18.Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. – М.: Изд. Восточной литературы, 1962, 607 с.
- 19.Есперсен О. Философия грамматики.-М.: Иностранная литература, 1985, 404 с.
- 20.Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. –М.: Издательство МГУ, 1973, 247с.
- 21.Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика.-М.: Просвещение, 1967,335 с.
- 22.Иноятов С. Б. Ўзбек тилида предикатив муносабат // Номз.дис. автореф.-Тошкент, 1999.
- 23.Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология.– М.: Наука, 1988, 309 с.
- 24.Кацнельсон С.Д. Порождающая грамматика и принципы деривации// Проблемы языкознания.-М.,1976.
- 25.Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. -Л.: Наука, 1986.
- 26.Комаров А.П. Система средств выражения причинно-следственных отношений в современном немецком языке //Автореф. докт. дис. –М.,1973,29 с.
- 27.Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –М.-Л.: АН России, 1960, 446 с.

- 28.Кручинина И.Н. Структура и функции сочинительной связи в русском языке.-М.: Наука, 1988, 209 с.
- 29.Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия //Вопросы языкознания, №5, 1974.
- 30.Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая// Очерки по лингвистике .-М.: Иностранная литература, 1962, 456 с.
- 31.Лингвистический энциклопедический словарь.-М.: СЭ, 1990, 683 с.
- 32.Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985, 144 б.
- 33.Ломтев Т.П. Предложение и его грамматические категории.-М.: МГУ, 1972, 197 с.
- 34.Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. –М.: Изд. МГУ, 1979, 198 с.
- 35.Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. – М.: Наука, 1986, 199 с.
- 36.Маматкулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияланиши // Докт. дис. автореферати. – Тошкент, 2004, 50 б.
- 37.Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. –Тошкент: Фан, 1988, 93 б.
- 38.Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили.-Тошкент: Ўқитувчи, 1966, 262 б.
- 39.Мурзин Л.Н. Основы дериватологии.-Пермь: 1984, 56 с.
- 40.Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (анализ производных предложений русского языка). – Пермь: 1974, 168 с.
- 41.Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) // Автореф. докт.дис. –Л.: 1976, 29 с.
- 42.Неъматов Ҳ., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари.-Тошкент: Университет, 1999, 55-бет.
- 43.Нурмонов А.Н. Гап ҳақида синтактик назариялар.-Тошкент, 1988,99 б.
- 44.Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, № 4, 2001.
- 45.Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992, 292б.
- 46.Петерсон М.Н. Очерк синтаксиса русского языка.-М.: Учпедгиз, 1923.
- 47.Петрова Н.В. Текст и дискурс. Вопросы языкознания, № 6, 2003.

- 48.Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение и подчинение предложений ? // Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник (кн. 11-12). –М.: Учпедгиз, 1926, 252 с.
- 49.Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. -М.: Учпедгиз, 1956, 448 с.
- 50.Попова Е.А.Человек как основополагающая величина современного языкознания // Филологические науки, №3, 2002.
- 51.Прокопович Н.Н. Вопросы синтаксиса русского языка.-М.: Высшая школа, 1974, 350 б.
- 52.Равшанова С. Боғланган кўшма гапларда зидлов боғловчилари билан бириккан содда гапларнинг фикрий муносабатлари ҳақида//Доклад научно-теор.конф.-Бухара, 1957.
- 53.Равшанова С. Дарак ва сўроқ гапдан ташкил топган боғланган кўшма гаплар //Тошкент пед.ин-тининг илмий асарлари, 98-том, 1972.
- 54.Равшанова С. Структура сложносочинённых предложений в современном узбекском литературном языке // Автореф. канд. дис. -Ташкент, 1969.
- 55.Распопов И.П., Сычёва С.Н. Синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия // НДВШ, ФН, №3, 72 с.
- 56.Реферовская Е.А. Синтаксис современного французского языка.-Л.: Наука, 1969, 223 с.
- 57.Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка.-Ташкент, 1965, 243 с.
- 58.Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. -М.: Высшая школа, 1968, 320 с.
- 59.Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке.-Ташкент: Фан, 1984, 125 с.
- 60.Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида кўшма гапларнинг формал-функционал талқини.-Тошкент:Фан, 1994, 357 б.
- 61.Современный русский язык.-М.:Высшая школа, 1989, 800 с.(В.А.Белошапкованинг масъул муҳаррирлигида чоп этилган дарслик)
- 62.Солихўжаева С.Боғланган кўшма гаплар // Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.-Тошкент:Фан, 1992, 292 б.
- 63.Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.-М.: Наука, 1971, 292 с.
- 64.Степанов Ю.С. Основы общего языкознания.-М.:Просвещение 1975, 267 с.
- 65.Турниёзов Н.Қ. Кўшма гап синтаксиси. –Самарқанд: СамДУ нашри, 1995, 80 б.
- 66.Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке.- М.: 1985, 352 с.

67. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш.- Самарқанд: СамДУ нашри, 1990, 60 б.
68. Турниёзов Н., Абдусаидов А. Лексик деривациянинг статик ва динамик турлари ҳақида // Лексик ва синтактик деривация масалалари.- Самарқанд: СамДУ нашри, 1994, 60 б.
69. Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. - Тошкент: Фан, 2003.
70. Турниёзов Н. Матн лингвистикаси.-Самарқанд, 2004, 64 б.
71. Турниёзов Б. Тенг компонентли мураккаб қурилмалар синтактик деривациясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, №6, 2002.
72. Турниёзов Б. Бириктирув боғловчили мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, № 4, 2004.
73. Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика. –Тошкент: Фан, 1988, 85 б.
74. Французко-русский словарь. – М.: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1963, 1112 с.
75. Хайруллаев Х.З. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати// Номз.дис.автореф.- Тошкент , 2001, 23 б.
76. Хашимов Г.М. Типология сложных предложений разносистемных языков. –Ташкент: Фан, 1991, 103 с.
77. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики.-М.: Наука, 1973, 599 с.
78. Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. –М.: Наука, 1984, 261 с.
79. Ширяев Е.Н. Основы системного описания бессоюзных сложных предложений//Вопросы языкознания, № 1, 1984.
80. Яхшибоев Ғ.Х. Синтактик деривация хусусида баъзи мулоҳазалар // Хорижий филология, №4, 2003.
81. Яхшибоев Ғ.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси// Номзод.дис.автореф.-Самарқанд,2004.
82. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили, 1981, 715 б.
83. Ўзбекча-русча луғат.-Тошкент, 1988, 277 б.
84. Ўзбек тили грамматикаси . II қисм .- Тошкент: Фан,1976, 560 б.
85. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили (ўқув қўлланма). -Самарқанд: СамДУ нашри, 2001, 171-бет.
86. Қурбонова М.М. Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 2002, 117 б.
87. Қурбонова М., Шокирова Х. Гапнинг тил ва нутқ фарқланишига кўра талқини // Ўзбек тили ва адабиёти, № 3, 2003.
88. Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцеллятив ва иловали қурилмаларнинг синтактик деривацияси// Номз.дис.автореф.- Самарқанд, 1997, 23 б.

89. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили . Синтаксис.- Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 255 б.
90. Antoine G. La coordination en français moderne.- Paris:1959, p.196.
91. Bangu oğlu T. Türkçenin grameri.- Ankara: Ankara Universiteti Basimevi, 1998, 628s.
92. Karahan L. Türkçede söz dizimi. Cumle tahlilleri.- Ankara, 6. Baski, 1999, 167 s.
93. Kurilowicz J. Dérivation lexical et dérivation syntaxique.- Paris:BSL, 1936 , p.122.
94. Hockett Ch. A course in modern linguistics.-New York, 1958.
95. Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte.- Halle, 1937, S.148.
96. Chomsky N. Language and Mind.-N.Y, 1968, p. 15-16.
97. Chomsky N. Syntactic Structures. –In: Janua Linguarum. The Hague, 1957.

ИНТЕРНЕТДАН КЎРИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ахманова О.С., Микаэлян Г.Б. Современные синтаксические теории. 2003, 168 с.
2. Береговская Э.М. Очерки по экспрессивному синтаксису. - М., 2004, 208с.
3. Семенова И.В. Дериваты союза ЕСЛИ (на материале наиболее частотных служебных образований, возникших на базе ЕСЛИ). Автореф. дис. канд. филол. наук: 10.02.01.- Владивосток, 2004, 20 с.
4. Храковский В.С. Некоторые проблемы деривации взаимных конструкций.- Пермь: Изд-во Перм. ун-та, 1980, 62с.
5. Почепцов Г.Г. Конструктивный анализ структуры предложения. 1977, 192с. **site: www.Urss.ru**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
БИРИНЧИ БОБ. ҲОЗИРГИ ТИЛШУНОСЛИҚДА ҚЎШМА ГАП ТАЛҚИНИ ВА СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯ НАЗАРИЯСИ.....	6
ИККИНЧИ БОБ БОҒЛОВЧИЛИ ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ.....	28
1-§. ТУБ СТРУКТУРА ВА ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	29
2-§. ОПЕРАТОРИ БИРИКТИРУВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	35
3-§. ОПЕРАТОРИ ЗИДЛОВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	40
4-§. ОПЕРАТОРИ АЙИРУВ БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	47
5-§. ОПЕРАТОРИ ИНКОР БОҒЛОВЧИСИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	51
6-§. ОПЕРАТОРИ <i>БЎЛСА</i> , <i>ЭСА</i> СЎЗЛАРИ БЎЛГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> ЛАР СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	54
УЧИНЧИ БОБ. БОҒЛОВЧИСИЗ ШАКЛЛАНГАН ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <u>МУРАККАБ</u> СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ	57
1-§. БОҒЛОВЧИСИЗ <i>МСҚ</i> СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ.	57
2-§. ТЕНГ КОМПОНЕНТЛИ <i>МСҚ</i> СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯСИ ВА УНИНГ УСТПРЕДИКАТИВЛИК ҲОДИСАСИГА МУНОСАБАТИ.....	69
ХУЛОСА	73
БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	76
ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	77
ИНТЕРНЕТДАН КЎРИЛГАН АДАБИЁТЛАР	82

Босишга рухсат этилган 8.07.2008

Буюртма № 104 Адади 100 нусха

СамДЧТИ нашр – матбаа марказида чоп этилди

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси 93 уй.

